

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**Н. Аманова**

**Жаз ва эстрада мусиқаси тарихи**

Олий ва ўрта таълим мусиқа ўқув юртлари учун ўқув қўлланма

Тошкент - 2018

## **Н.А. Аманова**

Жаз ва эстрада мусиқаси тарихи: / Олий таълим мусиқа ўкув юртлари учун ўкув қўлланма. / Тошкент 2018, 163 б.

Ўзбекистон давлат консерваторияси Бакалавриат таълим йўналишининг “Эстрада хонандалиги”, “Эстрада чолғу ижрочилиги”, “Бастакорлик” мутахассислиги талабалри учун.

Шунигдек мусиқа ва мусиқашунослик соҳасида таҳсил олаётган талабалар учун қўшимча маълумот сифатида тавсия этилади.

Бош муҳаррир:

*Д.Д.Амануллаева*, Ўзбекистон Республикаси санъат асрбоби,  
Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.

Тақризчилар:

*Р.Абдуллаев*, Ўзбекистон Республикаси санъат асрбоби,  
Ўзбекистон Республикаси Бастакорлар убшасининг раиси.

*Г.А.Турсунова*, Ўзбекистон Давлат консерваторияси “Мусиқа тарихи ва танқиди” кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди.

## Кириш

Мумтоз мусиқа жанрлари ва шакллари етарли даражада ўрганилган, эътироф этилган. Айни пайтда замонавий мусиқа, шу қаторда жаз, рок ва поп мусиқаси услублари нисбатан кам ўрганилган йўналишлардир.

Бугунги кунда замонавий мусиқа хусусидаги маълумотларнинг катта қисмини асосан Интернетдан топамиз. Шуни унутмаслик керакки, бу маълумотларнинг асосий қисми компилятив, жанжалли тусга эга. Бундай вазиятда мутахассис, аввало назоратдан ўтган, касбий даражада тизимлаштирилган манбаларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай манбалар қаторига ўзбек мусиқашуносларининг йирик тадқиқотларидан О.Бековнинг “Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана” илмий иши (композиторлик ижодиётида эстрада қўшиқларининг ўрни); Л.Юсуповнинг “Основные этапы становления и развития узбекской музыкальной эстрады” номзодлик диссертацияси (ўзбек эстрада мусиқасининг тарихий босқичлари) Д.Муллажоновнинг “1990-йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси” номзодлик диссертацияси (ижро масалалари); Г.Турсунованинг “Карим Зокиров ва унинг сулоласи – XXаср Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида” номзодлик диссертацияси (музиқий сулолалар масалалари); йирик ўзбек мусиқашуносларидан Т.Гафурбеков, А.Абдуллаев, Т.Янов-Яновскаяларнинг эстрада мусиқасидаги муаммоли масалаларига бағишлиланган мақолалари; Россия ва Ғарб санъатшунослигига ҳурматга сазовор бўлган нашрлардан – мусиқашунослар С.Гилевнинг “Беседы о джазе”, Дж.Коллиернинг “Становление джаза”, В.Коненning “Рождение джаза”, В.Сыровнинг “Стилевые метаморфозы рока или путь к третьей музыке”, А.Цукернинг “И рок, и симфония...” монографиялари (жаз ва рок мусиқаси услубларининг трасформацияси, услублараро боғланиши ва янги турлари, шакллари, жанрларининг яралиши, таниқли гурухлар томонидан яратилган асарлар, уларнинг услугбий жиҳатлари чуқур ёритилган); А.Соҳорнинг “О массовой музыке”, “Песня воспитывает нравы” илмий

мақолалари (оммавий мусиқа жанрлари ва муаммолари ҳақида сўз юритилган); композитор ва рок ижрочи А.Козловнинг “Рок: истоки и развитие”, мусиқий журналист Ж.Паскальнинг “Иллюстрированная история рок-музыки” публистик асарлари (рок мусиқасининг шаклланиши, ривожланиш этаплари, унинг услугуб ва йўналишлари, таникли ижрочилари ҳақида суз юритилади); мусиқий танқидчи А.Троицкийнинг оммавий мусиқа масалаларига бағишлиланган мақолалари ва таҳлилий мусиқашунослик адабиётлари ва нашрларини киритиш мумкин.

Шунингдек, jazz.ru, jazzpla.net, search.rsl.ru, twirpx.com, disservat.com ва б. бир қатор сайтларни эътироф этиш керакки, улар ўзининг жиддий ва асосли маълумотлари билан ажралиб туради. Ушбу сайтлар материалларидан мазкур қўлланмани тузишда ҳам фойдаланилди.

Ҳатто жиддий мусиқашунослик адабиётларида ҳам атамаларнинг турлича талқин қилиниши билан боғлиқ қарама-қаршиликлар бўлиши мумкин. Масалан, қўплаб муаллифлар жанр, шакл, услугуб, йўналиш ва ҳ.к.ларни турлича талқин этадилар.

Бошқа томондан, мусиқий тушунчаларга аниқлик киритиш учун синонимлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, жазни тур, йўналиш, тоифа, услугуб ва ҳ.к. тарзида аташ мумкин.

Шу боис ўқувчи эътиборини у ёки бу атама талқинининг муҳимлигига қаратамиз. Мазкур қўлланманинг “Жаз, рок ва поп мусиқа услублари ҳамда йўналишлари луғати ва изоҳлари” номли бўлимида асосий атамаларнинг бизнинг назаримизда бирмунча аникроқ бўлган кўринишларини акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Мамлакатимизнинг мусиқий поп-маданияти шиддат билан ривожланмоқда ва табиийки, жараённинг турли жабҳаларини мукаммал ўрганиш замон талабларидан биридир. Шу боис, Олий ва ўрта маҳсус билим юртлари учун мулжалланган ушбу қўлланма қўйилган талабларга жавоб сифатида бажарилган ишдир. Кўлланма ўқув юртларининг “Эстрада хонандалиги”, “Эстрада чолғу ижрочилиги”, “Бастакорлик” муттаҳассислиги

йўналишида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб замонавий оммавий мусиқани ташкил қилувчи жаз, рок ва поп мусиқаларнинг классик жанрлари тарихи, услублари, таниқли мусиқачилари ижодиёти ҳақида батафсил сўз юритилади.

## I-ҚИСМ

### ЖАЗ МУСИҚАСИ

#### 1-мавзу: Жаз мусиқасининг яралиши

Жаз – бу XIX-XX асрлар мобайнида АҚШда, Африка ва Европа мусиқа маданиятларининг ўзаро синтези натижасида юзага келган “енгил” мусиқа қатламларидан биридир. Бу африкача ритмлар ва европача гармония синтезидир. Жаз мусиқий тилининг ўзига хос қирралари – бу синкопаланган ритмика ва ритмик фактура ижроси усулларининг ажойиб мажмуаси – свинг; септаккордлар тизимидан ташкил топган гармония; ноёб товушқатор – блюз лади ва импровизация (бадиҳа)дан иборат.

Жаз мусиқасининг яралишига инсоният тарихида катта доғ бўлиб қолган ҳодисалардан бири – қуллик даври сабаб бўлган. 17 асирдан бошлаб Шимолий Америка қитъасида қуллик даври ҳукум сурарди. Бу эса турли ирқий ва этник халқларнинг маданий ва майший ҳаётининг ўзаро қоришуви олиб келади. Бир бирига тубдан ёд бўлган Европа ва Африка халқларининг маданияти аралашуви мусиқада ҳам ўз аксини топди. Албатта, бу даврда жаз санъати ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, аммо унинг яралишига замин яратилди. Шу даврдан бошлаб афроамериканча фольклор мусиқаси шакллана бошланди.

Жаз негритянча фольклор: меҳнат қўшиқлари, диний қўшиқлар – сперичуэл, госпел, блюз; оқ қишлоқ ва шаҳар фольклори: кантри, жига, рэгтайм, буги-вугининг уйғунлашуви асосида юзага келган. Аста-секин нафақат Африка халқлари орасида, балки Американинг оқ танли аҳолиси (испан, инглиз, француз ва х.к.) ўртасида ҳам маданиятлар аралашуви юз берди. Бу аралашув афроамерикача маданиятнинг, хусусан афроамерикача мусиқа маданиятининг пайдо бўлишига олиб келди.

Айтиб ўтиш керакки, минтақага келтирилган қуллар ўзлари билан мусиқий чолғуларни ҳам олиб келганлар. Булар: турли зарбли чолғулар – шу жумладан идиофонлар (қўнғироқ, шиққилдоқ ва б.к.), содда тузилишга эга бўлган найлар, турли дамли чолғулар (денгиз чиғаноқларидан, ҳайвонлар

шоҳидан ясалган) ва торли чолғулар (банжо)лардир.<sup>1</sup> Табиийки, жаз мусиқасининг шаклланишида бу чолғулар муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Бугунги кунда профессионал мусиқа қаторидан ўрин олган жаз мусиқаси XIX асрнинг оҳирида фольклор мусиқаси кўринишида, XX-асрнинг бошларида анъанавий мусиқа қўринишида, XX-асрнинг 40-йилларига келиб эса профессионал мусиқа тоифасига қўшилди. Албатта, мусиқанинг бундай ривожини турли халқлар мусиқий меъросида кузатишими мумкин. Масалан миллий ўзбек мусиқа маданиятимизни олайлик. Бунда биз мусиқамизнинг фольклор қатламларига, анъанавий ижодкорлик қатламларига ва профессионал ижод қатламларига ажратишими мумкин. Кўриб турганимиздек, жаз мусиқаси ҳам дунёнинг турли қисмларида яралган ва ривож топган турли халқлар мусиқа маданияти каби анъаналарга таянган. Анъаналар жазнинг ривожида муҳим рол ўйнайди. Шу боис, жаз мусиқасининг ривожида турли жаз мактабларининг шаклланиши, жаз виртуозларининг ижросига таҳлид қилиш ва уларнинг ижроси асосида янгича усубларнинг яралиши анъанавий жазнинг асоси бўлди.

Жаз мусиқасининг айнан Нью Орлеанда шаклланишига туртки бўлган сабабларидан бири 1898 йилда тугаган Америка-Испания урушидир. Уруш тугагач харбийлар, шу жумладан харбий оркестрлар Нью Орлеан портидан уйларига тарқатилди. Шу боис Нью Орлеан бозорларида жуда арzon нарҳга ҳарид қилса бўладиган ҳақиқий мусиқий чолғулар сотила бошланди. Бу ҳодиса “бир қозонда қайнаётган европалашган африкача, африкалашган европа мусиқа”<sup>2</sup> масканида яшовчи шаҳар аҳолиси учун ўта моил эди.

Анъанавий жаз мусиқасининг биринчи услуби 20-асрнинг бошларида, АҚШнинг Луизиана штатининг Нью Орлеан шаҳрида янграй бошлади. Бу мусиқа фақатгина афроамериқаликлар орасида оммалашган бўлиб, оқ танлилар томонидан ирқий мусиқа сифатида тан олинмаган. Қизиги шундаки, биринчи расмий жаз мусиқачилари оқ танли мусиқачилар бўлган.

<sup>1</sup> Коллиер Дж. // Становление джаза: <http://www.brassmusic.ru>

<sup>2</sup> Коллиер Дж. // Становление джаза: <http://www.brassmusic.ru>

1917 йилнинг февраль ойида таниқли “Viktor” овоз ёзиш фирмасининг Нью-Йоркдаги студиясида Нью Орлеанлик бешта оқ танли мусиқачи ўзларининг биринчи жаз грампластинкасини ёзадилар. Ушбу аудиоёзув пайдо бўлгунига қадар жаз мусиқа фольклори бўлиб қолаверган. Магнит тасма чиқарилгач эса у бир неча ҳафта ичида бутун Американи ҳайратга солган. Аудиоёзув афсонавий “Original dixieland jazz band” гурухига тегишли бўлиб, гурух ижросига “Диксиленд” атамаси берилади ва ханузгача бу атама “оқ жаз мусиқаси”га нисбатан қўлланади.

Мавзуга оид саволлар:

1. Жаз мусиқаси қайси халқлар мусиқа маданияти уйғунлигига вужудга келди?
2. Қоратанлилар ва оқтанлиларнинг қайси мусиқий фольклори жазнинг яралишига мезон бўлди?
3. Минтақада биринчи ном чиқрган жаз гурухининг қандай номланга?

Мустақил иш топшириқлари:

Жаздан илгари мавжуд бўлган фольклор намуналари: меҳнат қўшиқлари, диний қўшиқлар – сперичуэл, госпел, блюз; оқ қишлоқ ва шаҳар фольклори: кантри, жига, рэгтайм, буги-вугининг фарқли жиҳатларини аниқлаш.

## **2-мавзу: Классик жазнинг шаклланиши: Нью Орлеан услуби**

Одатда “Нью Орлеанча жаз” деб, 1900 ва 1917-йиллар орасида Нью Орлеан шаҳрида жаз ижро этган мусиқачилар услугига айтилган. Жаз тарихининг бу босқичи “Жаз даври” сифатида машҳур бўлди. Бу тушунчадан Нью Орлеан “Уйғониш даври” намояндалари томонидан турли тарихий даврларда ижро этилган мусиқани таърифлаш учун ҳам фойдаланилади. Улар жазни айнан Нью Орлеан мактаби мусиқачилари услубида ижрога этишга интилганлар.

Биринчи жаз услуби уч шаклдаги асарларга асосланган. Булар – марш (күпроқ африкача маросим байрамларида ижро этилган), регтайм (креол<sup>3</sup> оркестрлари томонидан ижро этилган) ва блюз (негритян аҳолисининг фольклор мусиқаси). Асарлар, айниқса очиқ ҳавода ижро этилган маршлар, корнет, трамбон, волторна, кларнет ва флейта пиккало. Ритм секцияда эса барабан, туба чолғулари янграган. Бинолар ичида ижро этилган вақтда эса скрипка, фортепиано ва контрабас чолғулари қўшилган. Бугунда жаз рамзига айланган саксафон эса анча кейин иҳтиро этилган. Жазнинг шаклланиш даврида ижрочилари импровизация тушунчасига эга эмасдилар. Улар тайёр куй оҳангига бироз безак берган ҳолда, ёки инвариант шаклида ижро этардилар. Аммо, Нью Орлеанча жазнинг ўзига ҳас хусусиятлари ўша даврларда пайдо бўлди. Бу ҳам бўлса, регтайм синкопали ритмикасини “қўпол”, бўрттирилган ижроси, сурдина ва бошқа мосламалар билан товуш тембрини ўзgartириш, куйни дамли чолғулар вибраторси билан якунлашдан иборат эди. Улар вибраторни шу қадар тез ижро этар эдиларки, натижада асардаги метро-ритм бузилади, бу эса келажакда жазнинг муҳим ташкилий қисми – свингнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Нью Орлеанча жаз белгилари: синкопали ритм, коллектив импровизация, чолғу товушларига янгича тембр бериш. Нью Орлеанча жаз асосчилари деб Бадди Болден, Вили «Банк» Джонсон, Джо «Кинг» Оливер, Сидней Беше, Кид Ори, Луи Армстронг, Кид Рена, Джелли Ролл Мортон, Альфонс Пикуларни тилга олсак бщлади.

Нью Орлеаннинг кўнгилочар даҳаси ёпилгач, жаз минтақавий фольклордан умуммиллий мусиқий йўналишга айлана бошлайди ва АҚШнинг шимолий ҳамда шамолий-шарқий ҳудудларида кенг тарқалади. Жазнинг минтақа бўйлаб тарқалишида менестрель-шоуларнинг аҳамияти ҳам катта. Менистрель – бу Европада, XII-асрда машшоқ шоир-музиқачига нисбатан қўлланган атама. Аммо, жаз мусиқасида бу атама Менистрель-шоу

<sup>3</sup> Креоллар – (шу ерда) бу Бразилия ва Жанубий Америкадаги Буюк Британия ва Нидерландияга тегишли бўлган колонияларда яшаган куллар авлоди. // Большая российская энциклопедия. Электрон версияси. <https://bigenc.ru/>

деб номланиб, бироз бошқа маънода қўлланилади. Менистрель-шоулар XIX-асрда АҚШда шаклланган бўлиб, бунда оқ танли машшоқлар қора танли мусиқачиларга таҳлид қилиб, атайн юзларини қора рангга бўяган ҳолда қора танли мусиқачиларнинг ижро жиҳатларини, ҳатти-харакатини ўҳшатган ҳолда тамошалар ижро этилар эди. Қизиги шундаки, менистрель шоуларда кейинчалик қоратанлилар оқ танлиларни ўхшатишга ҳаракат қилишади.<sup>4</sup> Жига ва рэгтайм каби афро-америка фольклори мусиқий оқимларининг менистрель-шоулари намойиши барча жойларга тез тарқалиб, жазнинг оммалашувига замин яратди. Жазнинг кўплаб машхурлари ўз йўлларини айнан менестрель шоудан бошлаганлар.

Жаз мусиқасининг тарқалишида яна бир ҳодисанинг аҳамияти сезиларлидир. XIX асрнинг охирлариданоқ Нью Орлеандан Сент-Полга Миссисипи дарёси бўйлаб қатнайдиган кема сафарлари оммалашиб борди, уларнинг дастлаб дам олиш кунларида, кейинчалик эса бутун ҳафта давомида қатнаши йўлга қўйилди. 1900 йилдан эътиборан бу сайр кемаларида Нью Орлеан оркестрлари чиқишлиар қила бошладиларки, уларнинг мусиқаси пассажирлар учун бирмунча ёқимли кўнгил ёзиш тури бўлиб қолди. Миссисипи бўйлаб юқорига ҳаракатланувчи сайр пароходларида чалувчи оркестрлар ҳам жаз таъсири натижасида ҳудудни сезиларли равища кенгайтирдилар.

Дарё бўйлаб рейсларни амалга оширувчи пароходлар катта ва кичик шаҳарлар портларида тўхтаб, парабод жаз-бендлари у ерда маҳаллий томошибинлар учун концертлар уюштирас эдилар. Айнан мана шундай концертлар Бикс Бейдербек, Жесс Стейси ва бошқа кўплаб жаз мусиқачилари учун ижодий дебют бўлиб қолди. Шулар қаторида “жаз мусиқаси қироли” Луи Армстронгнинг ижод қирралари ҳам саёҳат рейсларида чархланди.

Л. Армстронг жаз дунёсига ўша даврнинг кўпгина болакайлари сингари ҳаваскорлик ижрочилиги орқали кириб келди. Аввалига у дўстлари билан гурух тузиб кўчаларда хонанда ва барабанчи бўлиб ижро этарди. Биринчи

<sup>4</sup> Сапонов М.А. Менестрели // М.: Классика-XXI, 2004. — 400 с.: ил.

музиқий сабоқини 12 ёшида ўсимрлар колониясида, тамбурин, альтгорн ва корнет чолғулари ижроси бўйича олади. Бир йилдан сўнг конониядан чиқкан Армстронг турли оркестрларда ишлай бошлайди ва шаҳарнинг энг яхши корнетчиси ҳисобланмиш Кинг Оливер билан танишади, ундан корнет ижроси маҳоратини ўрганади ва ҳамкорликда ишлайди. Кинг Оливер иқтидорли мусиқачилар қатори Нью Орлеанни тарқ этиб Чикагога кетганидан сўнг, Луи турли гурухларда, шу жумладан “Tuxedo Brass Band” ва “Jazz-E-Sazz Band” гурухларида фаолият олиб боради. Фэтс Мэрейбл бошчилигидаги “Jazz-E-Sazz Band” гуруҳи Миссисипи дарёси бўйлаб сайир пароходларида ҳам ижро этарди. Шу даврга келиб ёш мусиқачи Луи Армстронг ўз ижро услугга эга бўлган юқори маҳоратли мусиқачи сифатида ном чиқаради. Албатта Армстронг каби иқтидорли мусиқачилар

Яна бир машҳур маршрут Миссуридан Канзас-Ситигача борар эди. Афроамерика фольклорининг мустаҳкам илдизлари туфайли Канзас-Сити шаҳрида блуз расмийлаштирилди ва ньюорлеанлик жазчиларнинг виртуоз ижроси ўзига ривожланиш учун жуда яхши муҳит топди.

Жазнинг ривожланишида Нью Орлеан билан бир қаторда Сент-Луис, Канзас-сити ва Мемфис каби шаҳарлар ҳам катта аҳамият касб этди. Рэгтайм XIX асрда айнан Мемфисда пайдо бўлади ва шу ердан 1890-1903 йиллар давомида бутун Шимолий Америка минтақасига тарқалади.

1920-йиллар бошига келиб Чикаго шаҳри жаз мусиқасининг ривожланиш марказига айландиди, унда АҚШнинг турли жойларидан келган кўплаб мусиқачиларнинг сайъ-ҳаракатлари билан “чикагоча жаз” номини олган услугуб яратилди.

Мавзуга оид саволлар:

1. Нью Орлеанча жаз услуби яралишида қайси мусиқий шакллар муҳим аҳамият касб этти?
2. Нью Орлеанча жаз белгилари нималардан иборат?
3. Нью Орлеанча жаз ижрошлиаридан кимларни биласиз?

Мустақил иш топшириқлари:

Нью Орлеанча жаз услубидаги мусиқий лавҳани таҳлил қилиш.

### **3-мавзу: Чикагоча жаз**

Гарчи жаз тарихи Нью Орлеанда бошланган бўлса-да, ҳақиқий жаз мусиқаси Чикаго шаҳрида янграй бошлади. 1920-йиллардан бошлаб янгиорлеанлик жаз усталарининг Нью-Йоркка кўчиб ўтишлари жаз мусиқачиларининг Жанубдан Шимол томон доимий ҳаракати тенденциясини белгилаб берди. Чикаго Нью Орлеан мусиқасини қабул қилди ва унинг босимини Л.Армстронгнинг машҳур “Қайноқ бешлик” ва “Қайноқ еттилик” каби ансамбллари, шунингдек, Эдди Кондон ва Жимми Мак Парктандек усталарнинг жамоалари орқали янада қайноқроқ, кучлироқ этди. Эдди Кондон ва Жимми Мак Парктандарнинг жамоалари эса Нью Орлеан мактабини қайта тиклашга ёрдам берди. Нью Орлеан мумтоз жаз услуби сарҳадларини кенгайтирувчи бошқа машҳур чикаголиклар қаторига пианиночи Арт Ходес, барабанчи Барретт Димс ва кларнетчи Бенни Гудманларни киритиш мумкин. Нью-Йоркка кўчиб ўтган Л.Армстронг ва Б.Гудман у ерда жаҳоннинг ҳақиқий жаз пойтахтини яратдилар. Бу пайтда Чикаго асосий овоз ёзиш маркази бўлиб қолди, Нью-Йорк эса “Минтон Плейхаус”, “Коттон Клаб”, “Савой” ва “Виллиж Венжуард” каби афсонавий клублар, шунингдек, “Карнеги Холл”дек аренага эга бўлиб жазнинг бош концерт майдонига айланди.

Бу даврда таниқли жаз мусиқачиларининг ўз ижро услуби шаклланиб, эндиғина жаз дунёсига кириб келган мусиқачилар уларга таҳлид қилишга ҳаракат қилишарди. Шу боис, етакчи мусиқачиларнинг аксарияти овоз ёзиш студияларининг таклифини рад этишарди. Негаки, кун сайин тингловчилар аудиторияси кенгайиб бораётган жаз муҳлислари юлдузлар услубини грампластинкалар орқали ўрганиб, улар ижросини такорлашларидан ҳавотирда эдилар. Аммо шунга қарамай “жаз марказларида” деярли ҳар кечада қайноқ мусиқий олишувлар содир бўдарли. Шуҳрат қозонган жаз бэндлар

тингловчилар тарқалгач, тонг отгунча мусиқий беллашувлар олиб боришар эди. Бунда бэндларнинг етакчи мусиқачилари ақил бавор қилмайдиган ижрони намоиш қилиб, рақибни енгишга интиларди. Албатта, бундай беллашувлар чикагоча жазнинг услубини белгилаб беради. Эндиликда, чикагоча жазда гурухлар уйғунлиги эмас, балки, яккахоннинг виртуоз ижроси аҳамиятга эгадир. Жазнинг Чикагодаги даврида Нью Орлеанча жаздан фарқли ўлароқ, янги чолғулар тембрлари янграй бошлайди. Бу эса ҳақиқий жазнинг тебр товушқаторини аниқлаб беради. Масалан, техник жиҳатдан чекланган бас чолғуси тубанинг ўрнини ҳаракатчан контрабас, банжо чолғусини оммалашган гитара эгаллади ва айнан шу даврда жаз мусиқасига саксофон чолғуси кириб келади.

Мавзуга оид саволлар:

1. Қайси мусиқачиларнинг ижоди янги услуб яралишига сабаб бўлди ?
2. Чикагоча жазнинг пайдо бўлишида мусиқий “беллашувларнинг” аҳамияти қандай?
3. Чикагоча жаз Нью Орлеанча жаздан нимаси билан фарқ қиласи?

Мустақил иш топшириқлари:

Чикагоча жазга тегишли бўлган мусиқий композиция чолғулаининг таҳлилини қилинг.

#### **4-мавзу: Свинг ва Канзас-сити услуби**

Биг-бенднинг жорий бўлган мумтоз шакли жазда 1920-йилнинг бошларидан маълум. Бу шакл ўз долзарблигини 1940-йилнинг охирларига қадар сақлаб қолган. Биг-бенд йўлига кирган мусиқачилар қоидага кўра ўсмирлик ёшиданоқ машғулотларда ёки нотага қараб ўрганилган тўлақонли партияларни ижро этганлар. Мис ва ёғоч дамли чолғулар секцияси орқали пухта оркестрлаш бой жаз гармониясини юзага келтиради ва “биг-бенд товушлари“ сифатида машҳур бўлган оламшумул қаттиқ жарангни яратиб беради. Биг-бенд ўз даврининг оммавий мусиқаси бўлиб, 1930 йилнинг

ўрталарида ўзининг шухрат чўққисига эришади. Бу мусиқа свинг рақслари билан ёппасига шуғулланишда асосий манбага айланди. Жазоркестрларининг машхур раҳбарлари: Дюк Эллингтон, Бенни Гудман, Арти Шоу, Глен Миллер, Чарли Барнет ва б. нафақат радио орқали, балки барча жойлардаги рақс залларида янграган асл хит-парад куйларини яратиб, уларга сайқал бериб (аранжировкалаб), грампластинкаларга ёздирилар. Кўплаб биг-бендчилар ўз бадиҳачи-яккахон (импровизатор-солист)ларини “оркестрлар жангига” айланадиган концертларда намойиш этардилар. Гарчи биг-бендларнинг машхурлиги Иккинчи жаҳон урушидан кейин сезиларли даражада пасайган бўлса-да, Д.Эллингтон, В.Герман, С.Кентон ва бошқа кўплаб жаз раҳбарлари бошчилигидаги оркестрлар тез-тез гастроллар уюштириб, кейинги бир неча ўн йилликлар давомида ўзларининг грампластинкаларини чиқаришга муваффақ бўлдилар. Уларнинг мусиқаси аста-секин янги оқим ва йўналишлар таъсирида ўзгариб борди. Б.Райберн, С.Ра, О.Нельсон, Ч.Мингус ва б. раҳбарлигидаги ансамбллар гармония, чолғулаштириш ва импровизацион эркинлик борасида янги тушунчаларни тадқик этдилар. Бугун биг-бендлар жаз ҳосил қилишдаги стандарт бўлиб қолди. “Линкольн Центр” номли Жаз Оркестри, “Карнеги Холл”дек Жаз Оркестри ва Чикаго Жаз Ансамбли тоифасидаги репертуарли оркестрлар биг-бендча композицияларнинг оригинал аранжементларини мунтазам равища ижро этадилар.

1920-1930-йилларда Канзас-ситида гуллаб-яшнаган жаз услуби учун шиддаткор солони намойиш этувчи ҳам биг-бендлар, ҳам кичик свинг ансамбллари томонидан ижро этиладиган блуз рангларига бурканган таъсиричан пьесалар ҳосдир. Ўз фаолиятини Канзас-ситида, У.Пейж ва Б.Моутэн оркестрларида бошлаган буюк К.Бейси ижоди айнан шу ерда кристалланди. Бу оркестрлар Канзас-сити услубининг асл намояндлари бўлиб, юқорида қайд этилган оркестрлар ижросида шакланган ва “шахар блузи” номини олган блузнинг ўзига хос шакли унинг (Канзас-сити услубининг) асоси бўлиб қолди. Канзас-ситининг жаз саҳнаси вокал блузи

буюк усталарининг бутун бошли авлоди билан ажралиб турар эди. Улар орасида “қирол” деб тан олинган, оркестрнинг кўп йиллик яккахони Каунт Бейси, машхур блюз хонандаси Д.Рашиналар бор эди. Канзас-ситида таваллуд топган машхур альт саксофончи Ч.Паркер Нью-Йоркка келгач Канзас-сити оркестрларида ўрганган ва кейинчалик 1940-йиллардаги бопперлар экспериментида ҳал қилувчи ҳолатлардан бирига айланган ўзига хос блюз “стандартлари”дан кенг фойдаланган.

Канзас сити услуби жаз мусиқасининг ривожида жуда муҳим аҳамият касб этд. Жазнинг мураккаблашиши ва мукаммаллашишида Канзас сити услуби

Мавзуга оид саволлар:

1. Свинг услуби жазга қандай янгилик олиб келди ?
2. Свинг услугининг яралишида қайси жазменлар ижодиёти муҳим аҳамият касб этди?
3. Синг мусиқасида биг-бендларнинг ўрни қандай?

Мустақил иш топшириклари:

Нью Орлеанча жаз услубидаги мусиқий лавҳани таҳлил қилиш.

### **5-мавзуу: Би-боп**

Би-боп – XX асрнинг 40-йилларида жорий этилган жаз услуби бўлиб, у ўзининг тезкор суръати ва куй ўрнига гармония ўйинларига асосланган мураккаб бадиҳа (импровизация)лари билан таърифланади. Би-боп жазда инқилоб ясади. Бу услуг асосчилари: саксофончи Чарли Паркер, трубачи Диззи Гиллеспи, пианиочилар Бад Пауэлл ва Телониус Монк, барабанчи Макс Роучлардир. Би-боп босқичи жаздаги урғунинг сезиларли равишдаги аралашуви бўлиб қолди: бу оммавий рақсбоп мусиқадан бирмунча юксак, бадиий интеллектуал мусиқа томон юришдир, бироқ у мусиқачилар учун “камроқ оммалашган мусиқа” эди. Боп-музиқачилар куй ўрнига ҳаддан зиёд кўп миқдордаги аккордларга асосланган мураккаб бадиҳа

(импровизация)ларни афзал кўришган. Боп тезкор, кескин, “tinglovchiga nisbatan shafqatsiz” эди.

Янги услубнинг асосий фарқи мураккаблаштирилган ва ўзгача тамойиллар асосида қурилган гармония эди. Ижронинг ўта тезкор суръати Ч.Паркер ва Д.Гиллеспи томонидан профессионал бўлмаганларнинг улар яратган янги импровизацияларга “тиши ўтмаслиги” учун киритилган. Мусиқий ибора (фраза)лар тузилишининг свингга нисбатан мураккаблиги аввало, бошланғич ҳиссададир. Би-бопдаги импровизацион фраза синкопаланган ҳиссадан, ёки иккинчи ҳиссадан бошланиши мумкин; кўпинча фраза машҳур мавзу ёки гармоник панжарадан устун келган. Буларнинг барчасидан ташқари бибопчиларнинг асосий ўзига хос қирраси хулқатворларининг эпатаж ҳатти-харакати эди. Д.Гиллеспининг букилган “Диззи” номли трубаси, Ч.Паркернинг ҳулқи, Т.Монкнинг бемаъни шляпалари ва ҳ.к. Пировардида, би-боп ўтказган ўша инқилоб бой бўлиб чиқди. Ўз ижодининг дастлабки босқичида Э.Гарнер, О.Питерсон, Р.Браун, Ж.Ширинг ва бошқа кўплаб мусиқачилар бопер саналганлар. Би-боп асосчиларидан фақат Д.Гиллеспи тақдири омадли бўлди. У ўз экспериментларини давом эттириб, кубано услубига асос солди, лотинча жазни оммалаштириб, Лотинамерика жазининг юлдузлари – А.Сандоваль, П. Де.Риверо, Ч.Вальдес ва бошқа кўплаб мусиқачиларни жаҳонга танидди.

Би-боп услуги мусиқачидан виртуозлилик ва мураккаб гармонияларни билишни талаб этган. Жаз созандалари тез шухрат қозонганлар. Улар юқори мураккабликка эга бўлган аккордларнинг ўзгаришига мос равишда “зигзаг” ва “айланмалар”ни якунлаб берувчи куйларни яратганлар. Якканавозлар ўз импровизацияларида бирмунча кескин жарангли экзотик мусиқани яратган ҳолда тоналлик жиҳатдан диссонанс (нооҳангдош) ноталарни қўллаганлар. Би-боп квартет ва квинтет тоифасидаги кичик форматли гурухлар ижросига кўпроқ мос келади, чунки улар ҳам иқтисодий, ҳам артистизм сабаблари нуқтаи назаридан мукаммал бўлиб чиқди. Мусиқа, тингловчи-томушабинлар ҳар қандай хитга рақсга тушиш учун эмас, балки кашфиётчи яккахонларни

тинглаш учун келадиган шаҳар жаз-клубларида гуллаб-яшнади. Би-боп мусиқачилари жазни бадиий шаклга айлантирилар, бу шакл нафақат туйғуларга, балки интеллектга ҳам мурожаат этди.

Би-боп эраси билан бирга янги жаз юлдузлари ҳам санъат оламига кириб келдилар, улар орасида Клиффорд Браун, Фредди Хаббард ва Майлз Дэвис каби трубачилар, Декстер Гордон, Арт Пеппер, Жонни Гриффин, Пеппер Адамс, Сонни Ститт ва Жон Колтрэйн сингари саксофончилар ва Жей Жей Жонсондек тромбончи бор эди.

1950- ва 1960-йилларда би-боп бир нечта мутациядан ўтдики, улар орасида хард-боп, совук жаз ва соул-жаз каби услублар бор эди. Бир ёки бир нечта (одатда учтадан ошмаган) дамли чолғулар, фортепиано, контрабас ва барабанлардан иборат кичик мусиқий гурӯх (комбо) формати ҳозирги кунга қадар стандарт жаз таркиби бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид саволлар:

1. Би-боп услубининг пайдо бўлишидаги асосий сабаблар ?
2. Би-боп услуби асосчиларидан кимларни биласиз?
3. Би-бопнингфарқли қирралари нимадан иборат?

Мустақил иш топшириқлари:

Нью Орлеанча жаз услубидаги мусиқий лавҳани таҳлил қилиш ва услубий жиҳатларни ажратиб бериш.

## 6-мавзу: Кул

Жазнинг бутун тарихи давомида доимий равишдаги босқичлар алмашинуви юз берадики, улар ўз ифода воситалари билан жазнинг бирмунча қайноқ (хот) ёки бирқадар совук (кул) томонларига тортилар эди. 1940-йилларнинг охирига келиб би-бопча портлаш янги давр билан алмашинади, у ҳатто ўз номланиши билан ҳам декорациялар алмашинувига мос тушган. Моҳиятан кул (совук) услуби мусиқий энергетиканинг совушига фақат расмиятчилик юзасидан мос келган. Аслида эса фаол ифода

воситаларининг ўзгарини бу энергетикани янги шаклга ўтказди, у ташқи эфект ҳолатидан теран таркибий эфект ҳолатига ўтди. Би-бопда мусиқий ижрочилик шакли бирмунча мураккаб ритмо-гармоник шароитларда амалга ошириладиган яккахон импровизацияларга асосланган. 1940-йиллар охирига мансуб мусиқачиларнинг янги авлодини ягона мураккаб сайқал (аранжировка)лар ва улар асосидаги жамоавий импровизацияга асосланган ўзгача ёндашув қизиқтириб қолди.

Кул аломатларини 1945-йиллардаёқ М.Дэйвис ижро услубида кузатиш мумкин эди, ўшандада у Ч.Паркер ансамблиниң қатнашчиси эди. Д.Гиллеспининг асабий ва виртуозона ижросига тақлид қилишнинг иложсизлиги ўз тилини излаб топишига сабаб бўлди. Д.Гиллеспи оркестрида пайдо бўлган ёш пианиночи Жон Льюис ижросида ҳам шунга ўхшаш тенденциялар сезилади. Шу каби изланишлар пианиночи Тед Дамерон томонидан унинг оркестр ва кичик таркиблар учун ишлаган аранжировкаларида қўлланилган эди. Совуқ концепция янада олдинроқ, янги услуг пайдо бўлишидан ўн йил аввал тенор–саксофончи Лестер Янгнинг “салқин” сололарида амал оширилган эди. Кулнинг назарий асослари пианиночи Ленни Тристано томонидан ишлаб чиқилган. Куй йўлларини тузишда кашфиётчидек бўлган Л.Тристано эркинликнинг алоҳида савиясида импровизация қиласар эди.

Янги мусиқада диққат-эътибор янги ифода воситаларини излаб топишига қаратилган: бу тембрлар мутаносиблиги, турли чолғулар мувозанати, иборалар характери, мусиқий фактура умумий ҳаракатининг ягоналигидир. Оркестрлаш соҳасига академик мусиқа ишланмалари жалб этилди. Оркестр таркибига анъанавий жазга хос бўлмаган валторна, флейта, рожок, туба сингари чолғулар киритилди. Бундай ансамбллар таркибида мусиқачилар сони 7-9 тагача етди, шунга ўхшаш комбинациялар эса комбо номини олди. Ушбу таркиблар томонидан ижро этиладиган мусиқа табиийки, кўнгилочар эмас, балки кўпроқ филармоник харakter касб этар эди. Шу тариқа, жазнинг поп-мусиқа мухитидан, кўнгилочарликдан узоқлашув жараёни давом этарди.

Шу каби дастлабки ансамблардан бири 1949 йилда М.Дэйвис номи остида “Капитол” компаниясининг студиясида мусиқалар ёзиш учун ийғилган эди. Бу ансамбль “Кулнинг туғилиши” номли тарихий магнит тасмаларини ёзди. Янги мусиқанинг сезиларли эффекти таркибнинг бош қатнашчиси – пианиночи, аранжировкачи ва бўлажак етакчи Гил Эванс томонидан ишланган ўзига хос аранжировкалар туфайли эди, бу мусиқачи француз импрессионистларининг кучли таъсири остида ижод қилди.

1950-йилларда кул услубининг таркиблари аста-секин квартет ва квинтет даражасида камайиб борди ва ёрқин ифодаланган индивидуал услублар йўналишида тақсимланди. Уларда аранжировкачининг роли аҳамиятли бўлиб қолаверди, гармоник воситалар такомиллаштирилиб, полифониядан кенг қамровда фойдаланила бошланди. Свинг, ижрочилик хусусияти сифатида импровизациянинг алоҳида енгиллигида ва ижро эркинлигида ўз ифодасини топди. Енгил, тўхтовсиз ҳаракатга алоҳида эътибор берилар эди. Чолғуларнинг жарангি вибрация ишлатилмаган соф мусиқий товуш билан тавсифланган. Кул учун ёрқин мавзуйлик (тематизм) ва камёб ладлардан фойдаланиш хос эди. Кулнинг етакчи мусиқачилари (Майлс Дэйвис оркестрининг қатнашчиларидан ташқари) – саксофончилар Пол Дезмонд, Стен Гетц, трубачилар Чет Бэйкер, Шорти Роджерс, тромбончи Боб Брукмайер, пианиочилар Ленни Тристано, Дэйв Брубек, зарбли чолғулар ижрочиларидан Жо Морелло, Шелли Манн ва б. эдилар.

#### Мавзуга оид саволлар:

1. Кулнинг яралишига нима сабаб бўлди ?
2. Кул услубида академик мусиқанинг қайси ёзув тури ўз аксини топди?
3. Кул мусиқаси ривожида фаол иштирок этган қайси мусиқачиларни биласиз?

#### Мустақил иш топшириклари:

Дэйв Брубекнинг “Япон альбоми” ҳақида маълумот беринг.

## **7-мавзу: Прогрессив-жаз**

Би-бопнинг юзага келиши билан параллел равишда жаз муҳитида яна бир янги услуб – прогрессив жаз ривожланади. Мазкур услубнинг асосий фарқи биг-бендларнинг қотиб қолган қолипидан ва 1920 йилларда Пол Уайтмен томонидан киритилган симфожаз каби эскирган усуллардан чиқиб кетишига интилиш эди. Бопперлардан фарқли ўлароқ прогрессив ижодкорлари ўша даврда жорий бўлган жаз анъаналарини кескин тарзда рад этишга интилмаганлар. Улар кўпроқ композиция амалиётига европача симфонизмнинг тоналлик ва гармония соҳасидаги сўнгги ютуқларини киритган ҳолда, свинг фраза-моделларини янгилаш ва такомиллаштиришга интилганлар. “Прогрессив” концепциясининг ривожига пианиночи ва дирижёр Стэн Кентон катта ҳисса қўшди. 1940-йиллар бошига мансуб прогрессив жаз айнан унинг дастлабки ишларидан бошланади. С.Кентон раҳбарлигидаги биринчи оркестр томонидан ижро этилган мусиқа С.Рахманиновга яқин бўлса, унинг композицияси эса кечки романтизм қирраларини ўзида мужассам этган эди. Бироқ у, жанр жиҳатдан симфожазга яқин эди. Кейинчалик, унинг машҳур альбомлар серияси яратилган йилларда жаз унсурлари (элементлари) колорит яратувчи ролини ўйнамай, балки моҳир аранжировкачи Пит Руголо сабаб мусиқий материалга силлиқ сингдирилиб юбориларди. Янги симфоник жаранг, саксофонлар ижросидаги стаккатонинг специфик техникаси, дадил гармониялар, политоналлик ва жазнинг ритмик пульсацияси билан бир қаторда, тез-тез учрайдиган секундалар ва блоклар – бу мусиқанинг фарқли қирралари мана шулар эди. С.Кентон шу мусиқаси орқали европа симфоник маданияти ва бибоп унсурлари учун умумий платформа топган новатор сифатида жаз тарихида узоқ йиллар қолди. Бу умумийлик айниқса якканавозлар оркестрнинг бошқа овозларига гўёки қарши чиқаётгандек бўлган пьесаларда сезилади.

С.Кентон ўз композицияларида барабанчи Шелли Майн, контрабасчи Эд Сафранский, тромбончи Кэй Уиндинг каби якканавозлар, ўша даврнинг энг

моҳир вокал ижрочиси Жун Кристининг импровизацион партияларига катта эътибор берар эди. С.Кентон ўзи танлаган жанрга бутун ижодий фаолияти давомида содик қолди. С.Кентондан ташқари Б.Райберн ва Г.Эванс каби ажойиб аранжировкачи ва чолғучилар ҳам прогрессив-жаз услубининг ривожланишига ўз хиссаларини қўшдилар.

Мавзуга оид саволлар:

1. Прогрессив-жаз атамаси нимани англатади ?
2. Прогрессив-жаз услуги қайси мусиқий гуруҳи учун мулжалланган?
3. Прогрессив-жаз услуги намоёндаларидан кимларни биласиз?

Мустақил иш топшириклари:

Прогрессив-жаз услугидаги асарларнинг ўзига ҳослигини аниқлаб беринг.

### **8-мавзу: Хард-боп (модал жаз)**

1950-йиллар охиридан бошлаб трубачи М.Дэвис ва тенор-саксофончи Д.Колтрейн куй ва импровизацияга ёндашув соҳасида бевосита мумтоз мусиқадан ўзлаштирилган ладлар қиёфасида новаторлик экспериментларини амалга оширилар. Бу мусиқачилар куйни шакллантириш учун аккордлар ўрнига кичик миқдордаги специфик ладлардан фойдалана бошладилар. Натижада барқарор гармония ва деярли буткул куйга қурилган жаз шакли юзага келди. Баъзан якканавозлар берилган тоналликдан четлашиб таваккал қиласар эдилар, бироқ айнан шу харакат таранглик ва эркинликни кескин ҳис этиш имконини яратар эди. Вазминдан тезкоргача бўлган суръатлар қўлланилар, аммо мусиқа ўзгарувчан, бекарор характерга эга бўлиб, уни шошмаслик ҳисси ажратиб турад эди. Бирмунча экзотик эффект яратиш учун ижрочилар ўз мусиқаларига “модал” асос сифатида баъзан нооврўпача гаммалардан (масалан, ҳиндча, арабча, африкача) фойдаланганлар. Модал жазнинг ноаниқ тонал маркази жаз тарихининг кейинги босқичида фаолият

юрита бошлаган экспериментчилар, хусусан тенор-саксофончи Фаро Сандерснинг фри-жаз парвозлари учун бошланғич пойдевор бўлиб қолди. Модал жаз услубининг мумтоз намуналари – бу М.Дэвиснинг “Муҳим даврлар”, “Шундай экан” ва “Фламенко эскизлари” номли репертуаридаги пьесалардир.

Мавзуга оид саволлар:

1. Модал-жаз услуби қайси мусиқа жанрига таянади?
2. Модал-жаз услубидаги ўзига ҳосликлар нимадан иборат?
3. Модал-жаз услуби намоёндаларидан кимларни биласиз?

Мустақил иш топшириқлари:

М.Дэвиснинг “Муҳим даврлар” ва “Шундай экан” асарларнинг услубий жиҳатларини аниқлаб беринг.

### **9-мавзу: Соул-жаз**

Хардбопнинг яқин қариндоши бўлган соул жаз 1950-йилларнинг ўрталарида шаклланиб, 1970-йилларда ҳам ўз фаолиятини давом эттирган кичик, асосан орган чолғуси жўрлигида ижро этувчи мини-таркиблар томонидан намойиш этилган. Блюз ва госпелга асосланган соул-жаз мусиқаси афро-америкача рух билан йўғрилган. Буюк органчиларнинг кўпчилиги саҳнага айнан соул-жаз даврида кириб келган. Булар: Жимми Макгрифф, Чарльз Эрланд, Лес Мак-Кейн ва б. Уларнинг барчаси 1960-йилларда трио таркибида кичик биноларда тез-тез чиқишлиар қилиб, ўз гурухларини ҳам ташкил этган эдилар. Тенор-саксофон бундай ансамблларда ҳам госпеллардаги етакчи овозига монанд ҳолда, ўз овозини умумий масаллиққа қўшиб, муҳим ўрнига эга бўлди. Жин Эммонс, Эдди Харрис, Стэнли Террентайн, Чарльз Мингус, шунингдек, Рэй Чарльз ансамблининг аъзолари ҳам 1950- ва 1960-йилларда соул-жаз услубининг намояндлари сифатида баҳоланадилар. Соул-жазнинг шиддат билан буралган куйлари остинатоли бас фигуранлари ва такрорланувчи ритмик чизмалар сабаб, кенг

тингловчилар оммаси тинглайдиган ҳолга келди. Соул-жазни ҳозирги кунда маълум бўлган “соул мусиқа” билан чалкаштираслик керак. Қисман госпелнинг таъсири бўлишига қарамасдан, соул жаз бибопдан униб чиқди, соул-музиқа илдизлари эса бевосита 1930-50-йиллар бошида машхур бўлган ритм-энд-блюзга бориб тақалади.

Мавзуга оид саволлар:

1. Соул-жаз услубида қайси мусиқий чолғу устиворлик қилган?
2. Соул-жазнинг шаклланишига қайси ижтимоий оқим сабаб бўлган?
3. Соул-жазга асос бўлган жаз услуби қайси?

Мустақил иш топшириклари:

- 1 Р.Чарльз ижодидан ўрин олган соул-жаз услубидаги асарларни ажратинг ва тахлил қилинг.

## 10-мавзу: Фри-жаз ва Фьюжи

Эҳтимол жаз тарихидаги энг баҳсли харакат эркин жазнинг пайдо бўлиши билан юзага келгандир. Зоро, эркин жаз унсурлари жаз мусиқий структураси ташқарисида атаманинг ўзи пайдо бўлмасдан аввал мавжуд бўлиб, Коулмен Хокинс, Пи Ви Расселл ва Ленни Тристано каби новаторларнинг “экспериментлари”да бирмунча оригинал кўриниш олади, аммо 1950-йиллар охирига келибгина саксофончи Орнетт Коулман ва пианиночи Сесил Тэйлорларнинг сайъ-ҳаракатлари билан бу йўналиш мустақил услугуб сифатида расмийлаштирилади.

Тасаввурлар ва катта мусиқийлик орқали киритилган янгиликлар орасида аккордлар кетма-кетлигидан воз кечиш ҳам бор эди, бу эса мусиқага ҳар қандай йўналишда ҳаракатланиш имконини берарди. Бошқа фундаментал ўзгариш ритмика соҳасида кузатилди, унда “свинг” ё қайта кўрилган, ёки бўлмаса умуман эътиборсиз қолдирилган эди. Бошқача қилиб айтганда, пульсация, метр ва грув эндиликда жазни ўқищдаги аҳамиятли унсур

хисобланмас эди. Яна бир ҳал қилувчи компонент атоналлик билан боғлиқ эди. Эндиликда мусиқий ибора одатий тонал тизимда қурилмас эди. Чинқироқ ноталар бу янги товуш оламини тўлиқ эгаллади. Эркин жаз бугунги кунда ҳам ифоданинг ҳаётбахш шакли сифатида яшашда давом этмоқда, ва ҳозирда у аввалгидек баҳс-мунозарали услугуб саналмайди.

Жазнинг нафақат поп-музиқа ва 1960-йиллар роки, балки соул, фанк ва ритм-энд-блюз каби соҳалар мусиқасининг ўзаро қўшилишидан бошланган фьюожн (қоришма), мусиқий услугуб сифатида 1960-йилларнинг охирида дастлаб жаз-рок номи остида пайдо бўлди. Гуруҳлар, қолаверса гитарачи Ларри Кориэлл, барабанчи Тони Уильямс, шунингдек, М.Дэвис каби алоҳида фаолият юритувчи мусиқачилар амалиётга электроника, рок-ритмлар ва кенгайтирилган треклар каби унсурларни киритган ҳолда, жаз “ўрнашган” нарсаларнинг катта қисмини йўққа чиқариб, шу оқим бошида бордилар. Улар жазнинг бошидан, айнан свингча битдан бошладилар ва блуз мусиқасига асосландилар. Блюз мусиқасининг репертуари ҳам блуз материалини, ҳам оммавий стандартларни ўз ичига олган эди.

Фьюожн атамаси амалиётга “Махавишну Оркестри”, “Об-ҳаво“ каби ранг-баранг оркестрлар ва Чик Корианинг “Абадий қайтиш” номли ансамбли ташкил этилгандан сўнг тез орада кириб келди. Ушбу ансамбллар мусиқасида доимо импровизация ва оҳангдорликка ургу сақланиб қолди, бу эса уларнинг амалиётини жаз тарихи билан боғлади. 1970-йиллар ўрталарида фьюожн тинглаш учун енгил мусиқа вариантига айланди. Композицион жиҳатдан у сезиларли равишда оддийлашди. 1980-йилларда жаз ижро этувчи мусиқачилар фьюожн мусиқий шаклини асл ифода воситасига айлантиридилар. Барабанчи Рональд Шаннон Жексон, гитарачилар Пат Метэни, Жон Скофилд, шунингдек, саксофончи ва трубачи Орнетт Коулмен каби жаз усталари ушбу мусиқани турли ўлчамларда ижодий ўзлаштирилар.

Мавзуга оид саволлар:

1. Фри-жаздаги “эркинлик” нима орқали ифодаланади?

2. Фьюжн услубида қайси жаз услублари мужассамлашган?
3. Бу иккала жаз услугининг классик жаз услубларидан фарқли жиҳатларини асослаб беринг?

Мустақил иш топшириклари:

Орнетт Коулман ижросидаги фри-жаз ва “Махавишну Оркестри” дастуридаги фьюжн услубидаги асарларни ажратинг ва таҳлил қилинг.

### **11-мавзу: Лотинамерикача жаз**

Лотинча ритмик унсурларнинг ўзаро қўшилиши Янги Орлеанда юзага келган маданиятлар аралашувининг энг бошидаёқ жазда мавжуд эди. Дюк Эллингтон ва жаз оркестрларининг бошқа раҳбарлари лотинча шакллардан кенг миқёсда фойдаланганлар. Лотинча жаз асосчиси деб, трубачи ва аранжировкачи (мусиқа сайқалловчи) Марио Боза тан олинган. У кубача услубни Чик Уэбб оркестрига 1930-йилларда ўзининг она ватани Гаванадан олиб келган. Ўн йиллардан сўнг бу йўналишни у Дон Редман, Флетчер Хендерсон ва Кэб Келлоуэй оркестрлари жарангига олиб кирди.

1940-йилларда М.Боза “Мачито” номли афро-кубача оркестр раҳбари сифатида ўз фаолиятини давом эттириди. 1950-1960-йиллар жазнинг лотинча ритмлар билан узвий боғлиқлигига ва боссанова йўналиши устунлигига, ушбу синтезни бразилча самба унсурлари билан бойитган ҳолда кечди. Боссановага кул-жаз ва бразилча ритмлар қўшилди. Мазкур услуб “бразилча жаз” номи билан ҳам машҳур. У таҳминан 1962-йилда АҚШда кенг тарқалди. Акустик гитаранинг нозик, аммо гипнотик ритмлари диққат-эътиборни португал ва инглиз тилларидан куйланадиган оддий куйларга қаратди.

Бразилиялик Жао Жильберто ва Антонио Карлос Жобим томонидан очилган бу услуб 1960-йилларда хард-боп ҳамда эркин жазга рақсбоп муқобил (альтернатива) бўлиб қолди, у ғарбий соҳиллик мусиқачилар, хусусан гитарачи Чарли Берд ва саксофончи Стэн Гетцлар ижроси ва магнит тасмалардаги ёзувлар сабаб ўз машҳурлигини сезиларли равишда кенгайтирди.

Жаздаги мусиқий қоришувлар, келиб чиқиши лотинамерикалик бўлган биринчи даражали импровизаторларга эга оркестр ва гурухлардагина эмас, балки маҳаллий ва лотин ижрочиларини ўзида жамлаган жамоаларда ҳам янада кўпроқ забт этувчи саҳнавий мусиқа намуналарини яратган ҳолда, 1980- ва 1990-йилларда кенг ёйилди.

Лотинча жазнинг бир қадар шиддатли, бирмунча рақсбоп полиритмик мусиқа сифатлари жаз аудиториясини сезиларли тарзда кенгайтирди, тўғри, бу аснода у интеллектуал идрок учун фақат минимум интуицияни сақлаб қолди, деган фикр мавжуд.

Мавзуга оид саволлар:

1. Лотинамерикача жазда қайси халқлар фольклор мусиқаси акс топган?
2. Босса-нова услубининг ритмик тизими қайси лотинамерикача рақсга асосланган?
3. Классик жазда лотинамерикача оҳанглар кимларнинг ижодида акс топган?

Мустақил иш топшириқлари:

Жао Жильберто асарларини таҳлил қилинг.

### **12-мавзу: Замонавий дунёдаги жаз**

Бугун биз бутунжаҳон маданиятларининг янада кўпроқ ўзаро қоришувига гувоҳ бўламизки, бу бизни тобора “бутунжаҳон мусиқа”сига айланайтган омилга яқинлаштиради. Бугунги жаз ер куррасининг ҳар қандай бурчагидан амалиётга кириб келган товушлар таъсирида бўлолмайди. Европача экспериментализм мумтоз тубмаъноси билан фрижазнинг авангард саксофончиси Кен Вандермарқ, ва унинг машҳур замондошлари саксофончилар Мэтс Густафссон, Эван Паркер ҳамда Питер Броцманн каби ёш пионерлар мусиқасига таъсир ўtkазишда давом этмоқда. Бирмунча анъанавий услубдаги ёш мусиқачилар қаторига пианиночилар Жекки

Террассон, Бенни Грин ва Брейд Мелдоа; саксофончилар Жошуа Редман ва Дэвид Санчес; барабанчилар Жефф Уоттс ва Билли Стюартларни киритиш мүмкинки, улар ўз ижодий-ижровий йўлини топиш учун изланишда давом этадилар. Жарангнинг эски анъанаси трубачи Уинтон Марсалисдек жаз усталари томонидан жадал давом эттирилмоқда. Бу санъаткор ўз ёрдамчилари билан ҳам шахсий кичик гурухларда, ҳам Линкольн Марказининг Жаз-Оркестрида ишлаган ва уни бошқарган. Унинг раҳнамолигида пианиочилар Маркус Робертс ва Эрик Рид, саксофончи Уэс Эндерсон, трубачи Маркус Принтуп ва вибрафончи Стефан Харрислар катта мусиқачи бўлиб етишдилар. Бу борада моҳир басчи Дейв Холланд ҳам ёш истеъдодларнинг ажойиб кашфиётчиси саналади. Жумладан, басчи Стив Коулмен, саксофончи Стив Уилсон, вибрафончи Стив Нельсон ва барабанчи Билли Килсонлар айнан Дейв Холланд кашфиётларидандир. Ёш истеъдодларнинг устозлари қаторига шунингдек, пианиочи Чик Кориа, марҳум мусиқачилар – барабанчи Элвин Жонс ва хонанда Бетти Картерларни қўшиш мумкин. Жазнинг кейинги ривожидаги салоҳиятли имкониятлари айни пайтда жуда улканлар, зоро истеъдодларни ривожлантириш йўллари ва уларни ифодаловчи воситалар чексиз бўлиб, бугунги кунда улар турли хил жаз жанрларининг ўзаро бирлашувлари орқали янада рағбатлантирилиб, кўпайиб бормоқда.

Дунё миёсида жазга нисбатан улкан қизиқиши мавжуд. Бунга трубачи Диззи Гиллеспининг дастлабки ишлари, унинг 1940-йилларда жаз анъаналарини қоратанли кубаликлар мусиқаси билан синтезлаши ёки пианиочи Дейв Брубек, шунингдек Африка, Лотин Америкаси ва Узок Шарқ мусиқа меросини ўзаро қориштирган ёрқин композитор ва жаз оркестри етакчиси Дюк Эллингтонлар ижодида машҳур бўлган жазнинг кейинчалик Япон, Евроосиё ва Яқин Шарқ мусиқаси билан уйғунлаштирилгани яққол мисолдир. Жаз нафақат ғарбча, балки шарқона мусиқий анъаналарни ҳам ўзига сингдирди. Жумладан, жаз усталарининг Ҳиндистон мусиқий унсурларини қўллашга уринишлари бунга мисол бўлади.

Бундай сайъ-ҳаракатлар флейтачи Пол Хорнинг Тожмаҳал саройида магнит тасмасига муҳрлаган ёзувларида ва Орегон гурухи ижодида ёки Жон Маклафлин ансамблиниң Шакти билан ҳамкорликда тақдим этган “бутунжаҳон мусиқаси” оқимида намоён бўлади. Шакти билан ҳамкорлик давомида асосан жазга таянган Ж.Маклафлин мусиқасида гатама ва tabla каби ҳиндча чолғулар қўлланила бошланди, аралаш ритмлар янграб, ҳиндча рага шаклларидан кенг қамровда фойдаланила бошланди. Чикаго Бадиий Ансамбли Африка ва жаз шаклларини уйғунлаштирган биринчи пионерлардан эди. Сал кейинроқ дунё саксофончи ва композитор Жон Зорн ва унинг яхудий мусиқа маданияти хусусидаги тадқиқотлари билан танишди. Бу ишлар бошқа жаз мусиқачиларининг бутун бошли гуруҳларини илҳомлантириди. Жаҳон глобаллашуви давом этар экан, жазда доимо бўлажак тадқиқотларга озуқа бўладиган ва жазни ҳақиқатан жаҳон мусиқаси эканлигини исботлайдиган ўзгacha мусиқа маданиятларнинг ўзаро таъсири сезилиб туради.

Мавзуга оид саволлар:

1. Замонавий жаз мусиқачиларидан кимларни биласиз?
2. Ғарб мусиқасидан ташқари қайси ҳалқлар фольклори замонавий жазга таъсир кўрсатмоқда?
3. Глобаллашув жараёни жаз мусиқасига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Мустақил иш топшириклари:

Жекки Террассон, Жошуа Редман, Дэвид Санчес, Билли Стюарт, Уинтон Марсалислар ижросидаги асарларни тингланг ва тахлил қилинг.

### I-боб мавзулари бўйича фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Абидова Л. // История джаза и современных музыкальных стилей: Т.. - изд. «Укитувчи», 2007.
2. Гилев С. // Беседы о джазе. - Т.. - изд. «NFL», 2005.

3. Коллиер Дж. // Становление джаза. М.. - изд «Радуга», - 1984.
4. Конен В. // Рождение джаза. М.. - изд: «Советский композитор», 1984.

Интернет сайтлар:

<https://ucclub.ru/jazz>  
<http://www.jazz.ru/books/history>  
<http://www.jazzpla.net>  
<http://www.tvc.ru>

## II – қисм РОК - МУСИҚА

### **1-мавзу: Рок-музиқининг шаклланиш тарихи**

Рок-музиқа – оммавий жанр мусиқаси бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярми - XXI аср бошларидағи оммавий маданият шаклларидан бири сифатида унинг бир қатор қирраларига эга: шеърий матнларининг мазмуни ва ижро чиларининг ижтимоий ахволи жиҳатидан фалсафий, реалистик, фантастик, романтиқдир.

Контрмаданиятнинг (субмаданиятнинг) муҳим соҳаларидан бири бўлган рок мусиқа, ўзини анъанавий (фундаментал) маданиятга қарама-қарши қўяди ва айни пайтда унинг унсурларини ўзлаштиради. Шу боис у ҳам дунёвий прагматика (идеал эмас, балки реал модель ифодасини), ҳам жаҳон санъатининг абадий қадриятларини бирдек назарда тутади. Рок мусиқа анъанавий фольклор билан узвий боғланган бўлиб, оммавий коммуникация воситалари асосида ривожланади ва тижорат қонунларига бўйсунади.

Рок мусиқа илдизлари АҚШдаги фольклор мусиқасининг ритм-эндблюз, кантри, рок-н-ролл мусиқалари каби жанр ва услуб унсурларининг, шунингдек, шарқона мусиқа унсурлари, оврўпача фольклорнинг чолғу ва вокал жанрлари, оммавий мусиқа ҳамда академик (классик) мусиқа тилининг интеграциялашувига бориб тақалади. Рок-музиқанинг кўпсонли услубларидаги фундаментал қирралар: бу жадал бит, ритм, мелодика, гармония ва шакл даражасидаги остинатолилик, синкопалашган ритмдан свингача бўлган ритмик модель ичидаги тебранишларининг кенг қамровидир. Мусиқий матонинг муҳим хусусиятлари тембр ва мелодик полифония қонуниятларига мувофиқ ҳолда бўлинадиган овозлар билан тавсифланади.

Рок-музиқа ривожланиш жараёнида тижорат ва нотижорат йўналишларига бўлинади. Нотижорат йўналишга арт, прогрессив, дум каби турларни киритиш мумкинки, улар классик мусиқа анъаналарига таянган ҳолда, ўзининг юксак бадиий-эстетик савияси билан ажралиб туради. Тижорат йўналишлари эса поп мусиқа томон аниқ интилишга эгадир.

Ўз навбатида рок мусиқанинг охирги пайтда жорий этилган агрессив ва рухиятсиз имиж маълум асосга эга. Рок-мусиқада зўравонлик, бузуқлик ва ҳоказо салбий воқеликларни тарғибот қилувчи ашаддий оқимлар ҳам мавжуд.

Бироқ бундай салбий оқимларни бутун рок мусиқа билан ўхшаш деб билиш керак эмас. Рок-мусиқа ихлосмандлари ва шинавандалари ундаги юксак профессионализмни, виртуозлиликни, фалсафани ва албатта нафосатни қадрлайдилар. Рок мусиқанинг қўплаб композицияларини айнан шундай хусусиятлари туфайли жаҳон мусиқа маданиятининг дурдоналари, деб дадил айтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, рок-мусиқа услублари кўпинча бир нечта йўналишларнинг ўзаро бирикуви орқали шаклланади. Рок-мусиқани ижро этувчи гуруҳлар услуби танланган асосий йўналиш ичida вариацияланади. Гуруҳлар бош йўналишни белгилаб беради (арт, хард, траш ва ҳ.к.), бўёғи эса (эмоционал ва маъновий юклама ҳамда техник усуслар) кўпкомпонентли бўлиши мумкин. Масалан, Глэм-арт-рок, Психоделик арт-рок, Эпик-прогрессив-рок, Симфоник-прогрессив-металл-рок, Дум-хард-рок, Блюз-поп-хард-рок, Хард-энд-хеви-рок ва ҳ.к.

Мавзуга оид саволлар:

1. Рок-мусиқа қачон шакллана бошлаган?
2. Рок-мусиқа қайси фольклор мусиқалар уйғунлигидан келиб чиққан?
3. Рок-мусиқанинг қайси турларини биласиз?

Мустақил иш топшириқлари:

Арт-рок, Прогрессив-рок, Хард-рок, Дум-рок, Траш-рок, услубидаги асарларни тинглаб композицион тузилишидаги фарқини аниқланг.

## **2-мавзу: Рок-н-ролл**

Рок мусиқасининг яралиши ва ривожланишига 20 асрнинг 50-йилларда АҚШда юзага келган оммавий мусиқа услуги – Рок-н-ролл мусиқаси сабап бўлди. Шунингдек, рок-н-ролл мусиқасига ўйналадиган рақс ва рок-н-ролл услугидаги мусиқий композиция ҳам шундай номланади. Инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда “рок-н-ролл” атамаси умумий рок-музиқа маъносида қўлланилади, бунда ҳам гранж услуги, ҳам рока-билли услуги назарда тутилади.

Рок-н-ролл учун тезкор суръат (4/4), такрорланувчи ритмик тузилиш ва содда аккордлар хосдир. Электрогитара, бас, зарбли ва клавишли чолғулар анъанавий мусиқий созлар ҳисоблананиб, бошқа чолғулар тембрлари (айниқса аккустик чолғулар) қўлланмайди.

Рок-н-ролл америкача мусиқа турли хил услубларининг синтези натижасидир. Деярли бир вақтнинг ўзида бир-бирига мутлақо нотаниш, Америка жанубида яшовчи, ҳеч ким танимаган қора танли мусиқачилар ҳар бири мустақил равишда ритм-энд-блюз, буги-вуги, кантри ва госпелни аралаштириб, ҳанузгача номаълум бўлган жаранг яратишга эришадилар. Билл Хейли 1950-йиллар бошида негритянча сленгга (сўз ибораларига) асосланган жаз ва буги-вуги аралашмаси ҳамда кантрига қурилган ритмик қўшиқларида фойдаланган. Яна иккита сингл (қўшиқ) рок-н-роллнинг оммалашувида ҳал қилувчи роль ўйнади, улар бунгача маҳаллий (қоратанли аҳоли) радиостанцияларнинг тингловчиларигагина маълум бўлган мусиқий эксперимент эди холос. Мазкур услубнинг бошланиш вақтини аниқ белгилашнинг иложи йўқлигига қарамай, мутахассислар рон-н-роллдаги биринчиликни 1951 йилда Айк Тёрнер ижросида ёзиб олинган “Рокет 88” қўшиғига берадилар.

“Рок-н-ролл” атамасининг замонавий тушунчаси амалиётга янги мусиқанинг оммалашуви учун кўп ишлар қилган кливлендлик диск-жокей Алан Фрид томонидан киритилган, деб ҳисобланади. Ўша пайтда бу мусиқа

АҚШ консерватив жамияти томонидан қаттың зарбага учраган эди. Рок-н-ролл замонавий оммавий мусиқадаги ривожланган ва ҳам оқ, ҳам қора танли ижрочилар томонидан бирдек чалинадиган бириңчи услугуб эди. Натижада бу мусиқага нисбатан бўлган ўша даврдаги қаршиликнинг қисман бўлса-да пасайишига олиб келди. Рок-н-ролл ижрочилари янги услугуда ёзилган дастлабки қўшиқлардан ташқари эски блюзлар, кантри, жаз номерлари, халқ қўшиқларини ҳам (уларга рок-н-ролл жарангি бўёғини бериб) бирдек ижро этар эдилар.

Рок-н-роллнинг классик жарангига 1954-55-йилларда, Билл Хейли, Элвис Пресли, Чак Берри, Литл Ричард ва Фетс Домино ўзларининг рок-н-роллга асос солган қўшиқларини ёзганларида шаклланган. Ушбу буюк мусиқачиларнинг ҳар бири янги мусиқага маълум бир янгиликни киритди. Жумладан, Э.Пресли кантри билан блюзни эксперимент қилди; Ф.Домино ниҳоят ўзининг янгиорлеанча фортепиано буги-вугиси рок-н-роллнинг ўзи эканлигини исботлади; пианиночи Л.Ричарднинг бўронли ритми ва шиддатли ҳайқириқлари рокнинг қўзғолонли характеристирамзи бўлиб қолди, Ч.Беррининг гитара аккордлари ва ўткир мазмунли матнлари сон-саноқсиз тақлидларга мисол бўлди. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунга қадар нафақат Америка, балки бутун жаҳондаги ёш авлодга улкан мусиқий ва услугубий таъсир ўтказган Э.Пресли “рок-н-ролл қироли” бўлиб қолди.

Э.Преслининг кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган тижорий муваффақиятидан сўнг рок-н-ролл бир лаҳзада кинематография, шунингдек, ёш истеъдодли ижрочиларни кичик студиялардан ўзларига оғдириб олишга уринаётган йирик лейблларнинг (мусиқий овоз ёзиш фирмаларнинг) қизиқиш объектига айланди. 1956-57 йилларда рок-н-ролл янги юлдузлар билан тўлди. Булар новаторлик ижро усусларини киритган ва мусиқачиларнинг кейинги авлодларига катта таъсир кўрсатган Карл Перкинс, Жерри Ли Льюис, Бадди Холли, Эдди Кокранлардир. Линк Рей чолғу рок-н-ролли тарихида муҳим ўрин эгаллаб, гитара мусиқасининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди.

1950-йиллар охирига келиб рок-н-ролл услугидаги пластинкалар АҚШ мусиқа саноатида энг күп сотиладиган аудио ёзувлардан бири бўлди.

Рок-н-роллинг ривожланиши шиддат билан кечди, бироқ у шундай тезлик билан инқироз ёқасига ҳам келиб қолди: Л.Ричард поп-музиқани ўзининг илк муваффақиятидан икки йил ўтгач, яъни 1957-йилдаёқ ташлаб кетди; Э.Пресли икки йилга армия хизматига чақирилди ва 1960-йилда қайтиб келиб, кинокарьерада банд бўлди; Б.Холли, Р.Валенс ва Э.Кокран 1959-60-йилларда ҳалок бўлдилар. Бошқа хонандалар бегона услубларни ўзлаштира бошладилар (кантри, ритм-энд-блюз ва б.).

Параллел равишда рок-н-ролни куйиб-пишиб қиртишлаётган, аммо мусиқий ривожга кам фойдаси тегадиган, тижорат томонидан омади чопган кўплаб ижрочилар бор эди. 1960-йиллар бошига келиб рок-н-ролл боши берк кўчага кириб қолди, уни батамом сўниб битишдан Буюк Британиянинг “Битлз” гуруҳи (1960-йиллар) саклаб қолди. 1950-йилларнинг деярли барча рок-н-ролл хитлари (айниқса Ч.Берри ва Л.Ричард хитлари) британиялик гурухлар томонидан қайта куйланди. Ўша вақтдан эътиборан умумий “рок” атамаси қўлланила бошланди.

Анъанавий рок-н-ролл рок-музиқа жанри сифатида бир неча бор қайта тикланишни бошдан кечирди.

1986 йилда “Рок-н-ролл шухрати зали” ташкил этилди, унинг ҳар йили ўтказиладиган Нью-Йоркдаги тадбирига рок-музиқасининг (1950-йилларнинг рок-н-ролл жанри бўлиши шарт эмас) атоқли ижрочилари таклиф этилади. 1993-йилда эса Огайо штатининг Кливленд шаҳрида “Рок-н-ролл шухрати зали” очилади.

Мавзуга оид саволлар:

1. Рок-н-ролл мусиқаси қаерда пайдо бўлди?
2. Рок-н-ролл мусиқасида қандай чолгулар қўлланади?
3. Қайси хонанда биринчи рок-н-ролл ижрочиси ҳисобланади?

Мустақил иш топшириқлари:

Э.Пресли, Ч.Берри, Л.Ричард ижросидаги рок-н-ролл қўшиқларни тинглаб ижро услубидаги фарқни аниқланг.

### **З-мавзу: Арт-рок**

Арт-рок – бу мелодик, гармоник ёхуд ритмик экспериментлар, шунингдек, қўшиқлар матнининг катта миқдордаги бадиий образлари билан тавсифланувчи, рок-музиқа йўналишини англатувчи атамадир. Арт-рок замонавий оммабоп музика шакллари ва жанрларидан кўра кўпроқ жаз, классик, этник музика ёки экспериментал авангард йўналишидан боради.

Кўплаб рок мусиқачилари “арт-рок“ атамасини “прогрессив рок“ атамасининг синоними деб ҳисоблашади, аммо бу икки атама меломанлар орасида қоидага кўра турли вазиятларда қўлланилади. Арт-рокнинг прогрессив рокдан фарқи – унинг бирмунча куйчан ва прогрессив рокка нисбатан юмшоқлигидадир. Аммо бу икки атаманинг турли манбаларда ўзгача фарқлари ҳам келтирилади. Масалан, “арт-рок“ атамаси фақат инглиз гурухларигагина хос, сабаби “прогрессив рок“ тушунчаси АҚШда пайдо бўлган. Баъзан арт-рок атамасини саҳнада театрлаштирилган томошаларни кўрсатувчи гурухларигагина нисбатан қўллайдилар. Боз устига, “арт-рок“ атамасининг мазмуни ювилиб кетган, сабаби рок-музиқачиларнинг камдан-ками ўзини очиқчасига шу йўналишга алоқадор дейишади, қолаверса “прогресив рок“ атамаси бирмунча кенг тарқалган.

Кўпинча рок-гурухларни альбомлар муқовасини безаш услуби ёки композицияларни номлаш усули билан боғлиқ эстетик тушунчалар бўйича “арт-рок“ сифатида таснифлашади.

Мусиқий нуқтаи назаардан арт-рок услуби шакл, мавзу ва ривож воситалари борасида академик музика унсурларидан кенг фойдаланади. Шу боис, бу музика нотижорат услублар қаторига киради. Бадиий етуклик, юксак

ғояларга (инсонпарварлик, тенг ҳуқуқлик, ватанпарварлик ва бошқалар) асосланган арт-рок услуби рокнинг бошқа услубларидан кескин ажралиб туради.

Кўпинча арт-рок услубидаги қўшиқлар узоқ вақт давом этувчи (12-17 дақиқагача) эпик қўринишдаги композицияларни ташкил этади. Чолгу тембрлари борасида ҳам арт-рок услубидаги асарлар жуда кенгdir. Бунда гаройиб “космик” товушлардан тортиб, турли ускуналар (касса автоматлари, ёзув машиналари, самолёт, танк ва х.к.) ва табиий товушлар – қушларнинг сайраши, ҳашаротларнинг учиши, чақалоқнинг йифиси кабиларни эшитиш мумкин.

**Мавзуга оид саволлар:**

1. Арт-рок услуби бошқа рок услубларидан нимаси билан фарқ қиласи?
2. Арт-рок усулбида қандай ғоялар акс топган?
3. Композиция аранжировкасида арт-рок усулби қандай товушлардан фойдаланади?

**Мустақил иш топшириқлари:**

Пинк Флойд” гурухининг “Пульс” альбомини тингланг ва композицияларни таҳлил қилинг.

#### **4-мавзу: Прогрессив рок**

Прогрессив рок - 1960-йиллар охирида юзага келиб, 70-йиллар бошида ўзининг машҳурлик чўққисига эришиди ва ҳозирги кунга қадар мусиқий шакл сифатида яшаб келмоқда. “Классик” рок-музиқа билан таққослагандан у эклектик, ва баъзан амбициоз, улуғвор услугуб сифатида тавсифланиши мумкин. Прогрессив рок дастлаб Англияда тарқалди ва асосан европача ҳаракат бўлиб қолди, гарчи АҚШ, Канада ва бошқа давлатларда ҳам бир қатор аҳамиятга молик гурухлар фаолият юритсалар-да. Бу мусиқий йўналиш

ритм-энд-блюз ва кантридан кўп нарса олган америкача рокдан фарқли ўлароқ, классик мусиқа ва жаз-фьюжндан кўпроқ нарса ўзлаштирган. Йиллар давомида симфо-рок, мат-рок (математик рок) ва прогрессив-металл каби прогрессив рок жанрига тоифадош кўплаб жанрлар пайдо бўлди. Прогрессив рок тарғиботчилари ҳар доим ҳам жаз, академик ёхуд ҳалқ мусиқаси ва авангардга мурожаат этавермай, оммавий рок ҳамда поп-музиқа чекловларидан четга чиқишига ва рокни янги шаклларгача “олиб чиқишига” уриндилар. Худди мусиқачиларнинг виртуоз маҳорати сингари прогрессив рокнинг асосий фарқи ҳам мана шунда.

Прогрессив рок тавсифи – бу (1960 йилларнинг “классик” роки, оғир рок, хард-энд-хэви ва кейинги даврларга мансуб рокабилли билан таққослаганда) мусиқий шаклнинг мураккаблашиб боришидир.

Прогрессив-рок 1960-йиллар охирида, кўплаб мусиқий таъсирлар натижасида юзага келди. Кейинчалик “Битлз” ва бошқа кўплаб гуруҳлар анъанавий рокни классик ва шарқона мусиқа чолғулари билан уйғунлаштира бошладилар.

1970-йилларнинг охирида панк рокнинг пайдо бўлиши билан Англия ва Америка Кўшма Штатларидаги жамоатчилик ҳамда танқидчилар диққати бирмунча агресив ва оддий услубга қаратилди. Прогрессив-рок тобора унутилиб борар эди. Бундай муносабат бугунги кунда ҳам одатий ҳолдир.

1980-йилларда услубнинг бир қадар янгиланганлиги кузатилади. Бу даврда пайдо бўлган гуруҳларни баъзан неопрогрессив деб атайдилар. Тахминан шу пайтда прогрессив мусиқанинг айрим тарафдорлари мусиқани осонлаштириб, оммавий тингловчиларга мос келадиган электрон жарангдан фойдаланишни бошлаган ҳолда, йўналишни ўзгартирдилар. Кўплаб гуруҳлар прогрессивнинг мураккаб тамойилларидан воз кечдилар ва кенг омма учун ишлай бошладилар. Улар замонавий электрон эфектлар билан тўлдирилган ва дискотекаларда ҳам bemalol тингласа бўладиган композициялар яратдилар. Прогрессив рокнинг кўплаб фанатлари бундай тенденциядан жуда ҳам ранжиidlар.

Прогрессив рок услубида ижод қилған “Лед Зеппелин”, “Дрим Театр”, Дип Пёрпл”, “Генезис” гурухлари ўзларининг юқори ижро маҳорати билан ажралиб турадилар. Бу гурухлар таркибидаги мусиқачилар дунёning энг яхши чолғу усталари қаторидан ўрин олганлар.

Мавзуга оид саволлар:

1. Прогрессив рок услубининг ўзига ҳос қирраларини нимадан иборат?
2. Прогрессив роқда қайси мусиқий жанрларга мурожаат этилади?
3. Прогрессив рок услубига ҳос қайси гурухларни биласиз?

Мустақил иш топшириклари:

“Лед Зеппелин”, “Дрим Театр”, Дип Пёрпл”, “Генезис” гурухларини тингланг, ўхшаш ва фарқли томонларини ажратинг.

### **5-мавзу: Хард-рок**

Хард-рок (қаттиқ) – бу ниҳоятда кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг аниқ чегараларини бутун рок-музиқа ёки унинг алоҳида йўналишлари (хэви металл, гранж, панк-рок) ўртасидан ўтказишнинг деярли иложи йўқ. Хард-роқдаги тингловчи томонидан қабул қилинадиган “оғирлик”ка электрогитаранинг специфик жарангиги (масалан, “дисторшн” ва “овердрайв” каби эфектлар) ва ритм-секция иши ҳисобига эришилади. “Классик” хард-рок 1960-йиллар охири ва 1970-йиллар бошида Буюк Британияда шаклланди.

Рок-музиқанинг мусиқий жиҳатдан “оғирлашуви” 1960-йиллар ўрталаридан, британиялик ва америкалик гурухлар, жумладан “Битлз”, “Роллинг Стоун”, “Лед Циппелен”, “Ху” ва б. томонидан бошланган. Хард-роқнинг ривожланишига маҳоратли рок-гитарачи Жими Хендрикс сезиларли ҳисса қўшди. Шу йиллари илк бор риффлардан фойдаланила бошланди, бу хард-рок жарангининг ўзига ҳос қиррасидир (“риффлар” техникаси – бу гитаранинг қисқа, такрорланувчи мусиқий партиялари). Деярли тўлиқ

шаклланган кўринишдаги хард-рокни “Айрон Батерфляй”, “Блу Чир”, “Крим” гурухлари ижодида тинглаш мумкин. “Крим”ни эса қўпинча хард-рокнинг энг биринчи гурухи дейишади.

1970-йиллар хард-роки келажакда хэви-металл ва умуман металлик мусиқанинг пайдо бўлишига замин яратди.

1980-йилларда хард-рок ва хэви-металдан сўнг тижорат томондан омадли бўлган ҳаракат юзага келди, уни баъзан “хард-н-хэви” деб аташади. Ўшанда янги оғир рок гурухлар билан бир қаторда 1970-йилларнинг классик хард-рок намояндалари ўзларининг янги ишлари (Оззи Осборн, Дэвид Кавердейл) билан, шунингдек, 1970 йилларда ўз фаолиятини эндиғина бошлаган гурухлар (“Аэросмит”, “ЭйСи ДиСи”, “Скорпионс” ва б.) ҳам катта муваффақият қозондилар.

Параллел равища металлнинг манбай хард-рок бўлган бирмунча оғир йўналишлари ривожланди (трэш-метал, спид-метал ва б.).

Хард-рок айрим гурухларининг ишларини прогрессив-рокка мансуб дейиш мумкин, сабаби жаранг “оғирлиги”га баъзан мураккаб мусиқий партиялар, давомли виртуоз сололар ва импровизациялар (айниқса концертларда) жўр бўлади. Бу борада “Дип Пёрпл”нинг илк ишлари бўлиб, уларда виртуоз импровизациялар ва чўзимдор соло каби мусиқий ифода воситаларининг стандарт тўплами симфоник оркестр ва мураккаб аранжировкадан фойдаланиш орқали кенгайтирилган. Айрим гурухларнинг концерт чиқишлирида давомли (10 дақиқадан ортиқ), соло ва импровизациялари мўл бўлган чолғу лавҳалари учрайди.

### Мавзуга оид саволлар:

1. Хард-рок тушунчаси қайси услубларни ўзига қамраб олиши мумкин?
2. “Дисторшн” ва “овердрайв” атамалари нимани англатади?
3. Қайси хард-рок гурухларини биласиз?

Мустақил иш топшириклари:

“Аэросмит”, “ЭйСи ДиСи”, “Скорпионс” гурухларини тингланг, ўхшаш ва фарқли томонларини ажратинг.

### **6-мавзу: Металл-рок**

Металл - 1970-йиллар боши ва ўрталарида хард-рокдан бунёд бўлган рок-мусиқа услубидир.

Мазкур услуг номланишининг келиб чиқиши борасида бир неча фикрлар, бир неча манбалар мавжуд. Ёзувчи Уильям Берроуз ўз асарларида ўзга сайёраликларни тасвирлаётиб, “хэви металл” сўзини ишлатган. Артиллериячилар орасида “хэви металл” баланд товушли канонадани англатган. Афтидан, бу эпитет хард-рок мусиқада товуш баландлиги ва ритмик аниқлик маъноларида қўлланилган.

Металл учун тезкор, агрессив ритмлар, риффларга қурилган гитара партиялари, дисторшн (махсус гитара эффектлари) ҳисобига эришиладиган сиқилган гитара товуши, албатта соло-гитаранинг мавжуд бўлиши хосдир.

Металл катта миқдордаги услубостиларга эга: бу нисбатан “юмшок” (масалан, классик хэви-металл)дан ўта “оғир” услубгача, ва кўпчилик тинглашга тайёр бўлмаганлар учун (дэт-металл, блэк-металл ва ҳ.к.). Металл ишқибозларини “металлистлар” ёки “металхэдлар” деб аташади.

Маълумки, “Heavy metal” илк бор мусиқий атама сифатида “Сэр Лорд Балтимор” гурухининг альбомида мусиқий танқидчи Майк Сандерс томонидан қўлланилган ва “Лед Циппелин” ва “Блэк Саббат” гурухлари ҳақидаги мақолалар орқали танқидчи Лестер Бэнгс томонидан оммалаштирилган эди. Даставвал танқидчилар “хард-рок” ва “хэви-металл”ни ўзаро фарқламадилар, ҳозирда эса улар турлича услублардир.

Инглиз тилида умумий йўналиш сифатидаги “металл” ва унинг бошланғич, классик тури “хэви-металл” ўртасида хеч қандай фарқ йўқ. Аммо бошқа тилларда, хусусан, рус тилида бу тушунчалар алоҳида маъноларни англатади.

Қўшиқларнинг мазмуни ва ғоявий йўналиши қисман йўналишдан йўналишга ўтиб фарқланади ва бу аснода айрим умумий хусусиятларини сақлаб қолади. Металлнинг барча турлари учун чалғитувчанлик, аллегорик, фантастик мавзуларга мурожаат, шунингдек, услубостиларнинг кўпчилиги учун жанговорлик, агрессия, кучли шахс таъсири хосдир. Шундай қилиб, дэт-металл учун зўравонлик ва ўлим мавзулари, дум-металл учун ғам-қайгу, меланхолия ва аламзадалик, блэк-металл учун ғайридиний мавзулар хос бўлса, пауэр-металл қўпинча эртак ва фантазия мавзуларига мурожаат этади.

Трэш-металл одатда жамият муаммоларига бағишлиган нисбатан жиддий мавзуларга эга бўлиб, шу хусусияти билан панк-рокка ўхшаб кетади. Шу соҳа мутахассислари кўплаб металл-гурухлар қўшиқларининг мазмунини ташқи агрессиясига қарамай, зўравонликка чақирув эмас, балки кўпроқ услугуб ва имиж унсури, деб ҳисоблайдилар. Металлистларнинг шеър матнлари бошқа рок-гурухларга қараганда кўп ҳам муаллиф ва ижрочи шахси ҳамда туйғуларига боғланмаган. Шу туфайли улар бирмунча изчил ва ўзаро боғланган, китоблар мазмунига асосланган сюжетли қўшиқлар ва концептуал альбомлар умумий ўриндадир.

Мавзуга оид саволлар:

1. “Хэви металл” тушунчаси металл-рокга қандай кириб келган?
2. Металл-рокнинг қандай турлари мавжуд?
3. “Лед Циппелин” ва “Блэк Саббат” гурухлари қайси жиҳатлари билан фарқ қиласди?

Мустақил иш топшириқлари:

“Лед Циппелин” ва “Блэк Саббат” гурухларининг ижросида металл-рок турларини аниқланг.

## **7-мавзу: Рок-опера**

Рок-опера – бу услубий асоси рок-музыка бўлган мусиқий-драматик жанр. У 1960-йиллар охирида АҚШ ва Буюк Британияда юзага келган. Рок-операнинг илдизлари мюзиклга бориб тақалади. Г.Макдермотнинг “Соч” (1967), Т.Линнинг “Кутқарилиш” (1969), “Томми” (1970), П.Таушендинг “Квардофения” (1972), С.Шуорцнинг “Госпел” номли асарларини биринчи рок-опералар, деб ҳисоблаш мумкин. Э.Л.Уэббернинг “Исо Масих – суперюлдуз” (1971) ва “Эвита” (1978) каби рок-опералари ўзининг юксак бадиий савияси билан ажralиб туради.

Рок-операнинг ғоявий йўналиши ёшларнинг замонавий жамият қадриятларига қарши бўлган стихияли қўзғолони билан боғлиқ. Мифологик ва Инжил сюжетларининг замонавийлашуви катта машҳурлик қозонди (масалан, Исо Масих жамиятга қарши бош кўтарган хиппи-қўзғолончи сифатида талқин этилади). Рок-операнинг мусиқий драматургиясига лейтмотив билан мувофиқлашган, тугалланган номерлар (ария, монолог, хор) хосдир. Сухбатли диалоглар, специфик пластикали рақсбоп лавҳалар, товуш безаги ва чироғ техникасининг эксцентрик усулларидан фойдаланилади. Рок –опера замонавий санъатнинг турли жанрлари таъсирини ўзида синаб кўрган бўлиб, у ҳам саҳнада, ҳам ижрочи ёки гурухнинг соло пласинкаси (рок-альбом) кўринишида яшайди, унда алоҳида композициялар ягона сюжет ва яхлит интонацион-тематик ривожланиш орқали бирлашади. Бундай вазиятда рок-операнинг ҳар бир қисми мустақил асар сифатида қабул қилинади. “Пинк Флойд” гурухининг “Девор” (1978) номли рок-операси шундай машҳур асарлардан биридир.

Рок-операнинг мусиқий тили ҳам классик оркестр таркиби, ҳам рок-ансамблдан, қўпинча эса уларнинг мувофиқлашган кўринишидан бирдек фойдаланишга боғлиқ. Ижро усули таранг ва агрессив бўлиб, оҳанглари рок-музыканинг турли хил услубларидан юзага келган. Шунингдек, бошка маданиятларнинг фольклор мусиқасидан то авангардгача, барокко

музиқасидан тортиб жаз ва шлягергача бўлган услублар мусиқий тилининг унсурларидан фойдаланилади.

### Мавзуга оид саволлар:

1. Рок-опера қандай жанр?
2. Классик операдан рок-операнинг фарқи нимада?
3. Қайси рок операларни биласиз?

### Мустақил иш топшириқлари:

“Исо Масих – суперюлдуз” рок-операсини тингланг ва қандай мусиқий шакллар қўлланганини аниқланг.

### **8-мавзу: Мюзикл**

Мюзикл – бу мусиқий-саҳнавий асар бўлиб, унда мусиқа, диалоглар, қўшиқлар ва рақслар ўзаро қўшилиб кетган. У рок-операдан сўз диалоглари, рақс саҳналарининг кенг қўллқаниши ҳамда, бирмунча енгил ва жўн сюжети билан фарқ қиласди (худди оперетта операдан фарқланганидек). Мюзиклни баъзан мусиқий комедия, деб ҳам атайдилар. Мюзиклга оперетта, комик опера, водевиль каби кўплаб жанрлар таъсир кўрсатган. У театр санъатининг алоҳида жанри сифатида узоқ вақт тан олинмади.

Мюзикл – театрнинг бирмунча тижорий жанрларидан биридир. Бу унинг томошабоплиги, саҳналаштирилиш борасида мавзуларининг ранг-баранглиги ва актёрлар учун ифода воситалари танловининг чегараланмаганлиги билан изоҳланади.

Мюзиклларни саҳналаштиришда қўшиқ ва рақс жўр бўлган оммавий саҳналардан тез-тез фойдаланилади, қўпинча маҳсус эффектлар ҳам қўлланилади. Мюзикл шаклан икки қисмли спектаклни намоён этади.

Варьете шоуси, француз балети ва драматик интерлюдия аралашган кўплаб енгил жанрлар мюзиклнинг аждодлари эди. Мусиқий комедия енгил кўнгилочар намойишни назарда тутган бўлиб, унда сюжет эмас, балки

томушабинларнинг севимли санъаткорлари ижросидаги оммалашган вокал номерлар мухим эди.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Херберт, Фримл, Ромберг ва бошқа истеъдодли мухожирлар мюзиклнинг Америкада фаол ривожланишига катта туртки бердилар. 1920-30 йиллар давомида Жером Керн, Жорж Гершвин, Кол Портер ва б. янги америкалик композиторларнинг келиши билан мюзикл асл америкача тусга эга бўлади. Либретто мураккаблаштирилди, ритмларда жаз, рэгтайм таъсири сезилди, қўшиқларда соф америкача давралар пайдо бўлди. Мюзикллардан олинган қўплаб қўшиқлар мусиқий классикага айланди. Хонандаларнинг актёрлик маҳорати сезиларли равишда ўсди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мюзикллар фабуласи бирмунча жиддий кўринишга эга бўлди, Леонардо Бернстайннинг “Вестсайд ҳикояси” (1957) пайдо бўлди. Ушбу асар асосида Шекспирнинг “Ромео ва Жульєтта” фожеаси ётади, аммо воқеалар замонавий Нью-Йоркда кечади. Рақслар шиддати хореографиянинг ўсаётганлигидан дарак беради.

XX асрнинг 60-йиллари охирида янги мусиқий услублар таъсири остида мюзиклнинг жанр сифатидаги янги тушунчалиги мувалага кириб келди. Т.Эллиотнинг “Эски Опоссумнинг ишбилармон мушуклар ҳақидаги китоби” номли шеърлар туркуми асосида яратилган Л.Уэббернинг “Мушуклар” (1981) асари ёрқин ёдда қоларли образларни намоён этади, мусиқадан “мушукларга хос” оҳангларни таниш мумкин, рақслар пластик ва эгилувчан. Л.Уэббернинг бошқа оммалашган асари “Опера шарпаси” бўлди, у ўзида детектив ва триллер унсурларини мувофиқлаштирган.

Мюзиклларнинг инглизча-америкача монополияси 1985 йилда, Лондон саҳнасида Виктор Гюгонинг “Хўрланганлар” номли романи асосида шу номдаги французча спектакль саҳналаштирилгач барҳам топди. Асарга муаллифлари композитор Клод-Мишель Шонберг ва либретточи Ален Бублиллар эди. Мюзиклнинг жанр сифатидаги юксак савиясини “Мисс Сайгон” асари ва Пуччинининг замонавий талқиндаги “Мадам Баттерфляй”

операси исботлайди. Жаҳон даражасидаги биринчи рус мюзикли – бу Георгий Васильев ва Алексей Иващенко саҳналаштирган “Норд-Ост” асаридир.

**Мавзуга оид саволлар:**

1. Мюзикл қандай жанр?
2. Мюзикл рок-операдан нима билан фарқ қилади?
3. Қайси мюзиклларни биласиз?

**Мустақил иш топшириқлари:**

“Мушуклар”мюзиклини тингланг ва қандай мусиқий шакллар қўлланганини аниқланг.

**II-боб мавзулари бўйича фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Абидова Л. // История джаза и современных музыкальных стилей: Т.. - изд. «Укитувчи», 2007.
2. Козлов А.В. // Рок: истоки и развитие: М.. - изд. «Ме-га Сервис», 1998.
3. Меньшиков В. Г. // Энциклопедия прогрессивного рока: - Т.. - изд. «Шарк», 1996.
4. Сыров В.Н. // Стилевые метаморфозы рока, или путь к «третьей» музыке: Н.Н. - изд. Нижегор. ун-та, 1997.
5. Цукер А.М. // И рок, и симфония: М.. - изд. «Композитор», 1993.

**Интернет сайтлар:**

<http://www.rock-book.ru>

<http://krugznaniy.ru>

<http://redstory.ru>

### III-қисм

## ПОП МУСИҚА

#### **1-мавзу: Поп мусиқа ҳақида тушунча.**

Поп-мусиқа инглизча popular music (оммалашган, ҳаммабоп, “оммавий мусиқа”) сўзининг қисқартирилган қўринишидир (pop music). У ранг-баранг услублар ва жанрларни ўзида жамлаган тушунча бўлиб, асосан 20-аср кўнгилочар эстрада ижрочилигини ифода этади. Поп-мусиқани кенг маънодаги оммавий мусиқадан, яъни концерт ижрочилигида тез-тез ижро этиладиган бирмунча машхур асарлар йиғиндисидан фарқлаш лозим. Тижорат мусиқий-кўнгилочар саноатнинг барча воқеликлари поп-мусиқага тааллуқлидир.

Дайди мусиқачилар ижодидан олинган мусиқий намуналардан то профессионал композиторлар ижод маҳсулигача бўлган асарларни оммавий мусиқа тоифасига мансуб дейиш мумкин. Унинг фарқли жиҳатларидан бири - мусиқий композициянинг осонлаштирилган шакл ва техник воситалардан фойдаланиш эвазига “енгил ишлаб чиқарилиши” ҳамда “оммавий равища сотилиши”дир. Қадим замонларда ўзига хос аудио сифатида шарманка ва бошқа мусиқий автоматлардан фойдаланилган. Кўча шарманкачиси ўзи сезмаган ҳолда, ўтмиш ва ҳозирги замон мусиқасининг тарғиботчиси бўлган.

XX асрнинг 60-йилларида поп-мусиқа атамаси аста-секинлик билан биз билган тушунча қўринишини олди: “оммавий мусиқа” ва “поп-мусиқа“ бир-биридан ажralиб кетди. Мусиқа маданиятида поп-мусиқа услугуб, йўналиш маъноларини англатади.

“Поп-мусиқа миллий колоритга тортмайди, - дайди поп-маданият соҳасининг етакчи мутахассисларидан бири В.Н.Сыров, - унинг тили ўртacha силлиқ. У космополитик, унда жаҳон мусиқасининг анъаналари ягона ўртacha стереотипга бирлаштирилган: яъни кучли ҳиссадаги урғули, остинатоли ритм, жўн оҳанглардан иборат куй, тембр жиҳатдан нейтрал бўлган аранжировка (сайқал) ва ҳ.к. Муҳими шундаки, бу мусиқа – рақсбопдир”.

Бугунги поп-музиқа шоу-бизнеснинг бир қисми бўлиб, у оммавий тарзда сотилиш учун яратилади. Шоу-бизнес тизими истеъдод ва мусиқий қобилиятни назарда тутмайди. Унинг асосий талаблари - лойиҳа учун минимал маблағ сарфлаб, максимал даромад олишдир. Ижрочиларга келсак, улардан ёрқин, нотабиий ташқи кўриниш, продюссерларнинг талабларига итоат қилишга тайёр туриш талаб этилади.

Афсуски, мусиқий поп-маданиятнинг жуда катта миқдордаги маҳсулотининг маънавий ва эстетик қадриятлар каби тушунчаларга ҳеч қандай яқинлиги йўқ. Кўплаб композициялар оламни тор қамровда идрок этиш, умрнинг бетартиб образи, одоб-аҳлоқ меёrlарининг бузилиши ракурсида амалга оширилган. Бу бир тарафдан тушунарли, яъни бундай маҳсулотнинг яратувчилари максимал даромад олишга интиладилар. Бироқ, шуни унумаслик керакки, видеоқатор ва оммавий аҳборот воситаларга ёпирилган реклама эвазига кучайтирилган бундай маҳсулот автоматик тарзда ҳаётий меёrlарни бузишни тарғиб этишда энг қудратли қуролга айланади. Бундай тўрга аввало инсон сифатида ҳали шаклланишга улгурмаган ёшлар илинади, бу эса реал ҳаётдаги асосий салбий вокеликдир.

Шоу-бизнес оламидаги ютуқлар мусиқий маҳсулотнинг қанчалик кўп ишлаб чиқарилиши билан баҳоланади. Бу эса турли хил хит-парадлар (радио ва теле кўрсатувлардаги), танловлар, фестиваллар (йил қўшиғи, йил хонандаси, йил альбоми ва ҳ.к.) билан изоҳланади. Мусиқий шоу-бизнесдаги энг олий мукофотлар “Грэмми”, “MTV” (Европа, Австралия ва б.) ва “Олтин Глобус” (фильмлар учун ёзилган саундтреклар) ҳисобланади. Шунингдек, санъаткорнинг ютуғи унинг сотилган дисклари сони билан ҳам белгиланади.

Мусиқий шоу-бизнес юлдузлари орасида ўз ўрнига эга бўлиш осон эмас. Аммо бирор юлдузга нисбатан бўлган талабнинг даражаси унинг нуфузини белгилаб беради. Мусиқий шоу-бизнес оламида юксак унвонга эга бўлган бирор услубнинг қироллари ва қироличалари бор. Масалан, поп-музиқа қироли Майкл Жексон, бўлса, қироличаси – Мадонна, маликаси эса Бритни Спирс ва ҳ.к.; албатта бундай унвонлар шартли ва баҳслидир.

Аммо, шунга қарамасдан поп-музиқа услублари бугунги кунда энг устивор услублардан бўлиб айниқса, унинг рақсбоб турлари турли халқ ва миллатларнинг регионал мусиқа маданияти билан қоришиб кетган.

Мавзуга оид саволлар:

1. Поп-музиқа атамаси нимани англатади?
2. Поп-музиқа атамаси қачон пайдо бўлган?
3. Поп-музиқа қайси тижорат тизимиға бўйсинади?

Мустақил иш топшириқлари:

М.Жексон, Мадонна, Б. Спирс ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услугубий фарқини аниқланг.

## 2-мавзу: Шансон

“Шансон” сўзи французчадан таржима қилинганда “қўшиқ” маъносини англатади. Шундан яна бир сўз – “шансонье” келиб чиқкан, ва у француз эстрада хонандаси, жанрли қўшиқлар ижрочиси, кўпинча эса сўз ва мусиқа муаллифи маъноларини билдиради. Шансонье санъати ўрта асрлар француз менестреллари ижодига бориб тақалади, кейинчалик эса француз кабарелари билан уйғунлашади. Услуб замонавий кўринишга эга бўлишга қадар турли мусиқий жанрлар таъсирига дуч келади.

Француз кабареларидан келиб чиқкан бу жанр 20-асрга келиб француз эстрада қўшиғига айланди ва унинг биринчи машҳур ижрочилари бўлиб Аристид Брюан, Мистингетт кабилар танилдилар.

Шуниси қизиқарлики, кабаре жанри билан бир вақтда француз қўшиқчилигига “реалистик қўшиқ” жанри ҳам бўлган. Бу жанрда фақатгина аёллар ижро этганлиги қизиқарли факт бўлиб, улардан энг таниклилари Дамиа, Фреэльи, Эдит Пиаф ҳисобланади.

1950-йилларга келиб француз эстрадасида иккита муҳим йўналиш аниқланди. Биринчиси – классик француз шансони: бу йўналишда шеърий

матин мусиқий матиндан устивор ҳисобланиб қўшиқни муаллифнинг ўзи ижро этган. Бу жанрда ижод қилган санъаткорлардан Морис Шевалье, Шарль Тренеларни ҳамда, “реалистик қўшиқ” анъаналарини давом эттирган Эдит Пиафни айтиб ўтишимиз мумкин.

Иккинчи йўналиш эса кўпроқ эстрада жанрида бўлиб унинг асосини лирик қўшиқлар ташкил этади. Бу йўналишда маншхурликка эришган хонандалардан Шарль Азnavур ва Сальваторе Адамоларни келтиришимиз мумкин.

Француз ижрочилари санъати Европа мамлакатларининг замонавий эстрада мусиқа санъати вокал услублари ривожланишига катта таъсир кўрсатди. XX асрнинг иккинчи ярми француз шансонининг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Француз ижрочиларининг машҳурлиги Франциядан ташқарида ҳам кенг тарқалди. М.Матье, Ж.Дассен, Ш.Азнаур, И.Монтан ва бошқа кўплаб француз шансони намояндалари дунёнинг кўплаб давлатларига ижодий сафарлар уюштириб, улкан концерт залларида ўз санъатларини намойиш этганлар. Француз шансони анъаналарини 1990-йилларда П.Каас ва бошқа замонавий ижрочилар давом эттиридилар.

Мавзуга оид саволлар:

1.     Француз шансони қайси мусиқа жанрлардан келиб чиқсан?
2.     Француз шансони неччита йўналишдан иборат?
3.     Қайси шансонъеларнинг ижоди “реалистик қўшиқ” йўналишига тегишли?

Мустақил иш топшириқлари:

М.Матье, Ж.Дассен, Ш.Азнаур, И.Монтан ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услугубий фарқини аниqlанг.

### **З-мавзу: Ритм-н-блюз**

Ритм-н-блюз (шунингдек, ритм-энд-блюз, қисқача R'n'B ёки R&B) – бу ўзида блюз, жаз ва госпелни мужассам этган оммавий мусиқа бўлиб, дастлаб афроамерикалик мусиқачилар томонидан ижро этилган. Ушбу атама 1949 йилда авваллари кенг тарқалган ва калондимоғлик билан ифодаланган “ирқий мусиқа” ибораси ўрнига Америка журнали тузувчилари томонидан муомалага киритилган. АҚШда ирқий нотенглик тушунчаси заифлашгани сари “ритм-энд-блюз” атамаси барча ирқлар ва миллатлар мусиқачилари томонидан кенг миқёсда ижро этиладиган “соул” ва “фанк” услублари томон яқинлашиб, ўзига хос тадрижиёт йўлини босиб ўтди. Ритм-энд-блюз таркибиغا кейинги даврларда мустақил йўналиш сифатида жорий бўлган рок, хип-хоп ва рэгги услубларини киритиш маъқулланмаган.

Ҳозирда замонавий ритм-энд-блюзни классик ритм-энд блюздан ажратиш одатга айланган. Замонавий “R&B” деганда ўз негизини симбиоз блюз, соул ва бошқа “ирқий” жанрлардан олган мусиқий йўналиш тушунилади. Ритм-энд-блюз деганда эса ёрқин ифодаланган блюз асосидаги мусиқа тушунилади. Кўпчилик одамлар классик ритм-энд-блюзни рокка тааллуқли деб биладилар, “ритм-энд-блюз” тушунчаси остида эса замонавий R&Bни тушунадилар. Бу жуда кенг тарқалган хато. Кўплаб танқидчилар ҳанузгача баҳслашадилар - ритм-энд-блюз гуруҳлари ижодини рокка мансуб дейиш, тушунчанинг ўзига эса унинг “оммалашган моҳиятини” бериш керакмикан.

Ритм-энд-блюз блюз услуби кесимида 1930-1940 йилларда ажралиб чиқди. У Жанубнинг “қишлоқи” американлик негрлар деб аталувчи “қишлоқи блюз” ижрочилари урбанизацияси билан боғлиқдир. Кўплаб машҳур блюзменлардан Ти-Боун Уокер, Би Би Кинг, Луис Жордан, Мадди Уотерс ва б. шаҳар ташқарисидан кўчиб келиб, марказий шаҳарларга жойлашдилар. Бу ижрочиларнинг кўчиб келиши негритянча овоз ёзиш компанияларининг барпо этилиши боғлиқ эдики, уларнинг маҳсулоти катта шаҳарларнинг “қора” геттоларида кенг тарқалди. Ўз қўшиқларини ёздиришга келган

музиқачалар кўпинча шаҳарларда қолиб кетишар ва дастлаб оддий корхоналарга ишга жойлашиб, кейинчалик эса “қора” клублар, барлар ҳамда дансингларга ижрочи сифатида олинар эдилар. Бу аснода ўзларига акустик гитарада жўр бўлувчи кантри-блюз ижрочилари шундай ҳолатга дуч келишдики, шовқин биноларда уларни эшишиб бўлмас эди: шундан сўнггина микрофонлардан, гитара ва электроорган учун товуш кучайтиргич (ёки пасайтиргич)дан фойдаланила бошланди.

1939-йилда электрогитара пайдо бўлди. Электрификация ва янги техниканинг татбиқ этилиши нафақат овоз ёзишининг ривожланишига, балки умуман янги блюз услубининг юзага келишига туртки бўлди. Эндиликда тўрт ижроидан иборат гурух ўн саккиз кишилик анъанавий катта биг-бендга нисбатан баландроқ ва кучлироқ чалишга қодир. Янги услуб тобора оммалашиб, ўз рақибларини сиқиб чиқаради, ва 1949 йилда “Билборд” журналида жорий бўлган ўзгаришларни акс эттирувчи “ритм-энд-блюз” атамаси пайдо бўлади.

Ритм-энд-блюз бозор учун мўлжалланган оммавий, тижорат мусиқасига айланди. Анъанавий блюздан фарқли ўлароқ, янги услуб сокин қишлоқ блюзининг хусусиятлари, унинг нюансларини йўқотган ҳолда, бирмунча қаттиқ ва агресив бўлди. Ритм-энд-блюз нисбатан бир турли бўлиб, унда кўнгил очиш ва рақсбоплик биринчи планга чиқди. Ижрочилар гуруҳи яккахон устидан ҳукмронлик қила бошлади, яккахоннинг анъанавий “эски” блюздаги ўзини намоён этиш вазифаси эса орқа планга ўтиб кетди. Илк ритм-энд-блюз классиклари орасида Мадди Уотерс, Артур Крадал, Би Би Кенг, Жей Макшенн, Хаулин Вольф ва Жо Тёрнерлар номини таъкидлаш мумкин.

Мавзуга оид саволлар:

1. Ритм-энд-блюз мусиқаси қачон ва қаерда пайдо бўлди?
2. Ритм-энд-блюз ва R&B услублари ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

3. Ритм-энд-блюзнинг ривожланиши қайси чолғунинг яралиши билан боғлик?

Мустақил иш топшириқлари:

Мадди Уотерс, Би Би Кенг ва Айк Тёрнерлар ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услубий фарқини аниқланг.

#### **4-мавзу: Соул**

Соул – бу 1950-йиллар охирида АҚШнинг жанубий штатларида баптист воизи Мартин Лютер Кинг бошлигидаги афроамерикаликларнинг фуқаролар тенгхуқуқлиги учун кураши билан боғлик бўлган ижтимоий ҳаракат. Соул мусиқаси ушбу ҳаракат ғояларини акс этиб, Америка қора танлиларининг ирқий ноҳақликларга қарши курашини ифодалайди. Соул атамаси “қалб” маъносини англаради.

Соул мусиқаси ритм - энд - блюз, вокал-жаз анъаналари ва спиричуэл унсурларига таянади. Биринчи соул қўшиқчилари деб Рей Чарльз ва Жеймс Браун ҳисобланадилар.

1960-йилларда соул негритянча мусиканинг бирмунча оммавий йўналишига айланади. Жанубий соулининг энг ёрқин намояндалари Сэм Кук, Арета Франклин, Отис Реддинг ва Жеймс Браунлар бўлиб, улар Мартин Лютер Кингнинг жамоавий ҳаракатга жалб қилинган эдилар.

1970-йилларда соул услубий жиҳатдан янада ўзгаради. Майин “филадельфияча” соул бир қадар машҳур бўлди, унинг классик соулдан фарқи - мураккаблашган, тўлақонли аранжировка ва фанк унсурларининг киритилганидир. Бу йилларда соул мусиқасига кўплаб европалик оқ танли мусиқачилар мурожаат этадилар (Ван Морисон, қисман Элтон Жон ва Дэвид Боуи) – улар ижросидаги соулни американклар кулиб “кўк қўз соул” дейдилар.

1980-йиллар бошидан эътиборан соул янги кўтарилишни бошдан кечиради (Принс, У.Хьюстон, М.Керай, Т.Брекстон ва б. ижоди). 1990-йиллар охирида, классик соулга бўлган қизиқиши қайта уйғонгандада “нео-

соул” номли ретроспектив йўналиш юзага келди (Лорин Хилл, Эрика Баду, Алиша Киз, Жон Ледженд).

1960-йиллар бошида АҚШ ва Европадаги энг оммалашган мусиқа сифатида ўзининг ранг-баранг тармоқлари билан танилган рок-н-ролл йўналиши тасдиқланди. Илк рок-н-роллга хос бўлган эмоционал куч ўрнини Пэт Браун ва ака-ука Эверлилар каби оқ танли ижрочиларнинг силлиқ сентименталлиги эгаллади. Бунга қарама-қарши тарзда ритм-энд-блюз асосчиларидан бири Сэм Кук алоҳида ижрочилик услубини яратди, бу услуб лирик туйғулар табиийлиги ва қўққисдан пайдо бўлиш хусусиятларини қайд этади. Жонли ижроларга хос бўлган импровизвция муҳитини Рэй Чарльзнинг госпел ва жаз унсурлари билан бойитилган мусиқалари ҳам ифода этган. Ритм-энд-блюзнинг индивидуаллашган, бирмунча эмоционал услуби “соул” номини олган. Ушбу атама шу қадар кенг тарқалди, анча кенг тушунча бўлган “ритм-энд-блюз”ни АҚШ ва унинг ташқарисида ҳам бир неча ўн йилликларга муомаладан чиқариб юборди.

АҚШ шимоли Детройтда соулнинг “мотаун” номли тижорат йўналиши пайдо бўлади, у “Мотаун Рекордс” овоз ёзиш студиясининг номланишидан олинган. Бу студия Смоуки Робинсон, Дайан Росс, Стиви Уандер ва Марвин Гей ижроларидағи енгил ва ритмик композицияларни чиқарган. Ритм-энд-блюз тарихидаги энг ёрқин саҳифаларни продюссер Фил Спектор яратди, у 1960-йиллар бошида студия ёзувининг инқилобий техникасини кашф этди, бу “товуш девори” деган ном олди ва уни хонанда Тина Тёрнер билан ишлаш жараёнида қўллади.

Мавзуга оид саволлар:

1. Соул атамаси нимани англатади?
2. Мусиқий жиҳатдан соул нимага таянади?
3. Қайси хонандалар илк соул ижрочилари ҳисобланадилар?

Мустақил иш топшириқлари:

Рей Чарльз, Жеймс Браун, Сем Кук ва Арета Франклин ижросидаги соул қүшиқларни тингланг ва услубий фарқини аниқланг.

### **5-мавзу: Янгиланган соул ва нео-соул**

1980-йилларнинг ўрталарида ижод қилган энг омадли тижорий ритм-энд-блуз ижроцилари Лайонел Ричи ва Уитни Хьюстон – нақадар пухта ўйланган ва мукаммал ёзилган романтик балладалар туфайли шуҳрат қозондилар, аммо шундай бўлса-да, бу ҳолат эмоционал жиҳатдан маънисиздек туюлади. Кучли вокалга қарамасдан уларнинг ёзувларида табиий, бевосита кечинмалардан воз кечиш кузатилади. Нафислик фойдасига хизмат қилувчи соулнинг классик мактаби мана шундай ижроларга асосланади. Майкл Жексон ва Жорж Майллар замонавийлашган соулга нисбатан фанкнинг агрессив, тижоратга мўлжалланган турини афзал кўрадилар. Ритм-энд-блузнинг ушбу барча тижорат йўналишларини белгилаш учун АҚШда ўта мавҳум “урбан” атамаси ўйлаб топилган.

1980-йилларга мансуб янгиланган соулнинг йирик устаси Принс бўлиб, у ҳар бир янги альбоми орқали бу услубнинг янгидан-янги ривожланиш йўлларини очиб берди. Унинг ижодидаги экспериментал ёндашув ҳаддан ортиқ эмоционаллик ва ифодавийликнинг янги йўлларини излаб топиш билан уйғунлашади.

1980-йилларда АҚШдан ташқарида “соул” атамаси яна тингловчилар талабига айланди: бу сафар замонавий фанк (“ритм”) ва соул (“блуз”)ни, шунингдек, улар ўртасидаги сон-саноқсиз гибридларни белгилаб олиш учун. Бу, замонавий шароитларда ритм-энд-блузни ташкил этувчи тезкор (“фанк”) ва вазмин (“соул”) ўртасида аниқ чегаралар ўтказиш мураккаб эканлиги билан боғлиқдир. Фақат соул ёки фанкка ихтисослашган ижроцилар деярли бўлмайди. Етакчи ижроцилар репертуарида ҳар икки услубга, шунингдек,

улар ўртасидаги чегаралар ва синтезни ифодаловчи йўналишларга оид композицияларни топиш мумкин.

Ритм-энд-блюз ривожининг замонавий босқичини “нео соул” сифатида тавсифлаш одатга айланган. Бу қисман ретроспектив йўналиш бўлиб, у 1960 ва 1970-йилларга оид классик соулнинг винтаж жарангга қайтишига асосланган. Айниқса бу Лорен Хилл ва Эрик Бадулар ижодида аниқ кузатилади. Нео соул услуби классик соулдан ташқари альтернатив (муқобил) хип-хоп (Лорен Хилл), жаз ва ҳатто мумтоз мусиқа унсурларини (Алиша Кизз) ўзига сингдирган.

Таъкидлаш жоизки, нео соул замонавий ритм-энд-блюз доирасида нисбатан кам тарқалган йўналиш бўлиб қолмоқда. Кўпроқ тижоратни кўзда тутган, Ашер ва Бейонс каби ижрочилар намойиш этаётган йўналиш 1990-йилларнинг хип-хоп-соул йўлида ривожланишни давом эттироқда.

Мавзуга оид саволлар:

1. Нео-соул қайси мусиқий услугуб анъаналарини давом эттириди?
2. Нео-соулнинг классик соулга нисбатан фарқли жиҳатларини кўрсатинг?
3. Ниам сабабдан услугуб “Нео-соул” деб номланди ?

Мустақил иш топшириклари:

Алиша Кизз ижро дастуридаги нео-соул қўшиқларни тингланг ва услугубий жиҳатларини аниқланг.

### **6-мавзу: Фанк ва Қуит сторм**

1960-йиллар охирига келиб ритм-энд-блюз доирасидан оғирлаштирилган рақссимон мусиқа – “фанк” йўналиши ажралиб чиқди. Ушбу услугуга мансуб илк аудиоёзувлар Жеймс Браунга тегишилидир. Аммо бу мусиқанинг кейинги ривожланиши Слай Стоун ва Жорж Клинтонлар номи билан узвий боғланган. Электрлаштирилган клуб фанкининг характерли намояндаларидан бири

Айзек Хейс бўлиб, у 1970-йилларнинг ўрталарида “диско” мусиқасига асос солди.

Шундай бўлса-да, 1970-йиллар мобайнида соулнинг ривожланиши давом этдики, у ҳам худди фанк сингари тобора қора танлилар мусиқаси бўлмай қолди. Элтон Жон ижодида ва Дэвид Боуининг айрим ёзувларида ритм-энд-блюз ва рок мусиқа ўртасидаги чегаралар ювилиб кетди. АҚШда оқ танлилар томонидан ижро этилган ритм-энд-блюз ҳазил тариқасида “кўк кўз соул” деб аталади.

Ритм-энд-блюздаги бирмунча классик йўналишни Эл Грин, Ли Роулз, Дион Уорвик, Роберт Флэк ва Натали Коул каби истеъодли хонандалар намойиш қилганлар. Бу пайтда “Мотаун” лейблиниг асосий юлдузлари – Стиви Уандер ва Марвин Гейлар аҳамиятга молик ижодий мустақилликка эришиб, 1970-йиллар ўрталарида ўзларининг бир қатор экспериментал альбомларини чиқардиларки, улар ритм-энд-блюз тарихида замонавий даврни очиб, ўша давргача мавжуд бўлган барча бадиий ва цензура тақиқлари ҳамда шартларини йўққа чиқардилар.

1980-йилларнинг биринчи ярмида бошланиб, 1990-йиллар ўрталарида тугалланган Америка поп мусиқасининг асосий йўналиши (мейнстрими) “куит сторм” радиоформатларнинг энг кенг спектрига мўлжалланган бўлиб, енгил ритм-энд-блюзнинг тижорий туридир. Йўналишнинг номланиши Смоуки Робинсоннинг 1975-йилда чиқарилган альбомига бориб тақалади. Унинг “Куит сторм” пластинкаси ўтган йилларнинг энг муҳим ютуқлари ўзига сингдирган – бу Эл Гриннинг бўшашган, вазмин суръати ва майнин, силлиқ вокал пассажлари, Марвин Гейнинг умумий романтик кайфияти ва чолғулаштиришнинг филадельфийча соул техника мактабига хослиқdir.

Юқорида номлари қайд этилган Лайонела Ричи ва Уитни Хьюстонлардан сўнг 1990-йилларда “куит сторм” анъаналарини Марайя Кэри, Тони Брекстон, Лютер Вандросс, шунингдек, ўша йилларда ўта оммалашган продюсер Бэбифейс билан ишлашни маъқул кўрган, у қадар машхур бўлмаган хонандалар давом эттиридилар. 1960-йилларнинг ду-вуп

командалари анъаналарини мерос қилиб олган “Бойз ту мен” каби ритм-энд-блюз вокал гурухлари ҳайратланарли машҳурликка эришдилар. 1996-йилда “куит сторм” инқироз кўчасига кириб қолади ва ўз машҳурлигини ритм-энд-блюзда шиддат билан ривожланиб келаётган, урфга кирган хип-хоп унсурларини ўзига сингдирган бошқа йўналишларга бой беради. Бундай услублар қаторига биринчи навбатда хип-хоп-соул ва нео-соул киради.

Мавзуга оид саволлар:

1.     Фанк қайси мусиқа ривожланиши натижасида пайдо бўлди?
2.     Куит стормнинг услугбий жиҳатлари нимадан иборат?
3.     Фанква куит сторм мусиқалари қайси хонандалар ижодида намоён бўлди?

Мустақил иш топшириклари:

М.Жексон, С.Уондер, Э.Жон, У.Хьюстон, М.Керай ижросидаги кўшиқларни тингланг ва услугбий жиҳатларини аниқланг.

### **7-мавзу: Замонавий ритм-н-блюз (R&B)**

Дастлаб хип-хоп деб, XX асрнинг тахминан 60-йиллар охири ва 70-йилларида Нью-Йоркнинг Бруклин ва Бронкс каби камбағаллар туманларида яшовчи ўсмиirlар қилган ҳатти-харакатларга айтилган. Бу туманларда кўплаб ўсмиirlар гурухлари мавжуд бўлиб, уларнинг хар бири ўзининг муайян худуди, чегарасига эга эдики, булар гурухларнинг маълум расмлар ва рамзлари билан белгиланган. Бу белгилар чиройлироқ, эътиборни жалб этадиган кўринишда бўлишига интилишган (“граффити” шу тарзда юзага келган). Ўсмиirlар маҳаллий клубларда ва рақс майдончаларида қўнгил ёзишган. У ерда ўша даврда урф бўлган мусиқа, яъни соул ва фанк янграган. Бу ритмлар остида брейкданс каби энг қизиқарли рақслар юзага келган. Ўша пайтларда мусиқа пластинкалардан тингланар эди, пластинка қўювчини эса Диск Жокей (DJ) деб атар эдилар. Бронкслик ДиЖейлар томонидан

плстинкаларни иккита проигрывателдан эшиттириш техникаси ўйлаб топилди, бу эса бир күйнинг устига бошқасини жойлаштириш имконини берди. Мазкур услуг етакчилари ўша ритмларга халқни ўйнатишар, ва йўл-йўлакай қувноқ қофиялар ўйлаб топишар эди (улар кейинчалик ўзларининг қофияланган асарларини ўқиб бера бошладилар). 1970-йиллар охири - 80-йиллар бошларига мансуб рэп-ижро чиларининг дастлабки расмий ёзувлари соул, фанк ва диско мусиқаларига, яъни ритм-энд-блуз давомчилари бўлган услубларига жо этилган. Шундай қилиб, хип-хоп аввалданоқ ритм-энд-блуз билан боғланган бўлса-да, аммо ритм-энд-блуз маданиятига тўғридан-тўғри алоқадор эмас.

Ритм-энд-блюзning хип-хоп билан ўзаро таъсирининг иккинчи босқичи – бу “хип-хоп-соул” даври (1993-1998) – у икки мусиқий йўналишнинг ўзаро зичроқ яқинлашувини белгилаб берди. Ритм-энд-блуз хип-хопдан унинг бетакрор ритмик чизмасини ўзлаштиради, ва композицияларининг бир турлилиги камайиб, улар бирмунча шаддатли тус олади. Ушбу давр ёзувларининг фарқли қирраси – тана сезгирилиги ва ҳатто цинизмнинг умумий муҳитидир. Кўплаб ижро чиларнинг очиқ матнлари мазкур йўналиш аудиториясининг улгайганидан далолат беради: нью-жек-свингдан фарқли ўлароқ, бу нафақат мактаб ёшидаги ўсмирлар, балки ёшларнинг турли қатламлари эди. Бу даврнинг асосий ижро чилари – “хип-хоп-соул” қироличаси Мэри Жей Блайж, унинг “қироли” Ар Келли ва “Ти Эл Си” каби аёллар триоси бўлди.

Мавзуга оид саволлар:

1. R&B қайси мусиқий услубнинг янгича қўриниши?
2. R&B классик услубидан нима билан фарқ қиласди?
3. R&B мусиқаси қайси хонандалар ижодида намоён бўлди?

Мустақил иш топшириклари:

К.Агилера ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услубий жиҳатларини аниқланг.

## 8-мавзу: Диско

“Диско” – бу французча “дискотека” сўзининг қисқартирилган кўринишидир. Буни “дисклар сақланадиган жой” деб таржима қилиш мумкин. Қолаверса, пластинкаларга муҳрланган мусиқа янграйдиган тунги муассасаларни ҳам шундай атаганлар (“жонли” мусиқа янграйдиган одатий клублардан фарқли ўлароқ). Кейинчалик дақиқасига 100-120та зарб уриладиган ритмли мусиқий услугни ҳам “диско”, деб атай бошладилар. Дисконинг яна бир муҳим унсури – бу рангининг ёрқинлиги билан кўзни қамаштирадиган ялтироқ либослар, турли хил ранг-баранг лампалар, кўзгули шарлар, неонли портлагичлар, кенг ёқалар, баланд соч турмаклари – умуман барча нарсаларда таъкидланган ёрқинликдир.

Дискотеканинг аждоди деб, 20-30тacha пластинка билан қуролланган граммафон-автомат – жук-боксни айтиш мумкин, бу автоматнинг тирқишига кичик танга ташланиб, сўнгра мусиқа тингланган. 1930-40 йиллар мобайнида бундай автоматлар бутун Америка бўйлаб, асосан ёшлар борадиган арzon бар ва кафеларга ўрнатилган (Иккинчи Жаҳон урушидан кейин эса у ғарбий европа давлатларида ҳам ўрнатилади). Бундай автоматлар ўз аудиторияси, ўз репертуари ва ҳатто ўз юлдузларига эга эди; айнан жук-бокслар ритм-энд-блюз, кейинчалик эса соул мусиқаларининг бош тарғиботчи канали бўлиб қолди.

Овоз ёзиш техникасининг ривожланиши граммофон саноатининг ҳайратланарли даражада қўтарилишини таъминлаб берди: узоқ янгровчи дисклар, кўчма проигрывателлар чиқарилиб, мусиқий ёзувлар катта муваффақият билан қўлланила бошланди. Махсус мусиқий радиостанциялар пайдо бўлди, уларнинг асосий вазифаси – янги қўшиқлар ва ижро чиларни мусиқа бозорида реклама қилиш, тарғиб этиш эди. Рок-н-ролл кириб келиши

били радиоаудитория грампластиналар сотилиши учун жуда кенг бозорни ҳосил қилган миллионлаб тинэйжерлар ҳисобига кескин даражада кенгайди.

Граммафон саноатнинг учта кити – “Ар-Си-Эй – Виктор”, “Коламбия”, “Уорнер Бразерс” – оммавий мусиқа ёзувлари муҳрланган пластинкаларни чиқариш ва тарқатиш борасида монополия ўрнатдилар; улар эфирни назорат қиласар, концерт гастроллари ташкил этар, ҳамда фэн-клублар, нуфузли журнал ва танқидларни қўллаб-қувватлар эдилар.

Замонавий тушунчадаги илк дискотекалар Нью-Йоркда пайдо бўлиб, уларда кўпинча қаттиқ ритмик асосли соул ва фанк ёзувлари янгарар эди. Дисконинг асосий фарқли томони бу – кўпинча бочка зарблари билан таъкидланган бир маромли ритм. Дақиқасига 120та зарб частотаси билан урилган суръат “Классик” деб тан олинган (бу инсоннинг меёргаги пульсидан деярли икки баробар кўп дегани). Муттасил бас чизиги ҳам ўзига хос бўлиб, куйни сайқаллашда (аранжировкада) эса торли ва дамли чолғулар солосидан фойдаланилади. Қўшиқлар структураси (бас, куй йўллари, тоналлик ва ҳ.книнг алмашинуви сабаб) кўпинча бир нечта блоклардан иборат бўлади, бу эса узун композицияларни тинглаётган тингловчини зерикишига йўл қўймайди.

Бирмунча омадли асалар радиостанциялар орқали эшиттирилар, бу эса пластинкалар сотувининг ортишига сабаб бўлар эди. Овоз ёзиш компаниялари ва продюссерлар дискотекалар учун маҳсус яратилган мусиқаларнинг ёзилишига аҳамият бера бошладилар, ва тез орада диско мусиқаси клублар деворларидан ташқарига чиқиб, бутун омманинг эътирофига сазовор бўлди.

1970-йилларнинг иккинчи ярмида ғарб оламига ўтмишда бир неча бор юз берганидек навбатдаги рақс эпидемияси ёпирилди, фақат энди қизиқ бир жиҳати билан. Шу пайтгача жамоат рақс залларининг аксарияти (зодагонларнинг бал кечалари ва пойтахтлардаги дансингларни гапирмаса ҳам бўлади) камтарона бўлса ҳам ихчам жонли оркестр ёки кичик ансамблни таклиф этишга интилишар, жонли ижрочини чақиришнинг умуман имкони

бўлмагандагина патефон, радиола ёки жук-бокс қўйишга мажбур бўлишар эди. Эндиликда бу одат унга қарама-қарши бўлган олий даражадаги шароитга алмаштирилди: яъни маҳсус жиҳозланган дискотекаларда товуш садолантирувчи аппаратура оператори ва бал ташкилотчиси ролидаги диск-жокей томонидан ёзилган мусиқага ракс тушиш кўнгил очишнинг энг юқори чўққиси ҳисобланди.

Диско-альбомлар вақт жиҳатдан у қадар узун эмасди, аммо уларга ёзилган мусиқалар бирмунча узоқ – ўртacha 5-6 дақиқа давом этадиган бўлди; бир пайтнинг ўзида қўшиқларнинг узун версиясини ўзида жамлаган, дижейларга мўлжалланган маҳсус 12 дюймли сингллар ҳам чиқарила бошланди. Пластинкаларнинг кенг ассортиментига эга бўлган DJ ҳар сафар ўзининг шахсий “микс”ини (турли мусиқаларни ўзаро қоришириш) яратади, бунда у йифилган тингловчиларнинг диди, ва ҳатто кайфиятини ҳам назардан четда қолдирмайди.

Диско – катта шаҳар мусиқаси, унинг бешиги эса – юз минглаб доллар қийматига эга, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган улкан студиялардир. Дискомутика ўзининг биринчи қадамларини бирмунча дабдабали дискотекаларда қўя бошлайди, у бу ерда ё ҳайқирикли шухрат қозонади ёки инқизозга юз тутади; фақат пойтахтдаги муваффақиятидан сўнггина у яшин тезлигига қишлоқларга ҳам тарқалади. Бошқача қилиб айтганда бу, мусиқа саноатининг техник ва молиявий ташкилотига эга, ўз касбининг усталари – композитор ва шоирлар билан ҳамкорлик қилувчи продюссерлар ва менежерлар томонидан бошқариладиган юксак марказлашган тармоғидир.

Мусиқа маҳсулотидан тобора кўпроқ янгилик ва жарангнинг оригиналлиги талаб қилинар эди, бунга ижрочиларнинг жонли ижроси орқалигина эмас, балки кўп каналли магнитофоннинг микшерлик пульти олдида олиб борилган машаққатли меҳнат эвазига эришилади. Яхши миксер – баъзан гуруҳ етакчиси ёки мусиқачилардан бири, аммо кўпинча тажрибали овоз режиссёри ёхуд продюссер бўлади – улар чиқарилган альбомнинг

композитори ёки ижрочисидан кўра кўпроқ ҳуқуқга эга шахслардир. Овоз режиссёри-продюссер кўп ҳолатларда бош ташаббусчи, лойихачи-дизайнер ва бутун бадиий ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилотчиси саналади, бу худди кино яратиш жараёнига ўхшайди: бўлажак фильм учун ғоя ёки мавзу ўйлаб топади, унинг композицион структурасини белгилайди, тўғри келадиган куй ва сўз матни яратувчиларини излайди, керакли чолғучи ва хонандаларни таклиф этади, ва албатта якунловчи миксни амалга оширади.

Диско-музиқа тарихида студия мусиқачилари томонидан ёзилган муваффақиятли мусиқий номер ёзиб тутатилгач, тезлик билан унинг ижроси учун “Бони М”, “Виллах Пипл” каби гурухлар танланар эди, бу аснода ижрочиларга алоҳида талаблар қўйила бошлади – яъни, ғайриоддий ташқи кўриниш, рақсга туша билиш ва эфектли шоу яратা олиш – буларнинг барчаси дискоклублардаги чиқишлиар учун зарур эди.

Студияларда ёзилган қўшиқлар жонли ижросининг диско-клуб шароитларидағи техник мураккаблиги шунга сабаб бўлдики, артистлар ё минус-фонограмма орқали, ёки тўлиқ фонограмма билан ўз чиқишлиарини амалга ошира бошладилар, бу ҳолат дискотекага ташриф буюрувчиларни у қадар ҳавотирга солмади.

Янги ғоялар тақчиллиги сабаб Диско ўз позициясини тобора бошқа йўналишларга бой бера бошлади. “Нью Вев” (янги тўлқин) ҳаракати дискони сиқиб чиқаради ва 1980-йиллар мусиқасининг асосий йўналиши бўлиб қолади. “Янги тўлқин” босими ҳар икки ярим шардаги энг оммавий жанр сифатида яқин йилларда диско ўрнини эгаллайди.

1982-йил диско замонавий мусиқий йўналиш сифатида аввалгидек оммавий бўлган охирги йилдир. Майкл Жексоннинг иккинчи альбоми “Триллер” барча замонлар ичра энг кўп сотилган альбом бўлиб қолди. “Билли Жим” қўшиғини эса диско қўшиқлар орасидаги энг оммалашган асар сифатида кўриш мумкин.

Майкл Жексон, Си Си Кетч, Мадонна, “Модерн Токинг” гурухи, Кайли Миноунг (нео-диско) ва б. диско юлдузлари дейиш мумкин.

Мавзуга оид саволлар:

1. “Диско” атамаси қаердан пайдо бўлган?
2. Дисконинг услугбий жиҳатлари нимадан иборат?
3. Диско услубининг оммалашувида “Бони М” ва “АББА” гурухларининг аҳаммияти қандай?

Мустақил иш топшириқлари:

“Бони М” ва “АББА” гурухлари ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услугбий жиҳатларини аниқланг.

### **9-мавзу: Техно**

Техно – бу 1980-йиллар ўрталарида Детройт шаҳри ва унинг атрофида юзага келган, ва кейинчалик европалик продюсерлар томонидан ўзлаштирилган электрон мусиқа услубидир. У товушининг сунъийлиги, механик ритмларга ургуси, мусиқий асар структуравий унсурларининг кўп маротаба такрорланиши билан таърифланади.

“Техно – бу худди технологиядек янгровчи мусиқа”, - дейди услуб асосчиларидан бири Хуан Аткинс.

Технони “Белвилл учлиги” дея ном олган – “инициатор” Хуан Аткинс, “новатор” Деррик Мэй ва “двигатель” Кевин Сандерсон кашф этган деб ҳисобланади. 1980-йиллар ўрталарида Детройт Белвиллнинг ўрта қатламга мансуб қисмида яшовчи бу қоратанли уч оғайнилар, ўзлари айтганларидек, немис электроникасини ди-жей ва клубларга мослаштириб, бирмунча рақсбоп қилишга уринганлар. Умуман олганда техно синти-поп, электро ва хаус каби жанрлар уйғунлашуви натижасида юзага келган, дейиш мумкин.

Биринчи техно-трек 1985-йилдаёқ чиққан бўлишига қарамай, услубнинг ўзи узоқ вақт аниқ номланишга эга бўлмади. Авваллари бу мусиқани шунчаки ҳам хаус, ҳам янги диско, ва ҳатто хип-хоп деб атар эдилар. Ушбу жанр техно номига 1988-йилда, “Техно. Детройт учун янги рақсбоп саунд”

деб номланган детройтча рақсбоп мусиқадан Буюк Британия учун мўлжалланган компиляция ва бу компиляция реклама қилинган бир қатор журналлар мақолалари шарофати билан эга бўлди. Шуниси қизиқки, аввал бошданоқ бу компиляцияни “Детройт учун Хаус саунд” деб номлаш мўлжалланган эди. Бироқ хаус номига мос келадиган мусиқа Чикагода яратилар, ва бошқача янграп эди. Ўшанда техно сўзини амалиётга киритиш бошланган, гарчи айрим мусиқачилар томонидан аввалроқ ҳам ишлатилган бўлса-да, аммо услугуб қўпроқ хип-хопга ўхшаб кетар эди. Ушбу компиляция муваффақияти ўз ролини ўйнаб берди – “техно” номи остида “янги пайдо бўлган” услугуб эътибор қозонди.

Агар АҚШда техно-мусиқа фақат андеграунд воқелик бўлса, Буюк Британияда у 1980-йиллар охирида мамлакатнинг асосий мусиқий саҳнасига чиқа олди.

Мавзуга оид саволлар:

1. “Техно” атамаси нимани англатади?
2. Техно услугида қайси мусиқий чолғулар устиворлик қиласи?
3. Техно мусиқасининг асосчиси ким?

Мустақил иш топшириқлари:

Деррик Мэй ва Кевин Сандерсон ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услугубий жиҳатларини аниқланг.

### **10-мавзу: Реггей ва Даб**

Реггей бутун Ямайка мусиқасининг умумий номи бўлиб, илк бор 1968-йилда пайдо бўлган. Рокстеди ва Сканинг “вориси” бўлган реггей улардан сезиларли равишда фарқ қилиб, юмшоқ ва ширадор товушдан (рокстеди буни америкача ритм-энд-блюздан олган), ритм-секция биринчи планга чиқадиган бирмунча қаттиқ ритмикага ўтади.

Дастлаб реггей ритм-гитара ва клавиши баблинг орқали аниқ ҳиссаларни берувчи “уан-дроп” (бочка зарби) ва “римшот” (кичик барабаннинг белига уриш, у ҳар бир тактнинг учинчи ҳиссасига тўғри келади) ритмлари билан тавсифланар эди. Ҳозир эса реггейнинг барча ранг-баранг услублари ва турларига умумий таъриф бериш жуда мушкул (аникроғи бунинг умуман иложи йўқ).

Реггейни кўпинча Раствафи динига ўхшатишади, бу унчалик тўғри эмас. Шубҳасиз бу эътиқодлар айниқса 1970-йилларда қўплаб мусиқачилар ижодига сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳозирда ҳам реггей-қўшиқларнинг муайян қисми раствафиан мавзусини ўзида мужассам этган. Аммо реггейни диний мусиқа деб аташ тўғри эмас. Шунингдек, ёвузлик, зулм, гиёҳвандлик мавзулари, ижтимоий ва сиёсий мавзулар ва албатта ишқ-муҳаббат мавзуси ҳам оммабопдир.

Даб - 1970-йиллар бошларида Ямайкада юзага келган мусиқий жанр. Дастлаб мазкур услубдаги аудио ёзувларни вокалсиз (баъзида қисман) реггей қўшиқлари намоён этар эди. 1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб даб реггейнинг экспериментал ва психоделик тури сифатида мустақил воқеликка айланди. Дабнинг мусиқий-гоявий ишланмалари ремикслар технологияси ва маданиятининг пайдо бўлишига сабаб бўлди, шунингдек, “янги тўлқин” ҳамда хип-хоп, хаус, драм-энд-бэйс, трип-хоп, дабстеп каби услубларнинг ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир этди.

Дабнинг жарангидан ўзининг маҳобатли мустаҳкам бас чизиги, композициясининг кенг жарангидан мавжуд товушларидаги теран аксадосининг айниқса зарбли чолғулардаги мўллиги билан тавсифланади. Даб реггей услубидан ҳосил бўлган экан, унинг бас чизиги шу услугга хос бўлган канон бўйича тузилади.

Бу йўналиш ўз номланишини реггей қўшиқлари, уларнинг синглларга тескари бўлган ритм версияларига таянган чолғу мусиқасининг “такрори” бўлганлиги сабаб олган. 1970-йиллар ўрталарига келиб тўлақонли услугга айланган даб, овоз режиссёрлиги экспериментлари учун кенг йўл очиб

беради. Реггей қўшиқларини вокалсиз қайта ёзиш одати 1967-йилдан, диск-жокейлар рақс клублари ва турли ўтиришларда одамлар бу қўшиқларни ўзлари қуйлаётганларини кузатишгач, бошланди. 1969-йилга келиб эса, айрим диск-жокейлар ушбу чолғу версияларига бошқа сўзлар қўйиб айта бошладилар.

Биринчи ди-жейлардан У-Рой аудио ёзувга хонандалар билан бўладиган бадиҳавий (импровизацион) диалогларни киритганлиги учун машхур бўлиб кетди. У-Рой ишлаган аудиотизим овоз режиссёри Кинг Таббига тегишли эди. Кинг Табби У-Рой гапирадиган барча чолғу йўлакчаларини микширлар эди. Охир-оқибат Табби ушбу чолғу йўлакчаларига ремикслар қилиб, ритм-секция баландлигини ошириб, барча ёки деярли барча вокал партияларни олиб ташлаб (агар улар бор бўлса), реверберация ва акс-садо каби янгича эфектларни қўшган ҳолда, экспериментлар ўtkаза бошлади. Реггейнинг кўплаб муҳлислари буни мусиқанинг табиий мақсадига етишиш учун барча ортиқча нарсалардан халос бўлди, дея қабул қилдилар. “Б” томонидаги чолғу версияли сингллар кенг тарқалди, ва Кинг Таббининг ремикслари асл нусхаларидан ҳам муҳимроқ бўлиб қолди. 1974-йилдан эътиборан К.Табби ремиксларининг сезиларли таъсири остидаги, тўлиқ “даб”лардан ташкил топган альбомлар пайдо бўла бошлади. Дабнинг машхурлик чўққиси 1970-йиллар охирига тўғри келади, бу пайтда у Буюк Британия ва АҚШда ҳам машхур бўлиб кетади, айрим рок-музиқачилар ўз мусиқаларида даб унсурларини тўғридан-тўғри қўллай бошлайдилар.

Биринчи продюсерлардан сержило, нафис услугба эга Ли Перрини айтиш жоиз. 1976-йилга келиб даб Ямайкада машхурлик жиҳатидан фақат асл реггейга ютқазган, шунингдек, у Буюк Британияда ҳам машхур бўлиб кетди, бу ерда реггейнинг асл ижрочилари дабни муваффақиятли тарзда ўзлаштирган эдилар. 1980-йилларда Буюк Британияда даб Адриан Шервуддек экспериментчи шарофати билан долзарб йўналишларини давом эттиради. Бироқ, кейинчалик Принс Жемми ва Майки Дред каби янги истеъоддли ижрочиларнинг пайдо бўлганига қарамай, Ямайка мусиқасига

бўлган эътибор ди-жейларнинг сўз матнли бадиҳа (импровизация)лари томон қаратилди.

Дабнинг хотиржам мусиқаси нафақат реггей услуби кесимида ўз ифодасини топди, балки 1990-йилларда Буюк Британияда гуллаб-яшнаган драм-энд-бэйс ҳам дабда қўлланиладиган продюсерлик ва микширлаш техникасидан кўплаб жиҳатларни ўзлаштириди.

1985-йилда Ямайкада рақамли эра бошланиши билан кўплаб даб продюсерлари электрон жаранг билан экспериментлар қилишни бошлайдилар, 1990-йилларга келиб эса Буюк Британияда даб мусиқасининг янги тўлқини бошланади. Бу вақтда кўплаб поп-гурухлар даб унсурларини ўзлаштирган эдилар, бевосита даб таъсири бўлган эмбиент-хаус, даб-техно, трип-хоп каби мусиқа услублари пайдо бўлади. Ўз навбатида даб мусиқачилари ўз мусиқаларида замонавий электрон мусиқа унсурларини фаол қўллайдилар.

Мавзуга оид саволлар:

1. Реггей мусиқаси қайчон ва қаерда пайдо бўлди?
2. Реггей ва Даб услублари нима билан фарқ қиласди?
3. Реггей мусиқаси қайси диний оқим билан боғлиқ?

Мустақил иш топшириқлари:

Боб Марли ижросидаги қўшиқларни тингланг ва реггейга ҳос бўлган услугбий жиҳатларни аниқланг.

### **11-мавзу: Хип-хоп ва РЭП**

Хип-хоп 1970-йилларнинг иккинчи ярмида Нью-Йорк туманида бронкслик қоратанлилар орасида юзага келган. Ўша вақтларда бу ўта жўн техника билан ишлайдиган диск-жокейлар томонидан кечалар учун яратилган мусиқа эди: у кўпинча мусиқий лавҳанинг кўп маротаба такрорланиши ва бегона рақсбоп композицияга асосланар эди. Таъкидлаш

жоизки, ижронинг бундай услуби даб техникаси сабаб Ямайкада 1960-70 йиллардаёқ ишлаб чиқилган эди.

Бундай кечаларда мусиқанинг оммалашуви шунга олиб келди, маҳаллий ди-жейлар чиқишилар дастури ёзилган кассеталарни сота бошладилар. Уларда диско ва фанк услубидаги композициялардан олинган ритмлар ва бас партиялари ёзилган бўлиб, улар устидан рэп ўқилар, буларнинг барчаси дид билан микширланган эди. Бу мутлақо ҳаваскорлик иши бўлиб, бу даврда (1977-78 йй.) рэпнинг ҳеч қандай студиялари ва маҳсус пластинкалари ҳали мавжуд эмас эди.

2004 йилда “Грэмми” мукофоти тарихда илк бор “энг яхши альбом” номинациясини таъсис этди ва у “Оут Каст” дуэти рэп-ижроҷиларига берилди. Замонавий хип-хопда ҳам оммавий мусиқанинг бошқа йирик услубларидаги каби бутун саноат тақдири продюсерларга боғлиқ бўлиб, улар бунда катта роль ўйнар эдилар.

Хип-хоп замонавий афро-америкача маданият идеологиясига бирмунча тўлиқ ва ўзига хос тарзда сингиб кетган биринчи мусиқага айланди. Бу идеология америкача оқ, инглиз-саксония маданияти антагонизмига қурилган эди. Ўтган ўн йил давомида оқ ахолининг анъанавий модасидан тубдан фарқ қилувчи ўз модаси, ўз лаҗжаси ва талаффуз усули, рақсбоп услублари, ўз график санъати – “граффити” (аэрозол балончалар ёки бўёқли маҳсус маркерлар билан деворларга чизилган тасвирлар ва ёзувлар) шаклланди. Рэпперларнинг ўzlари орасида зеб-зийнатлар кенг тарқалган (занжирлар, медальонлар ва ҳ.к.).

Рэп - хип-хопнинг тўрт унсуридан бири; бу одатда оғир битли мусиқа садолари остида ўқиладиган речитатив. Ҳозирги вақтда мусиқа қандайдир чекловларсиз қўлланилади, қўплаб ижроҷилар ўша drum and bassга ўхшаган янгиликлар яратиб кўрмоқдалар.

“Рэп” инглизча енгил таққиллаш, зарб (рэпнинг ритмлилигига ишора) сўзидан келиб чиқсан. “Рэп” “лиққиллаш”ни англатади. Аммо рэп сўзи

аббревиатура (ритмли африкача шеърият, ритм ва шеърият)дан келиб чиқкан, деган фикир ҳам йўқ эмас.

Рэп илк бор 1970-йилларнинг ўрталарида Нью-Йорк Бронкс туманида афроамерикаликлар ўртасида пайдо бўлган, уни бу ерга ямайкалик муҳожир ди-жейлар “олиб келишган”. Дастреб рэп тижорат мақсадларида ижро этилмаган; у фақат кўнгил очиш учун, ди-жейлар томонидан ўқилган. Бу аудиторияга мурожаат этувчи енгил мазмундаги қофияли банд (куплет)лар эди. 1990-йилларда рэп ўзининг машҳурлик чўққисига эришди. Шунингдек, у R’n’B мусиқасига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Мавзуга оид саволлар:

1. Хип-хоп субмаданятигининг ташкилий қисмлари нимадан иборат?
2. Хип-хоп ва рэп нима билан фарқ қиласи?
3. Хип-хопнинг қандай турлари мавжуд?

Мустақил иш топшириқлари:

Эменем ижросидаги хип-хоп қўшиқларни тингланг ва услугубий жиҳатларни аниқланг.

### **III-боб мавзулари бўйича фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Абидова Л. История джаза и современных музыкальных стилей: (краткие очерки) Уч. пособие. Ташкент.- изд. «Укитувчи»- 2007.
2. Вопросы музыкального исполнительства и педагогики IV Сб. статей. Ташкент, 2003.
3. Дейфид Р., Крэмптон Л. Rock & Pop энциклопедия. Рок-и поп-музыка год за годом/ изд.: Дорлинг Киндерсли, Москва.- изд. «РОСМЭН», 2004.
4. Клитин С.С. Эстрада: Проблемы, теории, истории и мето-дики: Уч. пособие.- Л.: изд. «Искусство», 1987.
5. Королев О.К. Краткий энциклопедический словарь джаза, рок- и поп-музыки: термины и понятия/ изд. «Музыка».- Москва, 2006, 167с.
6. Троицкий А. Поп-лексикон.- Москва.- изд. «Созвучие», 1990.
7. Ўзбекистон санъати: Тарих ва замонавийлик. Ёш олимлар-нинг илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент «Янги аср авлоди», 2003.

Интернет сайты:

<http://setevoy.net>

<https://www.e-reading.club>

<https://ancifer-777>

## **IV-ҚИСМ**

### **Миллий ва минтақавий хусусиятлардан фойдаланувчи поп-музиқа.**

#### **1-мавзу: Араб поп-музиқаси.**

Жаҳон поп-саноатининг ифодаси ва давоми бўлган минтақавий поп-музиқа ҳам ўша умумий қонуниятлар ҳамда тенденцияларга бўйсунади. Бундай поп-музиқанинг фарқли томони шундаки, у мусиқа маданиятининг миллий ва минтақавий хусусиятларини фаоллик билан қўллади. Бу эса ўз тингловчилар аудиториясига эга бўлган бирор машхур услугга алоҳида колорит бахш этишда ёрдам беради. Шу аснода у ўзининг услугуб доирасидан ҳам четга чиқмайди.

Минтақавий поп-музиқа таркибига хусусан, россиялик, кенгрок қамровда олинса русийзабон, шунингдек, турқ, эрон, араб ва бошқа поп-ижрочиларни киритиш мумкин.

Ушбу бўлимда асосан бизнинг мамлакатимизда кенг тарқалган поп-музиқа қўриб чиқилади.

Араб мусиқасининг аксарият қисми Миср пойтахти Қоҳирада яратилади. Арабча оммабоп мусиқанинг ривожланиши араб киносаноати билан боғлиқки, унинг маркази ҳам Қоҳирадир. Услубий жанр ғарб олами учун анъанавий саналган поп-ритмларга асосланади: улар араб анъанавий мусиқаси минтақавий турларининг унсурлари билан уйғунлашган. Кўплаб қўшиқлар ҳаёлчан, минорли тонларда яратилган, бироқ сўнгти йилларда араб шоу-бизнесининг ривожланиш имкониятларига қараб, анчагина “енгил” қўшиқлар ҳам пайдо бўлди. Эстрадада кўпроқ аёллар устунлик қилмоқдалар, гарчи эркак ижрочилар бўлса-да.

1920-1950-йилларда “оммабоп” мусиқа анъанавий араб мусиқий саҳнасидан ажралиб чиқа бошлади: ижрочи аёллар мисрлик афсона Умм Гулсум каби мусиқий карьера улар учун иложи бор нарса эканлигини кўрсатиб бердилар. Ўша вақтларда шеърларни кўпинча аёл хонандаларнинг ўzlари ёзар эдилар, мусиқа эса бошқа муаллифлар томонидан яратилган. Услубан арабча бундай қўшиқларнинг давомийлиги ўн дақиқадан зиёдроқ

бўлган (Умм Гулсумнинг айрим қўшиқлари бир соатдан ортиқ вақт давомида янграган), бадиҳа (импровизация)дан фойдаланилган, бу эса ўша даврларнинг “оммабоп” саҳнасини жаз ёки опера сингари ғарбий маданиятга ўхшатиб юборган. Радиода трансляциялар берилиб, шаҳарлар бўйлаб гастроль сафарлари уюштирилган.

1950- 1970-йилларда оммабоп жанр анъанавийсидан янада узоклашади, ғарб таъсири ошиб, қўшиқлар қисқароқ кўриниш олади (10 дақиқадан камроқ). Далида ва Файруз каби аёл хонандалар жаҳон миқёсида машҳурликка эришадилар. 1970-йилларда араб оммавий маданиятига ғарбча ва марокашча поп-маданият ўз таъсирини ўтказа бошлайди.

Далида ва у каби мусиқачилар “диско” жанрида куйлай бошладилар, ва бу ёзувлар араб оламида муваффақият қозонди. 1980- ва 1990-йиллар мобайнида ғарбча поп-музиқа таъсирининг ошиши давом этади, Навал ал-Зоғби каби ижрочилар пайдо бўлади, Офра Хаза ва Наташа Атлас эса араб мусиқасини ғарб оламида оммалаштирадилар. 1990-йиллар охирига келиб араб “поп-маликалар“и деган тушунча пайдо бўлади. XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида улар араб эстрадасида кўпчиликни ташкил этиб, турли хил очик пассажлари (анъанавий араб маданиятига нисбатан), баъзан эса тўполнонлари билан шуҳрат қозонадилар.

Одатда араб эстрадасининг замонавий оламида бирор бир продюсер мўлжалдаги ижрочининг шахсий сифатларидан қатъий назар қўшиқни тўлиқ ўзи яратади – мусиқасини ҳам, сўзини ҳам. Аксарият мусиқалар студияларда ёзилади. Аммо машҳурликка эга бўлган бир нечта “жонли” ёзувлар бор, масалан Умм Гулсум ва Асалах Насрийларнинг концертлари.

Замонавий ижрочилар одатда мусиқий каналлар орқали бериладиган видеоклиплари сабаб машҳурликка эришадилар. Клиплар қўп жихатдан ғарбчага ўхшайди, кўпинча ифодали етакчи мавзу мавжуд бўлиб, у ўртacha 5 дақиқа давом этади (ғарбга хос З дақиқадан фарқли ўлароқ), ва аксарият ҳолларда титрлар билан якунланади. 40га яқин араб мусиқий каналлари мавжуд. Улар рекламани, шунингдек жаҳон брендларини фаоллик билан

намойиш этадилар. Араб оламида жуда машхур бўлган хонанда аёллар Нэнси Ажрам “Кока-кола”ни, Хайфа Вехби эса “Пепси”ни реклама қиласидилар. Шунингдек, уларнинг номи билан косметика маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Ижрочилар менежерлари ёки агентлари, шахсий пиар-хизматлар бу ерда камдан-кам учрайди. Рекорд-лейблар ва мусиқий телеканаллар фаолияти ҳам худди ижрочилар ва улар продюсерларининг карьераси сингари йирик тижоратчилар томонидан назорат қилинади. Энг йирик араб мусиқий медиакомпанияси “Ротана” бўлиб, унинг таркибига бта телеканал ва ўнлаб мусиқачилар билан шартнома тузган рекорд-лейбл киради. Уни шаҳзода Ал-Валид бошқаради.

Поп-ижрочи бўлишни истаганлар демо ёздиришлари ва уни телеканалларга юборишлари мумкин: агар материал маъқул бўлса, уларни таклиф этишади. Мусиқий сахнага шунингдек, мусиқий арбобнинг қариндоши бўлиб, ёки шоу-бизнеснинг бошқа соҳасидан келиб ҳам чиқиши мумкин (масалан, Хайфа Вехби дастлаб “Мисс Ливан” танловида ғолиб чиқкан ва машхурликка эришган).

Мусиқа асосан компакт-диск ва кассеталарга ёзилган альбомлар кўринишида чиқарилади. Баъзан сингллар ҳам чиқарилади. Бундай мусиқа ислом қонунлари билан таъқиқланган ортодоксал мамлакатларда (масалан, Эронда) асосан қароқчилар кассеталари истеъмолда бўлади.

Концертлар одатда рекорд-лейблар томонидан ташкил этилади. Бу концерт майдончалари ёхуд оммавий тадбирлардаги оддий чиқишлиар бўлиши мумкин, шунингдек, тўй ва хусусий кечалардаги чиқишлиар ҳам кенг тарқалган, зоро бу билан турли даражадаги машхурликка эга бўлган мусиқачилар шуғулланадилар.

Турли ижрочиларда турли хил жаранг бўлиши мумкин: қоидага кўра барча вазиятларда анъанавий араб мусиқаси унсурлари у ёки бу даражада ғарбча куйлар билан, электрон техника ёрдамида микширанади, аммо “соф

гарбча” характердаги намуналар ҳам учрайди. Охирги йилларда хип-хоп унсурларини ҳам учратиш мумкин.

Қўшиқлар мавзуси асосан ишқий-лирик мазмунда бўлиб, шу сабабдан қўшиқларда “севгилим” (“хабиби”) ёки қалбим (“қалби”) каби сўзлар тез-тез учраб туради. Сиёсий мазмундаги қўшиқлар ҳам мавжуд бўлиб, Форс кўрфазидаги урушга ўхшаш воқеликлар юз берганда бундай қўшиқлар сони ортади.

Араб поп-музиқасининг асосий тингловчилар аудиторияси ёшлар бўлсада, аммо катта авлод вакиллари орасида ҳам мухлислар учраб туради. Ўз мухлислари орасида болалар кўпчиликни ташкил этишини билган Нэнси Ажрам 2007 йилда улар учун маҳсус қўшиқлар альбомини чиқаради, унда болалар вокалидан фойдаланилган. Бошқа айрим ижроциилар видеоклипларида ҳам болалар ўйнаб, қўшиқ куйладилар.

Баъзан араб қўшиқлари европача ротацияга тушиб қолади, буни айниқса Францияда кузатиш мумкин (масалан, жазоирлик Холид билан бўлган вазият). Аммо уларнинг оммалашуви тил муаммоси сабаб қийинлашади. Айрим ижроциилар ўз қўшиқларининг инглиз, француз ва испан тилидаги версияларини чиқарадилар, бу қўшиқларнинг асл нусхаси турлича араб диалектларида ёзилгандир.

Мавзуга оид саволлар:

1. Қандай минтақавий поп мусиқаларни биласиз?
2. Араб поп мусиқасининг жаҳон мусиқа маданиятидаги ўрни нимадан иборат?
3. Араб поп мусиқаси ижроцииларидан кимларни биласиз?

Мустақил иш топшириқлари:

Холид Сахра ижросидаги қўшиқларни тингланг ва миллий услугий жиҳатларни аниqlанг.

## **2-мавзу: Хиндча, туркча, эронча поп-музыка**

Туркия, Эрон, Арабистон, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари поп-музыкаси тахминан бир хил қонунлар асосида юзага келган ва ривожланган.

Ушбу мамлакатлар поп-музыкасининг энг катта фарқли томони, унга диний тизимлар томонидан таъқиқлар қўйилганлиги бўлса керак. Улардан бирмунча “эркин”и ва фарқлиси ҳиндча поп-музықадир. Жаҳонда иккинчи киносаноат эгаси бўлган бу мамлакат поп-музыкаси киномузиқа талабларига бўсунар эди. Ҳинд киноси унга ўхшаш бошқа маҳсулотлардан сезиларли равишда фарқланади. Ҳинд кинофильмлари – бу энг мусиқавий фильмлар бўлиб, уларнинг сюжети албатта, картинанинг мусиқий безаги билан ҳиссий жиҳатдан боғлангандир. Дастрлабки босқичда саундтрек ижрочилари кадр ортида қолар эдилар. Бу ижрочиларнинг аксариятини томошабинлар факат овозларидан танир эдилар. Экранда эса кино артистлар намоён бўлиб, фонограмма остида куйлар, уларнинг баъзилари мусиқий ибораларни ҳатто ўхшатиб такрорлай олмас эди.

Вақт ўтиши билан кино артистларга бўлган талаблар ўзгарди: бу актёрлик маҳорати, хореографик қобилият, яхши вокал мактаби кабилар эди. Бу вақт мобайнида мусиқий шоу саноати ҳам ривожланади. Оммабоп мусиқа поп-музыка соҳасига мурожаат этиб, экспериментлар ўтказади ва ғарбча тажрибаларни қабул қилиб, аста-секин анъанавий мусиқа қонунларидан воз кечади. Ҳинд поп ижрочилари ғарб майдонларини ҳам эгаллайдилар. Бағоят бой ва ранг-баранг мусиқий мерос бутун дунё мусиқачилари эътиборини тобора ўзига жалб этади.

Ҳиндистоннинг анъанавий мусиқасига академик мактаблар композиторлари ҳам, рок мусиқачилар ҳам, поп-музықани ишлаб чиқарувчилар ҳам бирдек мурожаат этадилар. Бу борада ҳатто ғарбча ва ҳиндча поп-музықанинг ўзаро таъсирини кузатиш мумкин. Ғарблик мусиқачилар ҳиндча усулларга ҳам, оҳангларга ҳам, ҳинд халқ чолғуларини кўллашга ҳам мурожаат этадилар. Бундай ўзаро алмашувлар жаҳон мусиқа

маданиятини бойитиши шубҳасиз. Ғарбча поп-музиқада ҳатто ҳинди-поп деган янги услуг юзага келди. Ҳинд мусиқачиларининг муваффақияти улар яратган мусиқанинг европалик ва америкалик чартлар<sup>5</sup> қўлига тушгани билан изоҳланади.

Туркча ва эронча поп-музиқанинг ривожланиш тамойиллари араб поп-музиқаси йўлини такрорлайди. Минтақавий поп-музиқанинг катта ютуғи – бу унинг халқ анъаналарига таянганлигидадир. Улар (арабча, туркча, эронча поп-музиқа)нинг ҳар бири ғарбча бир хиллик фонида ажралиб туради. Куй чизиги, нола-қочиримлар, ўзига хос вокал ижрочилиги ва чолғу мусиқаси бўёқлари мусиқий композициянинг бетакрорлигини ажратиб қўрсатади.

Шарқлик поп-музиқачилар Европа ва Америка хит-парадларида нуфузли ўринларни эгаллашлари энди янгилик эмас. Уларнинг сингллари ва альбомлари Европа ва Америка минтақаларида кўп нусхада чиқарилади ва сотилади. Бундай ижрочиларнинг қисқа рўйхати қуйидагича: Умм Гулсум, Далида, Файруз, Шерихон, Навал ал-Зоғби, Офра Хаза, Наташа Атлас, Холид Сахар (араб хонандалари), Иброҳим Тотли Сас, Таркан, Жандан Эртечин, Сезан Аксу, Сердар Ортач, Рэфет ал-Роман (турк хонандалари), Гугуш (эронлик) ва бошқалар.

Мавзуга оид саволлар:

1. Шарқ мамлакатлари поп мусиқаси Ғарб мамлакатлари поп мусиқасидан фарқли жиҳантларини аниқлаб беринг?
2. Шарқ мамалакатлари поп ижрочиларидан бизнинг юртимизда энг таниқлilари ким?
3. Шарқ мамалакатлари поп ижрочиларининг Ғарб мусиқа маданиятига таъсири борми?

Мустақил иш топшириклари:

---

<sup>5</sup> 19 асрнинг 30-50 йилларида инглиз ишчиларининг ilk инқилобий харакати

Турк, Эрон, Хинд ва бошқа Шарқ халқлари поп мусиқа намуналарини тингланг ва миллий ўзига ҳосликни аниқланг.

### **3-мавзу: Россия поп-музиқаси**

Россия поп-музиқаси деганда Россия, МДХ, Болтибўйи давлатлари, қолаверса, узоқ хорижий мамлакатларда истиқомат қилиб рус тилида куйловчиларнинг оммабоп мусиқий маҳсулотидан иборат русийзабон эстрадасининг терма номи тушунилади. Россия ва унинг тарихи билан яхши таниш бўлмаган узоқ хорижлик муҳожирлар собиқ иттифоқча, россияча, русча ва русийзабон поп-музиқа ўртасидаги фарқларни, гарчи улар ўзаро ўхшашибўланса-да, ажратта олмайдилар. Оммабоп мусиқий русийзабон санъатнинг муҳим таркибий қисми – бу реклама, интернетдаги кенг миқёсли ротация, радио ва телевидение орқали чиқишлиар, юлдузларнинг мамлакат ва унинг ташқарисига уюштирган гастроллари, компакт-дискларнинг чиқарилиши ва ҳ.к.

Замонавий Россия ва МДХ давлатларида кенг тарқалган поп-музиқа жанрлари XX асрнинг иккинчи ярмидаёқ ривожлана бошлаган ва ғарб-у, шарқдаги унга ўхшашибўланса-да бирмунча фарқланган. Россия поп-музиқаси америкачасидан ўзининг бирмунча лириклиги, қўшиқларнинг матностидан воз кечгани, номеёрий лексикани қўллашда табунинг мавжудлиги, цензураси, матнининг ўта ёрқинлиги ва ифодалилиги билан ажралиб туради, бу эса асосан ушбу санъат турининг нотижорий шакли билан боғлиқдир. Бу вақтда мусиқанинг муайян жанрлари сиёсий ташвиқот хавфи сабаб таъқиқ остида ёки қатъий назорат остида (рок, жаз) бўлса, бошқалари маданий ва этник асосларининг йўқлиги боис умуман жорий этилмай қолди (масалан, АҚШдаги негритянча геттодан олинган рэп); шунинг учун ҳам улар АҚШ ва Буюк Британиядан фарқли ўлароқ, Россия поп-музиқасига таъсир ўтказа олмади. Натижада Собиқ Иттифлоқ поп-музиқаси роман мамлакатлари саналган Италия ва Францияда кенг тарқалган анъанавий поп-музиқага яқин бўлиб чиқди. Умуман олганда қўшиқларнинг

услуби ва шакли, шунингдек, ўзига хос куйлар анъанавий ғарбий европача характерга эга бўлиб, шарқона мусиқадан фарқ қилган.

1960 йиллар бошига келиб дунёнинг йирик бозорларидан бири сифатида шаклланган русийзабон поп-мусиқани Э.Пьеҳа, И.Кобзон, М.Магомаев, М.Кристалинская, П.Б.Оглы ва б. намойиш этганлар.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қуидаги ижрочи ва гурухлар ўз фаолиятларини бошлаб, машҳурликка эришдилар: булар А.Пугачёва, С.Ротару, В.Мигуля, Л.Сенчина, Е.Мартынов ҳамда «Песняры», «Самоцветы», «Ариэль» каби вокал-чолғу ансамбллари ва б.

Бир вақтнинг ўзида Россия поп-мусиқасига турли хил ғарбча услублар (жаз, рок ва ҳ.к.) ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Шунингдек, оммабоп русча мусиқа ҳам Шарқий Европада катта машҳурликка эга бўлди.

1980-йиллар бошида русийзабон мусиқада кўтарилиш юз беради. Бу даврда истеъодли латиш композитори Раймонд Паулс ижод қиласи. Унинг шу даврда яратган кўплаб композициялари, жумладан “Миллион алвон атиргуллар” қўшиғи кейинчалик мумтоз асарларга айланди. Европа ва АҚШдан фарқли ўлароқ Россиянинг мусиқа маҳсулотлари ўзининг гуллаб-яшнаётгани ва машҳурлигига қарамай жаҳон бозоридан ҳоли тарзда, яъни заиф тижорат шароитларида, йирик бюджетли рекламаларсиз фаолият юритар эди. Бироқ бу унинг айрим субъектив тавсифномалари (яъни, кўнгилчанлик, халққа яқинлик, катта лиризм ва ҳ.к.)га ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга эстрада ичидаги рақобат унсурлари мавжуд эди, бу асосан шахсий даражада бўлиб, нуфузли оиласи мавжуд эди, бу

асосан шахсий даражада бўлиб, нуфузли оиласи мавжуд эди, бу

1980-йилларда А.Вески, Л.Вайкуле, Й.Йола, В.Леонтьев каби хонандалар ва “Веселые ребята” сингари вокал-чолғу ансамбллари машҳур бўлдилар.

Ҳатто 1990-йиллар бошларида, мамлакат кескин иқтисодий ва сиёсий инқирозни бошдан кечираётган пайтда ҳам Россия ва Москва русийзабон мусиқий маҳсулотларнинг муҳим ишлаб чиқарувчилари бўлишда давом этди. Оммабоп мусиқанинг кўплаб машҳур хитлари айнан шу даврда яратилган.

Кўплаб гурухлар рок-йўналишида машҳурликка эришиб, рус тингловчилари аудиториясида шуҳрат қозондилар. Булар “Аквариум”, “ДДТ”, “Ленинград”, “Парк Горького” ва ҳ.к.

1990-йиллар охири Россия мусиқасининг анъанавий ҳукмронлиги соҳаларига жаҳон, биринчи навбатда америкача мусиқа таъсирининг сезиларли равишда кучайиши билан белгиланади. Россиялик машҳур ижрочилар жаҳон мусиқий тажрибаси билан танишадилар, кўпчилиги ундан андоза оладилар, айниқса мусиқани сайқаллаш (аранжировка) борасида. Баъзан бу каби ўзлаштиришлар (нафақат америкача мусиқадан, балки туркча, юнонча, шарқона, лотинамерикача ритмлар ва оҳанглардан) қўпсонли римейкалар кўринишидаги шаклларга эга бўлади.

Темир парданинг қулаши русийзабон поп-музиқага жаҳон мусиқий кино маҳсулот бозорига чиқиши имкониятини яратди. Аммо русийзабон ижрочиларнинг жаҳон аренасидаги дебюти бир неча омиллар сабаб қийинлашди. Биринчидан, 21 аср бошига келиб мусиқий маҳсулотнинг, қолаверса, оммавий маданиятнинг жаҳон бозори, инглиз тилидаги маҳсулот билан тўлиб-тошган. Ушбу тилдаги мусиқа маҳсулотлари инглиз тилида сўзлашмайдиган давлатлар, шу қаторда ривожланган Европа давлатларининг бозорига ҳам шиддат билан кириб борди.

МТВнинг кенг тарқалиши қўплаб минтақаларда маҳаллий мусиқанинг оммавий тарзда ишлаб чиқарилаётган америкача ёки инглиз тилли маҳсулот томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келди (масалан, французча поп-музиқанинг Францияда, итальянчанинг Италияда, немисчанинг эса Германияда). Иккинчидан, Ғарбдаги тингловчилар рус тили билан яхши таниш эмас, бу айниқса инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда кузатилади. Шунга кўра қўплаб рус ижрочилари (Д.Билан, Валерия, “Тату” ва б.) ўз қўшиқларини хорижий тилларда ижро эта бошладилар. Аммо қўшиқнинг инглиз тилидаги ижроси кўп нарсани ўзгартирмайди. Қолаверса, ижрочи хорижий аудиторияга эга бўлмасдан, русийзабон аудиторияни ҳам қисман йўқотади ва яна кечикиб бўлса-да, қўшиқларини рус тилида куйлашга

мажбур бўлади (бунга Дмитрий Колдун кўшиқларини мисол қилиш мумкин). Баъзан рус ва русийзабон ижрочилар инглиз, испан, украин, татар, итальян, француз, немис, иврит ва бошқа хорижий тиллардан фойдаланадилар.

1995-йилда хонанда Юдининг “Евровидение”даги чиқиши россиялик ижрочиларнинг чет эл саҳнаси (биринчи навбатда Европа саҳнаси)даги дебюти бўлди, дейиш мумкин. 2000-йилда хонанда Алсунинг чиқиши Россия мусиқасини яна бир поғонага кўтарди (Алсу фахрли 2-ўринни эгаллади). “Тату” гурухининг чет элдаги ютуқлари янада улкан муваффақият олиб келди. Бу гурухнинг қўшиғи чет эл хит-парадида бир неча ҳафта биринчи ўринни эгаллаб турди, гурух ўзининг катта миқдордаги компакт-дискларини сотди. 2006-йилда хонанда Дима Билан “Евровидение” танловида 2-ўринга сазовор бўлса, 2007-йилда “Серебро” гурухи 3-ўринга лойик топилди. Шунингдек, “Евровидение”нинг болалар танловида иккита русийзабон ёш ижрочи қизлар ғолиб бўлдилар. Нихоят, 2008-йилда ўтказилган навбатдаги “Евровидение”да Дима Билан ғолибликни қўлга киритди.

МДҲ ва Болтиқбўйи давлатларидан келган кўплаб русийзабон ижрочилар ҳам Россия оммабоп мусиқасига ўзларининг самарали улушларини қўшдилар. Улар орасида болгариyaлик Ф.Киркоров, украиналик В.Сердючка ва “ВИАГра”, белорусиялик Серёга ва Дмитрий Колдун, ўзбекистонлик Азиза ва Сўғдиёна, Болтиқбўйидан Л.Вайқуле, А.Вески, Й.Йола, К.Кельми, грузиялик С.Павлиашвили, Д.Гурцкая каби кўплаб хонандалар бор.

Русийзабон ижрочилар сафини тўлдиришда бошқа давлатларда ҳам бирдек машҳур бўлган “Юлдузлар фабрикаси” муҳим роль ўйнайди.

Россия саноатининг асосий хусусиятларидан бири ижрочиларнинг Россия ва МДҲ бўйлаб кенг миқёсда уюштираётган гастроль сафарлари ва гастроль концертларидир. Бу бир томондан мамлакатнинг улкан ўлчами, шунингдек, етарлича кенг тарқалган қароқчилик билан боғлиқ; компакт-дисклар сотувидан тушган даромад ижрочиларга етишиш имконини бермайди.

Россия поп-музиқаси юлдузлари: А.Пугачёва, С.Ротару, В.Леонтьев, Л.Долина, Ф.Киркоров, К.Орбакайте, Валерия, К.Лель, Д.Колдун, В.Пресняков; гурухлардан “Блестящие”, “ВИАГра”, “Серебро” ва б.

### Мавзуга оид саволлар:

1. Россия поп мусиқасининг шаклланиш даври қайси даврдан бошланди?
2. Россия поп мусиқасида қандай услугий йўналишлар мавжуд?
3. Россия поп мусиқаси вакилларидан кимларни биласиз? Уларнинг ижодига шарҳ берининг.

### Мустақил иш топшириқлари:

К.Шульженко, И.Кабзон, Л.Лещенко, А.Пугачева, С.Ротару, Л.Агутин, Д.Билан ва бошқа таниқли замонавий хонандалар ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услугий фарқини аниqlанг.

### **4-мавзу: Ўзбекистон поп-музиқаси**

Ўзбек эстрада мусиқаси турли хил услуг ва йўналишларни ўзида жамлаган. Бугунги кунда шоу саноат оқимиға кўплаб касбий тайёргарликка эга кадрлар келиб қўшилмоқда. Хонанда, созанда, композитор, мусиқа сайқалловчи (аранжировкачи), овоз режиссёrlарини тайёрлайдиган асосий ўқув муассасаси – Ўзбекистон давлат консерваториясидир.

1997-йилда “Эстрада ижроилиги” кафедраси очилди, ва у ўз фаолияти давомида кўплаб яхши касбий тайёргарликка эга бўлган эстрада вакилларини тайёрлаб берди. Кафедранинг кўплаб битирувчилари турли хил танловларнинг лауреатлари ва дипломантлари, нуфузли фестиваллар ва халқаро савиядаги лойиҳаларнинг иштирокчилариидир. Кафедранинг ўқитувчилар таркиби мазкур соҳада реал тажрибага эга бўлган мутахассислардир.

Кафедра ўқитувчилари иштирокида ўтказиладиган концертлар бунинг исботидир. Қўшиқлари ўзбек эстрадасининг хитларига айланган композитор Д.Д.Омонуллаева шу кафедрани бошқаради. Унинг “Ёмғир ёғди”, “Мен сени ҳеч кимга бермайман”, “Саратон”, “Икки дараҳт” каби қўплаб қўшиқлари барчага яхши таниш. “Эстрадачи” талабалар репертуарини ўзбек композиторларининг эстрада учун маҳсус ёзилган қўшиқлари, ўтмиш ва ҳозирги рус ва хорижий хитлар ташкил этади. Кафедрада турли хил танловлар ўтказиладики, бу талабаларга саҳнада ўзини тутиш ва ўзига бўлган ишончни ошириш учун жуда муҳимдир.

Айни пайтда шоу саноат ишлаб чиқарувчиларининг барча ишларини ҳам касбий даражада деб бўлмайди. Шоу саноат “ишлаб чиқарувчилари”нинг маҳсус дипломларига эга бўлган қўплаб мусиқачилар ҳар доим ҳам ўз малакаларини амалда кўрсатиб бера олмайдилар. Сифатли ва қизиқарли композицияларни яратиш учун ўрта ва олий мусиқа дипломларининг ўзи етарли эмас. Зоро, маҳсус таълимга эга бўлмаган қўплаб истеъоддли аранжировкачилар, шоирлар, қўшиқларга куй басталовчиларнинг “маҳсулотлари” ўзининг юксак профессионализми билан ажralиб туради. Таъкидлаш жоизки, яхши мактаб, доимий изланишлар, ўз устида тинимсиз ишлаш каби омиллар йиғиндисигина ижобий натижа бериши мумкин.

Ўзбек эстрада мусиқаси 1957-йилдан шакллана бошлаган. Вокал эстрада мактаби асосчиси ўзбек эстрадасининг афсонаси Ботир Зокировдир. Ўзбек эстрада мусиқаси жаҳон эстрада мусиқасидан ҳоли тарзда ривожланмаган албатта. 1960-йилларда Ўзбекистон эстрада мусиқасининг шаклланишига рус эстрада мусиқаси ҳам, француз шансони ҳам, Шарқ мамлакатлари эстрада мусиқаси ҳам, рок-мусиқа, ва албатта жаз ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Ўзбек мусиқа маданиятининг эстрада қатламини ўрганар эканмиз, Ўзтелерадио қошидаги Эстрада-симфоник оркестри, Тошкент мюзик холли, жаз биг-бендлари, мазкур жанр гуруҳлари ва алоҳида яккахонларнинг ВИАлари фаолиятини таъкидлаш зарур. Агар 1960-йиллар ўзбек эстрадасининг шаклланиш даври сифатида қаралса, 1970- ва 80-йиллар унинг

ривожланган ва гуллаб-яшнаган даври бўлди. Ўша давринг афсонавий гурухлари ва ижрочилари қатъий цензура шароитларида ҳам ўзбек эстрада мусиқасига бетакрор қиёфа бахш этиб, эстрада санъати дурдоналарини яратдилар.

Бу борада Э.Салихов, М.Бурхонов, И.Акбаров, Э.Қаландаров, Е.Живаев, Д.Илёсов каби композиторлар ўша давринг қаҳрамонлари эдилар. Эстрада вокал ижрочилигини шакллантиришда Б.Зокиров, Ф.Зокиров, Л.Зокирова, Р.Шарипова, М.Шамаева, Ш.Низомиддинов, Ю.Тўраев, Н.Нурмухаммедова ва бошқа кўплаб истеъодли ижрочилар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу ижрочилар ўз ижодларида жаҳон поп ва рок-мусиқасининг услуб ва йўналишларини акс эттиришга интилдилар.

Машҳур ижрочиларнинг аудиоёзувлари, дунёning кўплаб мамлакатларига уюштирилган гастрол-концерт сафарлари, уларнинг ижодлари ўзбек эстрадаси ривожига таъсир этмай қолмади.

1970-80-йилларда машҳур бўлган “Ялла”, “Садо”, “Оригинал” каби ўзбек гурухлари ҳамда Н.Нурмухаммедова, М.Тошматов, М.Қурбонова ва б. ижрочиларнинг репертуарида диско услуби аниқ ифодаланган кўплаб композицияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўша даврда машҳур ўзбек халқ қўшиқларини сайқаллаб (аранжировкалаб) ижро этиш урф бўлган эди. Бундай мусиқа ҳозирда ҳам ўзига хослиги, ёрқинлиги, ва ҳатто янгилигини сақлаб қолган.

Бу борада эстрадамизнинг ташриф картасига айланган “Ялла” гурухи фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Гуруҳнинг ижоди аввало, унинг етакчиси бўлган Ўзбекистон халқ артисти Ф.Зокиров билан боғланган. Ф.Зокиров фаолияти ижрочилик чегараларидан ҳам ошади, унинг томонидан яратилган мюзикл ва хит қўшиқлар қўп йиллар давомида тингловчибоп ва долзарблигича қолмоқда.

Ўша йилларда ўзбек эстрада мусиқасида рок-мусиқа йўналишларидан бири - поп-рок пайдо бўлади. Поп-рок – бу ўта оддийлаштирилган, поп-мусиқасига максимал даражада яқинлаштирилган мусиқий услубдир. Поп-

рок услубида мусиқачилар рок-мусиқасига хос бўлган аниқ ифодаланувчи фалсафий ғоялар, ғалаёнлар, шахсий дунёқарашлардан воз кечиб, мусиқий композицияларни тижоратлаштиришга интиладилар.

“Ялла” (1970-йилларда) ва “Оригинал” (80-йилларда) гурухлари поп-рок услубини кенг миқёсда қўллар эдилар. “Бойчечак”, “Рамазон”, “Навниҳол” (“Ялла” гурухи), “Гўзал жонона”, “Бу нима?” (“Оригинал” гурухи) каби қўшиқлар аранжировкасида рок мусиқасига хос бўлган бит, электр гитаранинг ўзига хос жаранг, шунингдек, поп-мусиқасига хос бўлган баён турининг оддийлиги (банд-нақарот), аммо жаранг борасида ёрқин бўлган гармония мавжуддир.

1990-йиллар ўзбек эстрада мусиқаси учун янгиланиш босқичи бўлди. Бу давр эстрадаси шиддат билан ривожланади. Ўзбек эстрада мусиқачилари ранг–баранг ғарбона поп оқимлар таъсири остида ўз қиёфаси, ўз услубини топишга интиладилар. Кўплаб касбий билимга эга бўлмаган ёш ижрочилар пайдо бўлади. Бундай “бир кунлик” ижрочилар ўзларини тақлид қилиш йўли билан танитишга уриндилар. Шундай гурухлардан 1990-йиллар бошида “Болалар”, “Шофайз”, “Шум бола” ва б. “Ласковый май” номли Россия гурухи услубида ўз чиқишиларини амалга оширап эдилар, улар шунингдек, ғарб гурухларига ҳам тақлид қиласар эдилар. Вақт ўтиши билан бундай гурухларнинг аксарияти ўз фаолиятини тўхтатди. Аммо бу тажриба қолган ижрочиларга ўз қиёфасини топиш имконини берди. Масалан, “Болалар” гурухи ҳозирда поп-рок услубида ишламоқда, ва у ўзбек эстрада мусиқасида ўзининг бетакрор имижига эга бўлди.

Айрим услублар аранжировкаси ва ижроси аранжировкасидан ҳам, ижроидан ҳам бирдек асл профессионализмни, катта тайёргарлик ва саводни, доимий изланиш, ўз устида ишлашни талаб этади. Тингловчи эса ўз навбатида ҳар доимгидек маҳоратга баҳо беради. Албатта, бу муаммо мусиқа маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг маҳорати ва саводлилиги масаласи билан чекланиб қолмайди.

Мазкур йўналишдаги муваффақиятли лойиҳалардан бири – бу “Қарс” гуруҳидир. Улар томонидан танланган фольк-поп-рок услуби Сурхонча, Бухоро-Самарқандча, Фарғонача, Андижонча фольклор мусиқалари асосида яхши ишлаб чиқилган. Поп-фольк услубида сайқалланган асарлар “Тошкент”, “Нола”, “Байрам”, “Хўжа” ва б. гуруҳлар репертуарини ташкил қилди. Поп-гуруҳлар бўлган бу ижрочилар фольклор мусиқасига янада кўпроқ ранг ва ифодавийлик баҳш этиб, уни қайта жонлантира олдилар. “Қарс” гуруҳининг “Кавушим” (фольк-поп-рок), “Нола” гуруҳининг “Сенсан севарим” (фольк-поп-баллада), “Байрам” гуруҳининг “Ёввойи қиз” (латино), “Тошкент” гуруҳининг “Бедана” (поп-фольк) каби хитга айланган қўшиқлари бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбек эстрада мусиқаси поп мусиқанинг ғарбона услубларини асл ҳолида эмас, балки қайта ишланган кўринишида ҳам ўзлаштириди. Масалан, 1980-йилларда машҳур қўшиқчи Н.Абдуллаеванинг ижодида кўплаб эронча, озарбайжонча, туркча поп-музиқа намуналарини қўриш мумкин эди. Бу қўшиқлар кўр-кўрона кўчириб олиб куйланмаган, балки ўзбек халқ чолғуларидан фойдаланган ҳолда қайта сайқал берилган, айтиш мумкинки, қайта тафаккур этилган эди.

1990-йилларда шарқона поп-музиқага бўлган қизиқиш янги куч билан янгиланди, ва ориент-поп услуби яна ўзбек эстрадасига кириб келди. Кўплаб арабча, туркча, озарбайжонча композициялар ижрочилар томонидан ҳатто шахсий асл ғоялардек кўрсатилди. Бугунги кунда ҳам айрим мусиқачилар бирор-бир шарқона композицияни ижро этаётиб, унинг муаллифи ва биринчи ижрочисига ҳатто ишора қилмайдилар.

Ориент-услуби ўзбек эстрадасига сингиб кетди, ва у ижрочиларимиз томонидан кенг миқёсда қўлланилмоқда. Ғарб поп-музиқаси ушбу услугга мурожаат этаётиб, бирор бир Шарқ ҳалқи музика меросининг куй йўлидан нафақат фойдаланади, балки унинг усули ва куйини, турли хил Шарқ ва Африка миллий маданиятлари мусиқий чолғуларини (кўпинча араб, турк, эрон, ва ҳинд чолғулари) усталик билан комбинациялади. Афсуски, ўзбек

ижрочиларининг композицияларида бундай экспериментлар деярли кузатилмайди. Бизнинг аранжировкачилар тайёр композициядан фойдаланиб, унинг бирор деталини олиб ташлаш ёки қўшиш билан кифояланадилар. Шунга қарамай, ориент-поп услуби ўзбек эстрада мусиқасидаги энг кўп тингланадиган услублардан биридир. Ушбу йўналишнинг ёрқин намояндадаридан бири Ю.Усмоновадир. Шунингдек, Озода Нурсаидова, Улугбек Отажонов, Отабек Мадраҳимов каби ижрочилар ҳам ориент-поп услубида самарали ижод қилувчи эстрада вакилларидир.

Шубҳасиз, поп-музиқада услуг ва йўналишлар жуда кўп, ва шуни унумаслик керакки, улар ўзаро бир-бири билан узвий боғлангандир. Ўзбек ижрочилари диско, техно ва хип-хоп ҳамда рэп услубларига тез-тез мурожаат этадилар.

Ёшлар аудиториясига мўлжалланган қўшиқларни яратувчи мусиқачилар асосан рэп ва хип-хоп услубларида ишлайдилар. Шу тариқа, 1990-йиллар охирида фаолият юритган “Ал-Вакил” групчи рэп групчи сифатида мавжуд бўлди. Бугунги ўзбек эстрадаси саҳнасида хип-хоп услубининг ёрқин вакиллари ўз фаолиятларини юритмоқдалар. Бу “Радиус 21” грухидир. Таъкидлаш жоизки, аксарият ғарбона рэп ва хип-хопдан фарқли ўлароқ, мазкур услубдаги ўзбекча композицияларда агрессия кам ва маъно-мазмун кўпроқдир. Бундай композицияларда ўзбекона вербал ва мусиқий оҳанглардан фойдаланилади. Айрим рэп грухлар репертуарида ўзбек халқ чолғулари жарангини тинглаш мумкин, шеърий матнлар эса шунчаки қофияланган сўзлар эмас, балки муайян мазмунни ифодаловчи сатрлардир.

Ўз устида ишлаётган, изланаётган ижрочи ва аранжировкачилар янада кўпайиб бормоқда. Бирор тажрибага эга бўлмай туриб, олдинга силжишнинг иложи йўқ. Янги натижалар фақат профессионализм базасида, тинимсиз изланиш ва машаққатли меҳнат туфайлигина қўлга киритилиши мумкин. Умид қиламизки, ўзбек эстрада мусиқаси ҳам худди эронча, арабча, туркча эстрада мусиқаси сингари жаҳон поп-музиқасида муносиб ўрин эгаллайди.

Поп-мусиқанинг илгор ижрочилари нафақат ўзбек поп-музиқа маданиятини намойиш этадилар, балки чет эллик ҳамкасларининг кўп ийллик тажрибаларини ҳам ўзлаштирадилар. Ўзбек ижрочиларининг “Новая волна”, “Славянский базар”, “Дискавери” каби халқаро танловларда иштирок этишлари, уларнинг ўз устида қанчалик ишлаётганидан далолатдир. Маҳобат ва нуфуз жихатидан кам бўлмаган танлов ва фестиваллар Ўзбекистонда ҳам ўтказилмоқда. “Офарин”, “Анор”, “Янги тароналар”, “Ўзбекистон Ватаним маним”, “Олтин хумо”, “Азиз она-юртим наволари”, “Янги номлар”, “Садо” каби кўрик-танловлар ҳамда “Ниҳол” давлат мукофоти ғолиб ва совриндор бўлган ёш ижрочиларга ўзларига нисбатан ишонч бағишлийди.

Шунингдек, С.Назархон ва О.Нечитайло (Согдиана) каби ижрочилар меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон давлат консерваторияси Эстрада ижрочилиги кафедрасининг битиравчилари бўлган бу ижрочилар ўз фаолиятини энди бошлаган эстрада мусиқачиларига муваффакият ва ютуқлар ҳамда юксак даражага эришиш имкониятларини ўз меҳнатлари мисолида кўрсатиб бердилар.

Бугунги кунда ўзбек поп-музиқаси дунё шоу-бизнесида ўз ўрнига эга эканлиги хусусида сўзлашга ҳали эрта бўлса-да, бироқ бу реал ҳолатдир. Эстрада артистларининг бугунги меҳнати эртанги фаровонликка пойдевор ясади.

#### Мавзуга оид саволлар:

1. Ўзбек попмузиқасининг шаклланишига қайси мусиқий услублар таъсир кўрсатди?
2. Ўзбек поп мусиқаси асосчиларидан кимларни биласиз?
3. Ўзбек поп мусиқаси композиторларидан кимларнинг ижодини таърифлаб бера оласиз?

#### Мустақил иш топшириклари:

Классик ўзбек поп мусиқаси вакиллари ва замонавий хонандалар ижросидаги қўшиқларни тингланг ва услубий фарқини аниқланг.

**IV-боб мавзулари бўйича фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Абидова Л. История джаза и современных музыкальных стилей: (краткие очерки) Уч. пособие. Ташкент.- изд. «Укитувчи»- 2007.
2. Вопросы музыкального исполнительства и педагогики IV Сб. статей. Ташкент, 2003.
3. Ўзбекистон санъати: Тарих ва замонавийлик. Ёш олимлар-нинг илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент «Янги аср авлоди», 2003.

Интернет сайtlар:

<https://www.uzbektravel.com>

<http://sanat.orexca.com>

<http://library.ziyonet.uz>

## **ХОТИМА**

Инсониятнинг замонавий мусиқа мероси серқирра ва бениҳоя гўзал. У ўзига халқ мусиқаси, жаҳон мумтоз мусиқаси дурдоналари, жаз мусиқаси ранг-баранглиги, шунингдек, рок ва поп-мусиқа калейдоскопини қамраб олади. Унинг жанрлари, услуб ва шаклларида инсоният эволюцияси (тадрижиёти)нинг маданий, иқтисодий, ижтимоий, ва ҳатто сиёсий воқеликлари акс этган. Маълумки, қайд этилган мусиқа йўналишларининг ҳар бири ўз ижроиси ва тингловчисига эга. Ҳар бир йўналиш тингловчилар талабида бўлиб, вақт ўтиши билан ўз доирасида доимий равишдаги ўзгаришларга учрайди.

Шубҳасиз, барча мусиқий жанр, услуб ва йўналишларнинг тарихий илдизлари халқ мусиқасига таянади, ўз навбатида жаз, рок ва поп мусиқа ҳам бундан мустасно эмас. “Енгил” мусиқанинг барча йўналишлари халқ анъаналари асосида юзага келиб, бизни қуршаб турган олам иқтисодий-ижтимоий заминининг ифодаси сифатида давр талаби доирасида ривожланиб борди. Масалан, жаз икки маданият: европа ва африкача маданиятнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келган. Рок-н-ролл блуз ва кантри оҳангларига асосланган бўлса, поп-мусиқа халқона рақс мусиқасининг давоми ва кейинги ривожидир.

“Енгил”, қулай мусиқа доимо мавжуд бўлган. Р.Штрауснинг оммалашган вальслари, Ж.Верди ва В.Моцарт операларидан олинган машҳур арияларни ҳам шу тоифага қўшиш мумкин. Биз уларни бугунги кунда жаҳон мусиқаси дурдоналари, деймиз. Мусиқий ижод намуналари замонавий йўналишининг улкан оқими орасида диний асосдан йироқ бўлмаган юксак касбий, виртуоз асарлар ҳам бор: жаз ва рок услубидаги композицияларни шундай асарлар сирасига мансуб дейиш мумкин.

Ҳаёт чархпалагида енгил мусиқа аста-секин диний тусдан йироқлашиб, пул топиш омилига айланиб боради, ва поп-маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Замонавий атама бўлган поп-мусиқанинг синоними сифатида “оммавий сотишга аталган мусиқа” атамасини таклиф қилиш мумкин.

Техниканинг ривожланиши, овоз ёзиш қурилмаларининг яратилиши тингловчилар аудиториясини сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди. Овоз ёзиш ихтироси ва техник воситаларнинг муттасил равишда такомиллашиб бориши, товушнинг тарқатилиш усуллари (граммофон, микрофон, радио ва ҳ.к.) енгил мусиқанинг ривожланиши ва кенг тарқалишига сабаб бўлиб, унга инқилобий таъсир кўрсатди. Рақамли аудиотизимларнинг бугунги ютуклари, уларнинг қулайлиги ва нусха кўпайтиришнинг оддийлиги жиддий меломанлар ва кенг аудитория талабларини ҳам қондиришга қодир, бу айни пайтда мусиқадаги янги услугуб ва йўналишларнинг яратилишига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Жаз мусиқаси ҳам техник воситалар таъсирига учради. Фьюжн, жаз-рок, жаз-поп каби услубларнинг пайдо бўлиши бунга ёрқин мисолдир.

Электрон чолгулар (терменвокс, электрогитара, электроорган, электрон зарбли чолгулар ва ҳ.к.), кейинчалик эса компьютерли синтезаторларнинг кашф этилиши рок-н-ролл ва рок каби йўналишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратди. Рок-н-ролл поп-музиқа рақсбоп услубларининг давоми бўлгани ҳолда, техник жихатдан янги поғонага кўтарилиди. Рок-н-ролл асосида пайдо бўлган рок-музиқа техник ютуқларга таянган ҳолда, янада ривожланиб, кенгайиб боради. Аммо вақт ўтиши билан рок-музиқа поп-музиқа талабларидан узоклашади. У мураккаблашиб боради, айниқса рок-музиқанинг шиддатли йўналишлари ўз ривожланишида мумтоз мусиқа тамойиллари (шакл, ривожланиш тамойиллари, ёзиш техникаси ва ҳ.к.)га таяна бошлайди, ва айни пайтда ўзининг енгиллиги, ва ҳатто ҳаммаболигини йўқотади. Рок мусиқага бўлган талабнинг пасайиши глэм-рок, хард-рок, трэш ва дум-рок каби оммага ёқадиган тижорий услубларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

XX асрнинг 1960-йилларига келиб поп-музиқа бугун биз билган атама маъносида тобора шаклана бошлади. Поп-музиқа мусиқа маданиятида мустақил услугуб, йўналиш сифатида ўз мавқеига эга. Поп-музиқанинг техника тараққиёти билан боғлиқ услублари пайдо бўлади. Мусиқада электрон

музиқанинг товуш ҳамда методологик имкониятлари бирдек қўлланилади. Композиторларнинг ҳам, аранжировкачиларнинг ҳам, хонандаларнинг ҳам имкониятлари кенгаяди.

Поп мусиқа услуби – диско юқорида айтилган тафсилотларга ёрқин мисол бўлади. Диско ўтмишдошлари – рэгтайм, буги-вуги, чарльстон, рок-н-ролл, твиистдан фарқли ўлароқ, ўзининг тезлашган ритми, бит ва клавишили чолғуларнинг катта аҳамияти билан ажралиб туради. Диско рок-музиқадан ҳаётий товушлар, момақалдироқ, портловчи товушлар (вспышка) ва ҳ.к. каби маҳсус эфектлардан фойдаланишни ўзлаштиради. 1970-йилларнинг ўрталарида диско нафақат Европа ва Америкада, балки Шарқ мамлакатларида ҳам бош йўналиш бўлиб қолди.

Поп-музиқа услубларининг шаклланиши ва ривожланишига негрлар мусиқаси ҳам таъсир кўрсатди. Техник прогресс билан ўзаро таъсирга киришиш натижасида соул, рэп, рэгги, хип-хоп каби услублар пайдо бўлди. Теко, электро, тек-хаус ва ҳ.к. услубларни мусиқа ва техниканинг ўзаро кўшилмаси дейиш мумкин. Бундай услубларни кўпроқ “музиқий электроника” деб аташ мумкин. Услубларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва чатишуви поп-музиқада янгидан-янги услубларни пайдо бўлишига олиб келади.

Бугунги кунда Ғарб маданияти жаҳон шоу-бизнесида хукмронлик қилмоқда, гарчи Шарқ мамлакатларининг поп-музиқаси ҳам мавжуд бўлсада. Бой мусиқий анъаналарга эга бўлган Шарқ, ғарбча поп-музиқада аввало, ўз ривожланиши ва имкониятларини кенгайтириш учун ғоялар манбаи сифатида қизиқиш уйғотган. Шу тариқа Шарқ оҳангларини ўзлаштирган ғарблиқ мусиқачилар поп-музиқа услубларини янгилаган ҳолда, уларни синтезлаштирадилар.

Ҳозирги кунда поп-музиқа коммуникация воситалари орқали авваллари иложи бўлмаган тезликда дунёнинг энг чекка жойларига кириб бориши мумкин. Бугунги кун поп-музиқаси нафақат аудиоформатда ишлаб чиқарилмоқда, балки у видео кетма-кетлик билан ҳам узвий боғлангандир.

Масалан, машхур композицияни видео кетма-кетликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Видеоклиплар ишлаб чиқариш саноатига бўлган талаб-эҳтиёж шуниси билан ўзини оқлайдики, видеоклип мусиқий товушни идрок этишни кучайтиради, ва айни пайтда мусиқий шоу-бизнес маҳсулотининг ҳаридоргирлигини оширади. Бугунги кунда мусиқий маҳсулотларни тарқатиш ранг-баранг техника шакллари ва воситалари орқали амалга оширилади. Булар: DVD, Mp3, Mp4 форматлари, Интернет, рингтонлар ва б. Поп-музиқанинг чақмоқ тезлигига тарқалиши унинг минтақавий услубларини яратиш ва ривожлантиришга сабаб бўлди. Замонавий ўзбек поп-музиқаси бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбек поп-музиқасида 4та асосий йўналиш (услуб)ни ажратиб кўрсатиш мумкин: булар миллий, эстрада, шарқона (ориент-поп) ва поп услубининг ўзи.

Миллий услуб анъанавий ўзбек мусиқа меросига таянувчи эстрада йўналишини назарда тутади. Мазкур услубда ҳам касбий, ҳам ўзбек халқ мусиқа ижоди бирдек қўлланилади. Сайқаллаш (аранжировка)да синтезаторлар ва оркестраторлар асосида халқ чолғулари ва ўзбек миллий қўшиқлари усулларидан фойдаланилади. Вокал ижроси ҳам ўзбек анъанавий қўшиқчилиги услубида талқин этилади.

Эстрада услуби ўтган асрнинг 1950-йиллари охирида пайдо бўлган услубни назарда тутади. Мазкур услуг ўзбек ритмикаси ва куй йўлини европача оркестр аранжировкаси (симфо-поп) билан синтезлайди. Бу услуг эстрада мусиқаси анъаналарини, биринчи навбатда академизмга интилевчи ижрочилик маданиятини сақлаб келади.

Ўзбек поп-музиқасидаги шарқона услуг Шарқ мамлакатлари (эронча, арабча, озарбайжонча, хиндча ва б.) мелизматикасига таянади. Мусиқани сайқаллашда ранг-бўёқ сифатида шу давлатларнинг анъанавий халқ чолғуларидан фойдаланилади.

Поп услуби европача поп мусиқанинг асосий услубларини ўзида жамлаган. Бу асосан диско, техно, поп-рок, хип-хоп ва б. Мазкур услубда кўпроқ ўз йўлини излаётган ёш ижрочилар ишлайдилар.

## ЖАЗ, РОК ВА ПОП МУСИҚА УСЛУБЛАРИ ХАМДА ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ЛУҒАТИ

### А

**Авангард жаз** - Avantgarde jazz (французча avant-garde сўзи илғор отряд маъносини англатади) – бу мусиқий тил модернизациясига, янги ва ноанъанавий ифода воситалари ҳамда техник усулларга (атоналлик, модал импровизация ва композиция, сонористика, товушнинг электрон синтези ва ҳ.к. соҳаларда) таянувчи, замонавий жаз услублари ва йўналишларида ижод қилувчи гурухларнинг шартли номи. Фри-жаз, “учинчи оқим”, электрон жаз, хард-боп, кул-жаз, жаз-рок ва б.нинг баъзи экспериментал шаклларини авангард жазга тааллуқли дейиш мумкин.

**Авангард рок** (Avantgarde) – ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида юзага келган бу тушунча жаз, рок, фольк таъсирида ривожланган барча нарсаларни ўзида жамлаган. Бу оқимнинг энг ёрқин намояндлари – “Velvet Underground” ва “Mothers Of Invention”дир. Кейинчалик “Авангард” атамаси деганда мусиқанинг турли хил ноанъанавий шакллари тушунила бошланди.

**Муаллифлик мусиқаси** – ушбу қўшиқ жанри XX асрнинг 50-йилларида Россияда юзага келган бўлиб, у шунингдек, бардлар қўшиғи номи остида ҳам машҳур. Шеърий матн мазмуни, унинг табиийлиги ва оҳангдорлиги, шунингдек, хониш вақтидаги қуйчанлик ва мусиқанинг гармоник функционаллиги – мазкур жанрнинг ёрқин фарқланувчи қирралариdir.

АйДиЭм (IDM-intelligent dans music) – ушбу электрон мусиқанинг муқобил (альтернатив) йўналиши асосчиси - “Aphex Twin” сифатида машҳур бўлган инглиз техно-музиқачи Richard James ҳисобланади. Мазкур услугуб 1989-йилда юзага келган бўлиб, атама эса 1993-йилда компьютер тармоқлари тубида, уларга мавжуд услубларнинг бирортасига мос келмаган мусиқани белгилаб бериш учун ўйлаб топилган. Инглиз компьютерчиларининг енгил кўли билан киритилган бу атама остида барча тушунарсиз экспериментал техно-музиқани (яъни технологиядан фойдаланувчи мусиқани) учта ҳарф - IDM билан атай бошладилар. Ўз вақтида мазкур услугуб таъсири остида

“Cosmic Baby”дан “Cabaret Voltaire”гача, “Banco De Gaia”дан “Goldie”гача, “Portishead”дан “Underworld”гача бўлган гурухлар қолдилар. Шундан сўнг мазкур услугуб ўзининг мутлақо аниқ доирасига эга бўлди.

**Альтернатив рок** (инглизча Alternative rock) – бу анъанавий маданиятга қарама-қарши бўлган оммавий маданиятнинг энг турфа жанрларини назарда тутувчи тушунча. Ушбу атама 1980-йилларда панк-рок, пост-рок каби қўплаб жанрлар таърифи сифатида пайдо бўлди.

**Аранжировка/Arrangement** (инглизча arrange – жойлаштироқ, ўтказмоқ, тартибга солмоқ) – ижрочиларнинг муайян таркибиға мўлжалланган ва нота ёзувида қайд этилган мусиқа. Жаздаги аранжировка ансамлбъ ва оркестр интерпретациясининг умумий ғоясини мустаҳкамлаш услуги ва услубий сифатларнинг бош етакчиси бўлиб, бунинг оқибатида у академик мусиқада композициянинг ўрни қандай бўлса, шундан кам бўлмаган аҳамият касб этди.

**Арт-рок/(инглизча art-rock)** - рок-музиқа йўналишини англатувчи бу атама, ўзининг мелодик, гармоник ёхуд ритмик экспериментлари, шунингдек, қўшиқлар матнидаги катта микдорли бадиий образлари билан тавсифланади. Арт-рок - жаз, классик, этник мусиқа ёхуд экспериментал авангард йўналишидаги замонавий оммавий мусиқа шакллари ва жанрларидан узоқроққа боради.

**Архаик (илк) блюз/Archaic (early) blues** – блюзнинг бирмунча қадимиј, анъанавий тоифаси бўлиб, у тахмин қилинганидек, ўтган асрнинг биринчи ярмида АҚШнинг жанубида жорий этилган ва африкача манбалар, шунингдек, американлик негрлар халқона мусиқасининг анъанавий жанрлари билан узвий алоқаларга эга бўлган (масалан, уорк-сонг, холлер, баллада ва спиричуэлс билан).

**Архаик(илк) жаз /Archaic (early) jazz** – ўтган асрнинг ўрталарида АҚШнинг бир қатор жанубий штатларида жорий бўлган жазнинг бирмунча қадимиј, анъанавий тоифаси. Архаик жаз хусусан, XIX асрнинг негрча ва

креолча марш оркестрлари томонидан намойиш этилган. Архаик жаз даври янгиорлеанча (классик) услугнинг юзага келишига сабаб бўлди.

**Товуш атакаси**/Attack – жаздаги товуш садоланишининг бирор бир чолғу ёки хонишда олинган илк товуш лаҳзаси билан боғлиқ муҳим динамик тавсифларидан бири. Бу ургуланган, агрессив ёхуд майин товуш бўлиши мумкин. Товуш атакасининг сифати аҳамиятли равишда жаз саунд орқали белгиланади.

**Африкача “қўл фортецианоси”**/African hand piano – Африка (ғарбий соҳиллар ва минтақанинг жанубий қисми)да кенг тарқалган ксилофонга қардош тилли-чертма мусиқий чолғу асбоби бўлиб, у 10 смдан 1 метргача узунликдаги резонанс корпус ва унда жойлашган бир ёки бир неча қаторли ёғоч ёки металлдан ясалган турли баландликдаги товушларга мос келувчи тилчаларга эга. Мазкур чолғу кўплаб маҳаллий номларига эга: булар санза, мбира, мбила, калимба, ндимба, нданди, ижари, мганга, ликембе, селимба ва б. Америкада европа колонизацияси бўлган даврда санза негр-қуллар томонидан Кубага келтирилган ва ҳозиргача у ерда машҳур чолғу саналади.

## Б

**База**/Base (инглизчадан пастки қисм, асос, таянч маъноларини англатади) – яккахонларга жўрсоз вазифасини бажарувчи ансамбль ёки ансамблнинг бир қисми.

**Баллада**/Ballad (лотинча ballo – рақсга тушаман) – келиб чиқиши қадимий хоровод қўшиқ-рақсларга бориб тақалувчи, кўплаб халқларда учрайдиган қўшиқ жанридир. Балладага хос қирралар – бу эпик ҳикоянавислик ва лиризм, қофиявий шакл, вазмин ва мўътадил суръат, сюжет ҳамда мусиқий материалнинг яхлит ривожловидир. Америкалик негрлар халқ мусиқасида балладанинг блюз билан айрим умумийликларга эга, ва африкача анъаналар билан алоқани сақловчи ўзига хос тоифаси жорий бўлди. Жазда чолғу ижроси ва хонишининг лирик балладавий услуби кенг тарқалди.

**Банджо/Banjo** (Bonjo) – келиб чиқиши Африкадан бўлган, мандолина ва гитараға қардош торли-чертма мусиқий чолғу асбоби. У ҳам якканавоз, ҳам жўрсоз сифатида америкалик негрларнинг халқ ижрочилиги амалиётида жуда кенг тарқалган. Негр халқ мусиқасининг ўзига хос жанрлари банджо учун регтайм ва жаз илк шаклларининг юзага келишига сабаб бўлди.

**Барбершоп-гармония** (“сартарошхона гармонияси”)/Barbershop harmony (Barbershop сўзи инглизчадан “сартарошхона” дегани) – аккордлар (аввало септаккордлар)нинг ўзаро қўшилишидаги овозларнинг параллел хроматик ҳаракатига асосланган куйнинг гармоник жўровозлиги тоифаси. Овоз йўналишининг мазкур техникаси банджо аппликатурасига мос келади; афтидан унинг ижро амалиётида ушбу ўзига хос гармоник услугуб шаклланган. Шунингдек, унинг келиб чиқиши эски Америкада мавжуд бўлган сартарошхоналарда чалувчи кичик ансамблларнинг ярим фольклор ҳаваскорона ижрочилик анъаналари билан боғлиқ бўлиб, бу сартарошхоналар ўша вақтларда фуқароларнинг севимли дам олиш ва ҳордиқ чиқариш жойи эди (бундай сартарошхоналар қошида одатда бар, шунингдек, қўшиқ айтиб, рақс тушиш учун мўлжалланган бинолар мавжуд эди). Барбершоп-ансамбллар америкача менестрель театр (қаранг: минстрел шоу) ва регтаймнинг ривожланишига таъсир қўрсатди.

**Бард/Bard** – (кельтчадан олинган сўз) шоир ва мусиқачи, ўз шахсий қўшиқларининг ижрочиси.

**Баррел-хаус-услуби/Barrel house style, Barrel house piano** (инглизчадан barrel house – трактир, пивохона) – у XIX асрнинг иккинчи ярмида юзага келди ва XX асрнинг бошларида негрча фортепиано жазнинг архаик услуби сифатида кенг тарқалди. Баррел-хаус услубидаги мусиқа фортепианода, кескин синкопаланган, зарбли усулдаги, педалсиз, пианиночининг ўнг ва чап қўллари вазифасининг аниқ белгиланиши билан ижро этилади (ўнг қўл партиясида – эркин синкопаланган куй, чап қўл партиясида – қатъий ушланган метрик пульсацияли “бас-аккорд” тоифасидаги жўрнавоз). Баррел-хаус-услуби таркибиға фортепианодан ташқари банджо, гитара, мандолина,

лаб гармоникаси, бас ва зарбли чолғулар, шунингдек, оддий фольклор чолғулар (казу, жаг, “куйловчи appa”, ушбоэрд, папирус қофозли тароқ ва ҳ.к.) киритилган кичик ансамблларда ҳам қўлланилган.

**Баунс/Bounce** (инглизчадан “сакраш” дегани) – 1. Свинг тури, мўътадил суръатдаги таранг ритмик ҳаракат, тактнинг асосий ҳиссаларидағи ургулар билан. Соддалаштирилган, кам свингланган бит ва жуда тезкор суръатли жампнинг қарама-қарши тоифаси. 2. 4/4 тект-ўлчовидаги мўътадил суръатли урфдаги шимолий америкача рақс, у вазмин фокстрот билан умумий жиҳатларга эга.

**Бегин/Beguine** – келиб чиқиши Лотин Америкаси (тахминан Мартиника ороли)дан, тўрт ҳиссали ўлчов, мўътадил суръатда. Танго ва румбо билан айрим ўхшашлик қирраларига эга. XX асрнинг 30-йилларида халқаро миқёсда кенг тарқалди. К.Портернинг “Jubilee” мюзиклидаги “Begin the Beguine” куйи (1935) энг оммалашган жаз мавзуларидан биридир.

**Бибоп** – қаранг: Боп.

**Биг бит/Big beat** – “биг-бит”нинг асосий фарқланувчи томони – бу маҳсус студия техникаси ёрдамида ҳосил қилинадиган специфик жаранг, шунингдек, асосий грув ва умумий фактуранинг нихоятда оғирлаштирилишидир (трип ёки хип-хоп билан таққослаганда). “Биг-бит” хип-хопнинг фанк грувларини, рок қудрати ва хауснинг свингли методини ўзаро чоғиширади. “Биг-бит”ни тинглагандан кўра, унга рақс тушган афзал. Кўпгина мусиқий нашрларда “биг-бит”ни ҳали ҳам “chemical beats” деб атайдилар. Биг-бит асосчиларидан бири “CHEMICAL BROTHERS”дир. Агар сиз “techno” ва биринчи ҳиссага тушувчи бас-бочкали “jingle”дан фарқли ўлароқ “ёғли” бас чизигини тингласангиз, синиқ пульсли ритмни ҳис этсангиз, бу шубҳасиз – “биг-бит”дир. Мазкур услубнинг энг таниқли ва машҳур намояндалари “EBOMAN” “PROPELLERHEADS” “RHYTM ACE” кабилар дейиш мумкин.

**Биг-бэнд** (катта оркестр)/Big band – чолғуларнинг муайян таркиби (унда дамли чолғулар етакчилик қиласи), чолғу гурухлари (секцияси)нинг

специфик бўлиниши, ансамбль ижросининг ўзига хос техникаси (аранжировкаланган бўлимларнинг якканавозлар импровизацияси билан мувофиқлашуви, оркестр жўрнавозлигининг муҳим тоифалари – бэкграундни, шунингдек, метроритмик пульсациянинг муҳим тоифалари ва тембрлар аралашмасини қўллаш ва б.) билан фарқланувчи жаз оркестрининг характерли тури. Биг-бенддаги мусиқачилар сони - 10-20тагача иштирокчини ташкил этади. Одатдаги таркиб: 4та труба, 4та тромбон, 5та саксофон ва ритмгурух (фортепиано, гитара, бас, зарбли чолғулар); унинг бошқачароқ варианлари ҳам бўлиши мумкин. Саксофонлар секцияси (ридс), мис дамли чолғулар секцияси (брасс) ва ритм-секциянинг мавжудлиги назарда тутилади; уларга ёғоч дамли чолғулар секцияси (вудс), шунингдек, торли чолғулар гурӯхи қўшилиши мумкин. Биг-бенднинг ривожланиши XX асрнинг 20-йилларда бошланган, 30-йилларда эса унинг негизида оркестр жазининг асос солувчи услубларидан бири - свинг жорий этилди.

**Биллборд/Billboard** – Американинг мусиқий ҳафтаномаси. Унга 1958-йил Нью-Йоркда асос солинган. Унинг саҳифаларида soul, country, folk, rock, pop-music каби турфа хил услублар бўйича ўтказиладиган ранг-баранг хит-парадлар чоп этилади. Улардан ташқари “қайноқ юзлик” (Hot 100) деб номланувчиси асосий ҳисобланади. Биллборд юзталигига кириш нуфуз бўлса, қирқдан юқорги ўринлар – муваффақият, биринчи ўнталик бир умрлик шуҳратни кафолатласа, ушбу хит-параднинг биринчи ўрни – ижрочига автоматик тарзда суперюлдуз унвонини беради.

**Бит/Beat** (инглизчадан “зарба” дегани) – кенг маънода – мусиқадаги метроритмик пульсация. Жазда эса битнинг тоифалари (граунд-бит, офф-бит, он-бит, ту-бит, фоур-бит ва б.) тантрик структурасининг талқини, ҳиссали ва ритмик урғуларнинг ўзаро муносабати, уларнинг ўзаро тўғри тушиши ёки тушмаслиги билан белгиланади. Қоидага кўра, қатъий ташкил этилган, муентазам битга бирмунча эркин ва эгилувчан ритмика қарама-қарши қўйилади. Такт ҳиссаларига нисбатан ритмик урғуларнинг доимий равишда

юзага келадиган микроаралашмаси импульсивлик таассуротини, мусиқий ҳаракатнинг ички зиддияти ва таранглигини кучайтиради.

**Блок-аккордлар**/Block chords – пианиночининг ҳар икки қўл партияларидағи параллел моноритмик аккордли ҳаракатга асосланган фортепиано ижросининг жаз техникаси. Унинг бошқа машҳур номи – ўзаро боғланган қўллар техникаси. У илк бор ўтган асрнинг 40-йилларида ишлаб чиқилган. Кейинчалик аккордли фактуранинг мазкур тоифаси кичик ансамбллар (комбо) ва биг-бендларнинг ижрочилик амалиётида қўлланила бошланди.

**Блюз**/Blues (тажминан америкача қисқа ибора- идиома “to feel blue”дан қайғуда бўлиш ёки инглизча “blue devils”дан меланхолия, ғамгинлик; blue ҳам “хаворанг” маъносини англатади) – негрлар мусиқа маданиятининг энг юксак ютуғи бўлган афроамерикача мусиқанинг анъанавий жанридир. У африкача манбалар билан узвий боғланган бўлиб, Жанубий, Марказий ва Шимолий Америка негрлари халқона мусиқасининг кўплаб жанрлари орқали намоён бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, блюз бир қатор негрлар фольклор вокал жанрлари асосида ривожланган бўлиб, улар орасида уорксонг, холлер, негритян балладаси ва спиричуэлз каби муҳим жанрлар бор. Блюзнинг ёрқин ва бетакрор қиёфаси унинг ўзига хос оҳанг, лад, куй, гармония ва шакл тузилишида намоён бўлади. Блюз анъаналари деярли барча асосий жаз услублари орқали намойиш этилган; ўз ижодларида унга XX асрнинг етакчи академик композиторлари мурожаат қилганлар (жумладан, М.Равель, Мийо, Гершвин, Колленд, Онеггер, Мартину ва б.); замонавий оммабоп ва рақсбоп мусиқаларнинг кўплаб шакллари ҳамда жанрлари унинг таъсири остида юзага келган.

**Блюз шакли**/Blues form – блюз банди (строфаси) тузилишининг характерли тоифаси. Блюз шакли деганда кўпинча классик, ўн икки тактли савол-жавобли, ААВ структураси такрорли “савол” А ва бир мартали “жавоб” В билан, “учинчи маротабадаги ўзгаришлар” тамойилига асосланиш назарда тутилади. Ушбу структурага блюз учун хос бўлган D-S-T

каденцияли, европача мусиқа билан ўхшашлиги бўлмаган муайян функционал-гармоник модель (квадрат) мос келади. Кўп марта такрорланувчи “блюз квадрати”нинг барқарорлиги мелодик импровизация учун ташкиллаштирувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Блюз шакли спецификаси “Блюз оҳанглари”/Blue notes мавзуси доирасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Лад алоҳида поғоналарининг бекарор интонацияланувчи, европача амалиётда қабул қилинган октаванинг тон ва ярим тонларга бўлиниши билан мос тушмайдиган зоналари жаз учун ҳам, умуман бутун негр мусиқаси учун ҳам хосдир. Етти поғонали товушқаторда (гептатоникада) кўпинча III ва VII поғоналарда “блюз терцияси” ва “блюз септимаси” жойлашади, улар шартли равишда мажорнинг пасайтирилган III ва VII поғоналари сифатида қайд этилади. “Блюз оҳанглари”нинг европаликлар томонидан нохолис идрок этилиши, негр мусиқаси - ғамли мусиқа (европача меёrlар нуқтаи назаридан мажор лади III ва VII поғоналарининг пасайиши ўзига хос “минорлашган” мажорни ҳосил қиласди), деган нотўғри тасаввур пайдо бўлишига олиб келди.

**Блюз товушқатори**/Blue scale – шартли тушунча бўлиб, унда бир маромли темперацияланган соз ва у билан боғлиқ нотация тизим доираси ила чекланган негр мусиқасининг (биринчи навбатда блюзнинг) товушқатор асоси хусусидаги европача тасаввур акс этган. Ушбу тасаввурга кўра “блюз товушқатори” кўшимча “блюз оҳанглари” – пасайтирилган III ва VII поғоналарга эга, еттипоғонали табиий мажор сифатида ўрганилади. Ҳақиқатда бу “поғоналар” европача гамманинг ўхаш поғоналаридан кўра ўзгача товуш баландлигига эга бўлган интонациялашнинг муҳим зоналари таркибиغا киради.

**Катта оркестр** – қаранг: Биг-бенд.

**Бонги**/Bongos – Лотин Америкаси (келиб чиқиши тахминан ҳиндуча бўлган) кичик барабанларининг тури. Одатда ёғоч халқа орқали ўзаро боғланган, турли катталиқдаги икки бонгдан иборат блок қўлланилади.

Бонглар Иккинчи Жаҳон урушидан кейин эстрада-рақс мусиқасида кенг тарқалди. Жазда эпизодик тарзда қўлланилади.

**Бонус трэк/Bonus-track** – дискка, қўшимчасига альбомнинг трек-варағига жойлашадиган композиция.

**Боп/Вор** – ўтган асрнинг 40-йилларида жорий бўлган жаз услуби. У шунингдек, “би-боп”, “би-бап”, “ри-бап”, “мintonс-услуб” номлари билан ҳам машхур. Мазкур номларнинг деярли барчаси (охиргисидан ташқари) товуш тақлид этувчи ўтмишга эга бўлиб, скэт-вокал амалиёти билан боғлик. “Мintonс-услуб” атамаси “Minton’s Playhouse” номли гарлем клуби номидан олинган, бунда бопнинг илк ижро чилари, асосчилари ўз чиқишиларини амалга оширганлар. Боп, негр жази кичик ансамбллари (комбо)нинг янги, экспериментал йўналиши сифатида свинг ўрнига келади. Бопни тавсифловчи муҳим тенданциялар – бу эски хот-жаз модернизацияси, эркин соло импровизациясининг хукмронлиги, куй, ритм, гармония, шакл ва бошқа ифодавий воситалар соҳасидаги новаторликдир. Боп замонавий жазнинг дастлабки аҳамиятли услуби ҳисобланади.

**Бопер/Vорег** – боп услубида чалувчи мусиқачи.

**БиПиЭМ/Bpm** – (Beats Per Minute) – ҳар дақиқага бир зарб. Бу мусиқа суръатини ўлчашнинг энг кенг тарқалган ва қулай усули.

**Брасс-бэнд/Brass band** (инглизча brass – мис, жез, band – оркестр) – бу архаик жаз даврига мансуб бўлган негр дамли чолғулар оркестрининг номларидан бири. У классик жаз ва замонавий дикси-ленд жаз ансамбллари номланишларида камдан-кам учрайди. Шунингдек, қаранг: марш оркестри

**Брейк/Break** (инглизчадан ёриб ўтиш, танаффус) – ансамбль жарангини узиб қўювчи қисқа импровизацион соло лавҳаси. У бирорта жаз пьесасининг бўлимини якунловчи каденцион “жавоб” ролини бажариши (қаранг: савол-жавоб тамойили), ёки яккахоннинг жўрнавозли импровизацион хорусига муқаддима сифатида келиши мумкин.

**Брейкбит** (breakbeat инглизчадан синувчан ритм) – бу шундай мусиқа услубики, унда солонинг барабанли йўлакчаси билан чоғиширилган

электрон мусиқани тушуниш лозим. Бундай партиялар күпинча бир тоифали ритмда эмас, балки “синувчан ритм” деб ном олган турли тоифали ритмларда бўлади ва дижейлар томонидан драм-машиналарда яратилади.

**Брекдаун** (брейкдаун)/Breakdown (инглизча break-down – вайрона, чалкашлик, тартибсизлик) – тезкор темпераментли негр халқ рақси . XIX аср ўрталарида менестрель театрининг шарофати билан катта машҳурликка эга бўлди (қаранг: минстрел-шоу). Бунда у барча қатнашчилар иштирок этадиган эркин, жамоавий импровизацияларга қурилган якунловчи оммавий рақс саҳналарида қўлланилар эди. Шунингдек, буги-вугига қардош бўлган Чикагода Бриж даврида (Bridge - инглизча ўтиш, кўприк) оммалашган фортепиано услуби ҳам шу атама билан номланган. У жаз мавзулари структурасидаги оралиқ бўлим бўлиб, якунловчи репризали бўлимдан аввал келади (масалан, В учинчи саккиз тактлик ААВА стандарт ўттиз иккитактили бандда). Қолаверса, у импровизация учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилувчи мавзуи ривож ёки контраст элементларини ўзида жамлаган. Брижнинг бошқа номлари – рилис (инглизча releas – эркинлик) ва ченNEL (инглизча channel – йўл, манба).

**Брейк денс\Break dance** – 1980-йилларнинг бошида Бронкс номли Нью-Йорк кварталида юзага келган рақс. Унинг илдизлари Африкага бориб тақалади, мусиқий жўрлик сифатида “рэп” ва прогрессив электрон мусиқа хизмат қиласди. Асосий ҳаракатлари: сирпанувчи қадамлар, сакрашлар, полда айланишлар, шунингдек, барча акробатик номерлар. 1980-йиллар ўрталарига келиб, брейкнинг урфлиги деярли тўлиқ ўтмишда қолди, бироқ 90-йилларда у яна ёдга олинди.

**Бристол саунд/Bristol sound** – Бристол “трип-хоп”и ушбу вазиятда маҳсус эътиборга сазовор. Мазкур йўналишнинг энг машхур ва ёрқин намояндлари: “MASSIVE ATTACK”, “PORTISHEAD” ва “Tricky”. Бу услугга “хип-хоп”га асосланган, “реггей-даба” ва ғаройиб электрон товушлар билан мутаносиблашган оғир ритм хосдир.

**Буги-вуги**/Boogie woogie (товуш тақлидчиси) – фортепиано блюз услуби, негр чолғу блюзининг дастлабки турларидан бири (архаик гитара блюзи, баррел-хаус-блюз ва б. билан бир қаторда). Тахмин қилинадики, бу услугуб жўровозликда блюз хонишидан фойдаланувчи шимолий американлик негрларнинг банджо ва гитара чалиш техникасини фортепиано ижро амалиётига ўтказиш натижасидир. Буги-вуги услуги XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда юзага келган ва хаус-рент-пати шарофати билан XX асрнинг биринчи ўн йилларига мансуб. Буги-вуги свинг даврида биг-бендлар репертуарига киритилди. Фортепиано буги-вугисининг ўзига хос қирралари – блюз анъаналарига таяниш, офф-бит тоифасидаги иборалар ва метроритмиканинг устунлиги, брейк ва риффлар билан тўйинганлик, бадиҳавийлик, техник виртуозлилик, жўрнавозликнинг специфик тоифаси (walkin bass – “адашган бас”) ва пианиночининг чап қўл партиясидаги ритмика (шаффл-ритм). Жаз буги-вугисининг баъзи хусусиятлари (ўн икки тактли блюз квадрати, моторли ритмика, тезкор суръат, бас фигурацияларининг остинатоли такори) кўнгилочар тижорат индустрияси томонидан 1930-йилларда яратилиб, урф бўлган эксцентрик рақснинг атрибутига айланди, бу рақс ҳам шундай ном билан 1945-йилдан эътиборан Европада оммалашди.

**Бутлэг**/Bootleg – бу концертларнинг қароқчилик йўли ёзиб олинган кўриниши бўлиб, улар кейинчалик ноқонуний равишда дискларга ёзилади ва “қора бозор”да сотилади.

**Бэк вокал**/Back vocal – бу саҳнадаги яккахон-хонанда ва унинг хонишига жўр бўлувчиларнинг ортида турган хонанда-вокалчилар ва мусиқачилар гуруҳидир.

**Бэкграунд**/Background (инглизча фон, орқа план) – етакчи куй йўли ёки яккахон партиясига жўр бўлувчини билдирадиган атама. Бэкграунднинг қўйидаги тоифалари ажратилади: 1) аккордли (бунда мавзунинг гармоник квадратига мос келувчи аккордлар кетма-кетлиги фон бўлиб хизмат қиласади);

2) мелодик (етакчи овозга жўровознинг контрапунктланувчи мелодик овозлари қарама-қарши қўйилади); 3) риффли (риффлар техникасига – остинатоли такрорланувчи мелодик моделларга асосланган); 4) бас (жўровоз ролини куйнинг функционал-гармоник таянчи бўлган бас йўли бажаради); 5) ритмик (тактнинг асосий хиссаларига ургу берилган, аниқ ташкиллаштирилган ритмик пульсация кўринишида); 6) аралаш (юкорида қайд этилган тоифаларнинг ўзаро мувофиқлашувчи аломатлари).

Классик даврда янги орлеанча жаз-бэндинг мустақил тоифаси чолғу гурухларининг ўзига хос бўлиниши билан жорий этилди: булар ритмик (банджо, дамли ёки торли бас, зарбилиар ва фортепиано) ва мелодик (етакчи овоз – корнет ёки труба, контрапунктланувчи овозлар, шунингдек, куйнинг гармоник жўрнавозлигига иштирок этувчи – кларнет ва тромбон), соло ва жамоавий ижронинг, импровизация ва аранжировканинг муайян ўзаро муносабатлари билан. Архаик жаздаги ижронинг гетерофон-вариацион услубидан фарқли ўлароқ, бу ерда етакчи овозли (лид) импровизацион контраст полифония тоифасидаги кўповозлик билан бир қаторда, ансамбль ижросининг бирмунча мураккаб ва мукаммал респонсор (савол-жавоб) тамойили тасдиқланди. Блюз анъаналари ўзининг бирмунча ёрқин ва изчил ифодасини топди, офф-бит, драйв, дерти-тонлар, шаут-эффектлар, стомпинг, брейклар, стоп-тайм-техника, хот-манера каби специфик ифода воситалари ва техник усуллар доираси аниқланди. 1917-йилдан кейин, Янги Орлеандаги кўнгилочар масканларнинг ёпилиши муносабати билан кўплаб жазменлар Чикагога кўчиб ўтдилар. Шу тариқа Янгиорлеан-Чикаго услуги ривожланди ва у илк свингнинг юзага келишига туртки бўлди (қаранг: чикагоча услуг). Янги Орлеан ва Чикагонинг негр жазига тақлид қилувчи оқ танли мусиқачилари орасида диксиленд услуги ривожланди. 1920-йиллар охирида Янги Орлеан услуги ўз аҳамиятини йўқотди ва тижорий кўнгилочар мусиқа томонидан сиқиб чиқарилди, бироқ 30-йилларнинг иккинчи ярмида унинг анъанавий ва янги шаклларда қайта туғилиши юз берди (қаранг: ривайвл).

Янгиорлеанча услубнинг ғоя ва тамойиллари замонавий диксилендда давом эттирилди.

## B

### Жаз асри – қаранг: Жаз эраси

**Вест-коуст-жаз** (Фарбий соҳиллар жази) West Coast Jazz - 1950-йилларда Калифорниянинг бир қатор шаҳарларида шаклланган замонавий жаздаги услубий йўналишлар (дастлабки намуналар 1949-йилларга манс уб). Вест-коуст-жаз аввало прогрессив ва боп каби услублар таъсири остида юзага келган, бироқ унда бошқа услубий алоқалар ҳам кузатилади – бу симфожаз, свинг, кул-жаз ва европача академик мусиқа. Вест-коуст-жаз учун эмоционал вазминлик, шакл ва овоз йўналишининг қатъийлиги, линеар-контрапунктик техникани қўллашга мойиллик, мўътадил суръатлар ва тугал кантиленали куй (баллада ва эвергрин руҳида), товуш садосининг майнлигига (бу борада вест-коуст-жаз хот-жазга эмас, балки кул-жазга яқинроқ) бўлган иштиёқ, гармоник ва тембр воситаларининг нафислиги, диатоник лад-тонал асоснинг “ялтироқ” хроматизми ва унинг ранг-баранг модуляцион усуллар билан мутаносиблиги, қўрғошин пульснинг “бўшашган” характеристири хотиржам, равон ритмика билан бир қаторда тугал, симметрик ибораларга мойиллик хосдир. Вест-коуст-жазнинг анъанавий жаз билан алоқаси бу услубнинг мусиқачилар томонидан бир вақтдаги гурухли импровизацияда қўлланилганига ишора қиласи. Камер-ансамбль ижрочилиги соҳасида вест-коуст-жаз учун катта оркестрлар ижрочилик техникаси усулларини ўзлаштириш хосдир (бутун ансамблнинг биг-бенд секциясига монанд ягона чолғу гурухига айлангунича). Вест-коуст-жазнинг оркестр амалиётида қарама-қарши тенденция кузатилади – бу камер ижро усули, тембрлар индивидуализацияси, соло импровизацияси ролини қучайтириш. Шунингдек, чолғучиликда гобой, инглиз рожоги, фагот, бас-кларнет, бас-труба, бас-тромbon, валторна, арфа, торли чолғулар каби жаз ансамбларида камдан-кам ишлатиладиган мусиқа созларининг қўлланилиши эътиборга молик; йўғон овозли ёғоч дамли чолғуларнинг саксофонлар билан мувофиқлашуви

одатий ҳолдир. Вест-коуст-жаз услуги европалашган концерт жазининг ривожланишига аҳамиятли равишда таъсири кўрсатди.

**Ви-жей/VJ** - видео-диск-жокей (video-disc-jockey) сўзидан олинган аббревиатура. Бу атама MTV юзага келиши билан пайдо бўлган. Вижей – мусиқий дастурни олиб борувчи, видеоклиплар орасидаги бўшлиқни тўлдирувчи.

**Водевиль/Vaudeville** – замонавий маънода – мусиқий номерлар, шеърлар, рақслар, пантомима ва трюкли саҳналарга эга майший комедия тури. АҚШда америкача водевиль (унинг турдоши сифатида эса хабашча водевиль) кенг тарқалди. Унинг спецификаси фабула ва мусиқанинг миллий ўзига хос қирралари билан, маҳаллий фольклор ва майший материалларга мурожаат, шунингдек, менестрель театр таъсири билан боғлиқ (қаранг: минстрель-шоу).

**“Диксиленд ва янгиорлеанча жазнинг қайта тикланиши”** – қаранг: Ривайвл

**Савол-жавоб (респонсор) тамойили/Responsorial principle (responsory, responsorium)** (лотинча respondeo – жавоб бермоқ) – мусиқий шакллантиришнинг универсал, асос солувчи тамойили бўлиб, шаклнинг шундай алоқа унсурлари тоифаси (тузилма, бўлим, қисм, мотив, ибора, жумла ва б.)ни назарда тутадики, унда мазкур унсурлар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи жуфтликларни ҳосил қиласди. “Савол” вазифасини бажарувчи мусиқий тузилманинг нақдлиги (у бекарорлик, нотугаллик, узилганлик каби хусусиятларга эга), “жавоб” тузилмасининг (аввал бузилиб, кейин тикланган динамик мувозанатнинг бирмунча барқарорлиги ва тугаллиги) юзага келишини таъминловчи омилдир. Савол-жавоб тамойили кўплаб европача шаклларда (концентрик планировка, кўзгули симметрия, мунтазам такрор ва ҳ.к. асосланган имитацион, репризали, рефренда) қўлланила бошланди. Мазкур тамойилни ижрочиликда амалга оширишнинг энг оддий усули – бу антифондир (лотинча antiphonos – қарши жаранг) – ансамбль икки гурухининг алмашиниб келиши, яккахонлар ўртасидаги, яккахон ва ансамбль

ўртасидаги айтишувлар. Афроамерикача мусиқа (урк-сонг, холлер, спиричуэл, блюз) ва жаздаги респонсор техника энг оддийдан (галма-гал ижро) энг мураккабгача бўлган (импровизация ва композиция, гармония ва куй мантиқи соҳаларида, алоҳида ижроилар ва чолғу гурухлари ўртасидаги функцияларни тақсимлашда) ғайриоддий усул ва воситалар орқали намоён бўлади.

**Вудсток/Woodstock** – рок тарихидаги энг маҳобатли фестиваль. У 1969 иили 15-17 август кунларида Нью-Йоркдан узоқ бўлмаган жойда ўтказилган. Унга Американинг турли бурчакларидан 400000 томошабин тўпланди ва улар 10 доллар эвазига 12 соат давомида муттасил рок мусиқасини тинглашлари мумкин эди. Фестивалда ўттииздан зиёд ижрочи қатнашди, улар орасида Жимми Хендрикс, Жанис Жоплин, Жо Коккер, Сантина ва бошқа кўплаб хонандалар бор эди.

## Г

**Габбер/Gabber** – “хард-рок”нинг бирмунча тезкор ва қаттиқ тури бўлиб, у 1989-йилда Голландияда кашф этилган. Унда зарбалар сони дақиқасига 400тагача етади, бироқ бу рақам асосан 200 ВРМ атрофида бўлади. Кўпинча болалар радиоэшилтиришлари ва бошқа кўнгилочар овозли чизмалардан олинган тезлаштирилган аралаш сэмпллардан фойдаланилади, улар мусиқага баъзи бир саёзлик, аҳмоқоналик тусини беради, деб ҳисоблайдилар.

**Гарлем жази/Harlem jazz** - 1920-30-йиллар негрлар жазидаги бир қатор услугубий йўналишларнинг умумий номланиши бўлиб, уларнинг юзага келиши Нью-Йорк Гарлемининг мусиқий ҳаёти билан боғлиқ. Бу ерда блюз (гарлем блюзи)нинг ўзига хос ижро усули ривожланди, ўз фортепиано жаз мактаби (гарлем страйд-услуби) шаклланди, шунингдек, камер ва оркестр свинги (гарлем жампи)нинг муҳим тури жорий этилди. 1920-йилларда Гарлемда ҳабашча водевиль ўзининг ривожланиш чўққисига эришди. Ўз оркестри билан кўплаб гарлем клубарида чиқишлиар қилган ва бир қатор оригинал услугубий концепциялар (жангл-услуб, концерт услуби, лирик “кайфият услуби”) яратган Дюк Эллингтоннинг сермаҳсул композиторлик ва концерт

фаолияти ҳам шу даврда бошлади. Гарлем жази анъаналарининг таъсири остида 1940-йилларда би-биоп услуби ривожланди (қаранг: боп).

**Гемиола/Hemiola** (hemiole) (лотинча бир яримли) – ритмик гурухлаш тоифаси бўлиб, унда асосий вазн ҳиссий туркумларининг умумий чўзимдорлигига мос тушмаган чўзимлар гуруҳи ҳосил бўлади (масалан, 3 ҳиссали гурухлар 2та уч ҳиссали тактларда ва ҳ.к.). Бу аснода юзага келадиган метрик ва ритмик ургуларнинг ўзаро мос келмаслиги, метрнинг вақтинчалик ўзгариши тасаввурини уйғотиб, унинг барқарорлигини бузади ва шу орқали мусиқий баённи динамизациялади. Мазкур тамойил африкача ритмлар учун мутлақ хос бўлиб, ундан афроамерикача мусиқа ва жазга ўтказилган (шунингдек қаранг: паттери, стомп).

**Глэм-рок** (инглизча Glam Rock, glamorous сўзидан олинган бўлиб, “эфектли” маъносини англатади) - 1970-йиллар бошларида Буюк Британияда юзага келган рок-музиқа жанри бўлиб, у ўша ўн йилликнинг биринчи ярмида энг етакчи жанрлардан бирига айланди. Глэм-рок ижрочилари учун экзотик либосларнинг театрал эфекти орқали ифодаланувчи ёрқин образ, макияжни мўл-кўл ишлатиш, андрогин қиёфа хос эди. Глэм-рок мусиқий жиҳатдан бир тоифали эмас, у ўзида рок-н-ролл, хард-рок, арт-рок ва эстрадани жамлаган. Глэм-рок услугбининг унсурлари диско, панк ва янги тўлқинга, шунингдек, Queen, Kiss, Marilyn Manson каби гурухларга ўз таъсирини ўтказди. Глэм-рок шунингдек, глиттер-рок номи билан ҳам машҳур.

**Гоа транс** (Goa/ psychedelic trance сўзидан олинган) – ушбу мусиқий услугбининг номланиши Ҳиндистонда жойлашган штатнинг номидан олинган. Бу штат ўз навбатида ўзига хос туристик Маккани намоён қиласи. Мазкур штат ҳудудида 1960-йиллардаёқ тасаввуфга мафтун бўлган турли-туман хиппилар ҳордиқ чиқаришган. Айнан Гоада гоатранс пайдо бўлган. Бу штат ҳудудида мана кўп йилларки ранг-баранг кўнгилочар кечалар уюширилади, унда халқ ҳеч бир таъкидларга қарамасдан, шунчаки кўнгил ёзади. Аммо бунинг барчаси унчалик ҳам осон эмас. Штат ҳудудида гиёҳванд моддаларни

исталган миқдорда истеъмол қилишга расман рухсат берилган. Мусиқага келсак, авваллари Гоа худудида техно-музиқа оммалашган эди, у бугунги кунда қайта туғилиб гоа-транс кўринишида қўлланилади. Бу борада ҳозирги кунда мустамлака бўлган Шарқ давлатларининг кўпчилиги замонавий Европа таъсири остида қолган. Шу сабаб Гоа трансни Психоделик транс деб ҳам атайдилар.

**“Сўзловчи барабанлар”/Talkint drums** – Африка барабанларининг алоҳида кўриниши бўлиб, улар узоқ масофаларга (10-15 кмгача) хабар етказиш учун мўлжалланган. “Сўзловчи барабанлар”нинг қурилмаси уларда кенг диапазондаги товушларни, товуш баландлиги ва тембр бўёқларини садолантириш имконини беради. Шу сабаб ижрочи маҳсус товуш сигналлари тизимидан фойдаланган ҳолда, энг турфа маълумотларни кодлаши ва етказиши мумкин. Барабан жарагининг баландлиги ва тембрини вариациялашга қоидага кўра, барабан юзасига тортилган терининг таранглигик кучи ҳисобига эришилади. “Сўзловчи барабанлар”да чалишнинг айрим усуллари жаз амалиётида, зарбли чолғулар ижросида қўлланила бошланди.

**Госпел-сонг/Gospel song** (инглизча Gospel – Таврот, song – қўшиқ) – негрларнинг Таврот мавзусидаги диний қўшиқлари жанри бўлиб, у 1930-йилларда АҚШда тарқалган. Негрларнинг фольклор жанрига мансуб бошқа, диний мавзудаги қўшиқларидан (спиричуэл, жюбили ва б. каби) фарқли ўлароқ, госпел-сонгнинг матни ва мусиқаси асосан профессионал муаллифлар томонидан яратилган. Госпел-сонг хор спиричуэлидан шуниси билан фарқ қиласиди, у асосан якка ижро учун мўлжалланган бўлиб, блуз анъаналари билан кўпроқ боғланган ва импровизацияга янада тўйинган; қолаверса, у ривожланган чолғу жўрлигига ҳам эга бўлиши мумкин (спиричуэл эса одатда а capella тарзида ижро этилади).

**Гранж** (инглизча Grunge) – бу 1980-йиллардаги альтернатив рокнинг услубий оқими ҳисобланган мусиқий йўналишdir. Мазкур жанрнинг пайдо бўлган жойи Сиэтлдир. Гранж куйчанлик ва лирика, гитара партиялари ва

вокал солосининг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи қўшилмасидир. Гарчи шундай бўлса-да, гранж услуби мусиқасида динамик кўтарилиш ва тушишларни, торли ва зарбли чолғуларнинг феерияларини, матнларида эса баъзи бир депрессияни тинглаш мумкин.

**Граул/Growl** (инглизчадан “ириллаш”, “хириллаш”) – хириллок, “ирилловчи” жаранг. Бу негрлар фольклор амалиётидан (қаранг: шаут, дёритон) жазга ўтказилган чолғу-тембр эффектидир. У кўпинча мис дамли чолғуларнинг қуи регистрида сурдинни қўллаш (айниқса тромбонда) орқали ишлатилади, аммо бошқа дамли чолғуларда ҳам ижро этилиши мумкин (кларнет, саксофон ва ҳ.к.). Ранг-баранг граул-эффектлар жангл-услублар учун хосдир.

**Граунд-бит/Ground beat** (инглизчадан “асосий зарба”, “пульс”) – жаздаги барқарор мунтазам пульс бўлиб, у тактнинг метрик структурасига мос тушади. Коидага кўра, граунд-бит жаз ансамблининг ритм-гурухига топширилади; у ансамбль ижросининг ташкилотчи-етакчисидир. Шу билан бирга граунд-бит жаз мусиқасида уни бирмунча индивидуаллашган ва ритмик жихатдан эркин бўлган контролозлар билан мувофиқлаштириш йўли билан, ёхуд унга метрик ҳиссаларга нисбатан ҳийла сезиладиган ритмик урғулар аралашмасини киритиш орқали ранг-баранг метроритмик зиддиятларни яратиш асоси бўлган (қаранг: офф-бит)

**Грув-метал** (инглизча Groove metal) – мусиқанинг услугбий йўналиши бўлиб, у трэш-метал оқими саналади. Мазкур услугбнинг муҳим хусусияти – унинг юқори тезликдаги садоланиши ва композициядаги ритмик ўтишларнинг ҳайратланарлилигидадир.

**Грэмми/Grammy** – кино соҳасида “Оскар” қандай нуфузга эга бўлса, “Грэмми” ҳам мусиқа санъатининг энг юқсак совринидир. Ҳар йилнинг якунида мусиқа танқидчилари томонидан сўровнома ўтказилади ва турли номинацияларда энг яхши ижрочи, гурух ва диск аникланади. Бундан ташқари, “Грэмми” энг яхши жаранг, энг яхши муқова, энг яхши дебют учун ҳам топширилади. Бундай совринга эришиш ҳар бир мусиқачи учун

шарафдир. “Грэмми”нинг ўзи эса – митти кулгули граммофон бўлиб, унинг нусхалари ғолибларга топширилади.

## Д

**Даб/Dub** – бу мусиқий услубдан кўпинча чил-аутни безаш учун фойдаланилади. Унинг асосий фарқ қилувчи томони – гарчи жўрнавоз чизигининг етакчиси бўлса-да, аммо аниқ, ёрқин, тўлақонли, қаттиқ бас овозига эгалигидир. Яна бир хусусияти – вазмин, бўлинувчан ритм ва катта миқдордаги ревербиациялар.

**Даун-бит/Down Beat** (инглизча down – пастга; Beat – зарба, пульс) – бу жазча иборалаш тоифаси бўлиб, ундаги эркин артикуляцияланувчи ритмик гуруҳлар ичида тактнинг асосий ҳиссаларидаги таянч урғулар сақланади. Мазкур метод бир чолғу партиясида граунд-бит (яширин кўринишда) ва офф-битнинг бир вақтдаги мутаносиблигини амалга ошириш имконини беради.

**Даун-битс/Downbeats** – “хип-хоп”га яқин мусиқий услуг бўлиб, унинг майин, юмшоқ басли, заифлашган, ўта вазмин ритмик чизмаси бор. Мазкур атама матбуотда чолғу “хип-хоп”ига ёзилган такризлар сабаб пайдо бўлди. 1998 йил январида “AIR” француз командаси ўзининг “Moon Safan” номли дебют альбомини чиқаради, ва у мазкур категориядаги аъло намуна бўлиб қолади.

**Дерти-тон/Dirty tone** (инглизча dirty – нотоза) – афроамерикача мусиқа ва жаздаги интонациянинг специфик тоифаси бўлиб, у товуш баландлигидаги ўта бекарорлиги, кенг ва тез-тез юз берадиган вибрацияси, кескин динамика ва таранглиги, ёрқин ифодаланган экстатик характеристери билан ажralиб туради. Мазкур услубнинг келиб чиқиши негр диний маросимлари билан боғлиқ. У шаут-хонишининг ажralмас қисми бўлиб, айниқса хот-жазда (ҳам чолғу, ҳам вокал турида бирдек) тез-тез қўлланилади, шунингдек, у ўзига қардош бўлган ифода воситалари (офф-питч, “блюз оҳанглари”, граул-эффект, скэт ва ҳ.к.) билан мутаносибликда ҳам янграйди.

**Жаг/Jug** (инглизчадан кўза, идиш) – келиб чиқиши ғарбий Африкадан бўлган негр архаик мусиқа чолғуси. У ингичка бўйинли идиш кўринишида

бўлиб, фольклор ансамбларида усул берувчи ёки овоз жарангини кучайтирувчи резонатор вазифасини бажаради. Кўпинча бас чолғусининг ролини ўйнайди. Жаг чолғуси Жанубий ва Марказий Америкада, айниқса Вест-Индияда кенг тарқалган. Шимолийамерикалик негрларда бу чолғу блюз куйлаш ва рақс тушишда қўлланилади.

**Жаз бенд/Jazz-band** – унча катта бўлмаган жаз оркестри (5-10 ижроидан иборат). “Жаз бенд” номи илк бора 1915-йилда Янги Орлеанлик Т.Браун ансамблининг концерт афишасида пайдо бўлган. Ўшанда оркестр Чикагода “Tom Brown’s Dixieland Jazz-Band” номи билан чиқкан ва бу атамадан кичик рақс оркестрларини номлаш учун фойдаланила бошланган.

**Филармониядаги Жаз/Jazz at the Philharmonic** (қисқ. JATP) – 1942 йил Лос-Анжелосда импресарио Норман Грац томонидан ташкил этилган Жаз концерт ташкилоти. Унинг фаолиятидаги бош вазифалардани бири – жазнинг етакчи мусиқачиларига филармония концерт залларида мунтазам равишда чиқишлиар қилиш имконини яратиб бериш, шунингдек, АҚШ ва чет элларда жаз ансамбллари ҳамда яккахонларининг гастрол сафарларини уюштиришдан иборат. Айни пайтда “филармониядаги жаз” ёки “филармоник жаз” тушунчаси бирмунча кенг маънода қўлланилмоқда, яъни барча замонавий жаз-концерт мусиқасига нисбатан.

**Жаз эраси (“Жаз асли”)/Jazz Age** – жаз тарихида тахминан 1917-1929-йиллар сифатида қайд этилган даврнинг шартли номланиши (биринчи жаҳон уруши охиридан АҚШнинг иқтисодий инқирозигача бўлган давр). Ушбу даврни “Жаз асли”, дея илк бор америкалик ёзувчи Фрэнсис Скотт Фитцджеральд ўзининг “Tales of the Jazz Age” (1922) номли китобида номлаган эди. Жазнинг сенцияон “очилиши” шу давр билан боғлиқ бўлди, бу унинг шиддат ила гуллаб-яшнаши ва кенг миқёсда тарқалишига олиб келди. Хронологик жиҳатдан қайд этилган бу давр, классик жаз даврига, ва ундан “свинг эраси”га ўтиш ибтидосига тўғри келади.

**Жаз-рок/Jazz rock** – жаз ва рок-музиқанинг ўзаро синтези натижасида юзага келган услубий йўналиш. Жаз-рок ўзининг ривожланиш чўйқисига

1960-йиллар охирида эришган (фри-жаз мусиқачиларининг ташаббуси билан кўлланилган дастлабки экспериментлар 1950-йиллар охирига мансуб).

**Жайв/Jive** (америкачадан бекорчи гап, сафсата, шева) – мазкур атама бир қатор маъноларни англатади: 1) бу ҳам “жаз” дегани; 2) шеър матнидаги турлича “таъқиқланган” мавзуларни усталик билан талқин этиш имконини берувчи блюзнинг рамзий тили – масалан, фоҳишабозлик, алкоголизм, гиёҳвандлик, жиноят ва ҳ.к.; 3) свинг услуби даврида биг-бенд томонидан гарлем жампи усулида ижро этилувчи мусиқанинг номланиши, шунингдек, мазкур услугуб билан боғлиқ оммавий рақсларнинг номланиши; 5) жаз мусиқачилари ва жаз шинавандаларининг шеваси.

**Жамп/Jump** (инглизчадан “сакраш”) - 1920-30 йилларда гарлем мактаби жаз мусиқачилари (қаранг: гарлем жази) томонидан яратилган негр свингининг тури. У ўзининг ўта ҳаяжонли ижро усули, товушининг кучли ва кескин ҳужуми, оҳангидаги бўлиниш ва сакрашларнинг сероблиги, катта динамик босим ва интилувчанлик (қаранг: драйв), асосий метрик хиссалардаги қаттиқ, оғир урғули бир маромли ритми (қаранг: бит, граунд-бит) билан фарқланади. Жамп блюз ва негр хот-жази анъаналари билан узвий боғланган.

**Жангл/Jungle** – мазкур услугуб 1988-йил Англияда юзага келган. Бу бўлинувчан африкача ритмлар ва замонавий технологиялар имкониятларини ўзида жамлаган мусиқий йўналиш. “Жангл”ни бошқа услублардан унинг агрессив жаранги, қабул қилинган 180-190 брт суръати, ритмик қўповозлик, титилиб кетган бас йўли, ритмик чизмаларнинг эркин тарзда аралашиб кетиши, кичик тембр ранг-баранглиги ажратиб туради. 1992-йилдан эътиборан мазкур услубнинг SL2 гуруҳининг “On A Ragga Tip” сингли билан катта саҳнага ёриб чиқиши қузатилади. Шундан буён “жангл” инглизлар ва илғор жазменларда орасида катта машҳурликка эга бўлди. “Жангл-жаз” услуги бунинг далилидир.

**Жангл-услуб/Jungl style** (“жунглилар услуби”) - 1920-йилларнинг иккинчи ярмида жазда юзага келган услубий йўналиш. Мазкур услубнинг

асосчилари ва етакчи намояндаларидан бири Дюк Эллингтондир. Жанг-услубнинг ўзига хос қирралари бу – тембрларнинг экзотик комбинациялари, кескин диссонансланувчи жаранг ва кластерлар мўл-қўллиги, ранг-баранг сурдинали эфектлар, дамли чолғулар ижросидаги граул-усул, деритонлар, глиссандо, шаут-усуллар, инсон ва ёввойи ҳайвонлар овозига тақлид. Бунда экзотика ва варварлик услубияти нафис оркестр колорити билан, блюз ва хот-жаз анъаналари гармония, тоналлик, шакл ва чолгулаштириш соҳасидаги экспериментлар билан тез-тез мувофиқлаштирилади. Жанг-услубнинг қўплаб ифода воситалари замонавий жазда ўз ифодасини топди.

**Жем-сешн/Jam session** (инглизча “тасодифий учрашув”) – бу бўш вақтларида (асосан тунда) ҳамкорликдаги эркин ижро ва фикр алмасиц учун, ёки ижро маҳорати ҳамда импровизация санъати бобида ўзаро беллашиш учун тўпланадиган жаз мусиқачиларининг анъанавий ижодий учрашувлариdir. Жем-сешнда чиқишлиар қилувчи ансамбллар қоида қўра, аввалдан белгиланмайди, ва улар бевосита ижро жараёнида ўзгариши мумкин. Бундай “концертлар”нинг дастури ҳам тасодифий характерга, бу эса мусиқачиларнинг аввалдан тайёргарлик қўриш имкониятини йўққа чиқаради. Жем-сешн анъаналари XX аср бошларидаёқ янгиорлеанча жаз мусиқачиларида мавжуд бўлиб, у ҳозирги кунга қадар сақланиб келмоқда. Жем-сешнлар қўплаб жаз услубларининг қайта ишланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади.

**Жюбили/Jubilee** (инглизча “байрам”, “шодиёна”) – архаик негр диний қўшиқ-мадхияси. Жюбили асоси – бу аҳамиятсиз ўзгаришли қўп маротаба такрорланувчи ва янги импровизацион овозостили (бандли вариациялаш тамойили) каноник хорал қуй. Одатда, жюбили ижроси жараёнида европача чёрков мадхияси куйининг қатъий ва сокин баёнидан африкалашган техника, импровизация ва “блюз оҳанглари”, экстатик шаут-хонишгacha бўлган рақсбоп ритмлардан фойдаланган ҳолда, бирмунча эркин ва динамик баёнга аста-секин ўтиш юз беради.

**Ди-жей/Dj** – (диск-жокей) – дастлаб ди-жей деб, радиода мусиқий дастурларни олиб борувчиларга айтилган, улар бундан ташқари продюсерлик фаолияти, мусиқачиларни “юзага чиқариш” билан ҳам шуғулланар эдилар. 1970-йиллар бошида “диско” рақс услубининг пайдо бўлиши билан тунги дансинг – дискотекалар ниҳоятда оммалашиб кетди ва ди-жейларнинг иккинчи иш жойига айланди. Тахминан шу пайтда диск жокейлар Гэри Кроуэл номли инсон сабаб янги мутахассисликка эга бўлдилар. У илк бор миксларни ҳозиргидек тайёрлай бошлади. 1980-йилларнинг ўрталарида ди-жей санъатининг ривожланиши учун навбатдаги турткини Фрэнки Наклс ўз мусиқасида “рэп”ни қўллаш орқали амалга оширди. Ва ниҳоят, 1980-йиллар охирида техно услуги пайдо бўлади. Мазкур мусиқа тури билан яна бир ди-жей – бу Жек Мастер Фанкнинг номи боғлангандир. Шу тариқа, бу профессия мана шундай ўзгаришларни бошидан ўтказди. Агар бошида ди-жей яхши овозга эга конферансъе бўлган бўлса, ҳозирги кунда у бир инсон қиёфасидаги ҳам мусиқачи, ҳам овоз режиссёридир.

**Диксиленд/Dixiland** (инглизчадан “диск мамлакати”) – анъанавий жазнинг асосий услугубий турларидан бири (янгиорлеанча услуг билан бир қаторда). Мазкур атама фольклор негизга эга (“дисклар мамлакати”- АҚШ жанубий штатларининг рамзий номи); у оқ танли мусиқачилар – диксиленд яратувчилари томонидан, негрча жаздан фарқли томонини ажратиш ва “жаз” сўзининг ўзини ишлатмаслик учун амалиётга киритилган. Сабаби “жаз” атамасига узоқ вақт давомида менсимаслик кўзи билан қаралган. Диксиленднинг дастлабки намуналари XIX асрнинг охирларига мансуб бўлиб, у тахминан 1910-йилда батамом жорий этилди. Даставвал оқ танли мусиқачиларнинг фаолияти янгиорлеанча услугга кўр-кўrona тақлид қилиш билан чегараланиб, бунинг натижаси кам эди. Диксиленднинг иккинчи авлод мусиқачилари негр жазининг асосий ифода воситалари (импровизация, офф-бит, “блуз товушқатори”, хот-тон ва б.)ни ўзлаштириб, ирқий тўсиқларни аста-секин енгиб борди. Натижада диксиленд-жази ва янгиорлеанча услуг ўртасидаги фарқлар текислана бошлади, бу эса жаз мусиқасининг янги,

аралаш услубий шакллари юзага келишига ва ривожланишига туртки бўлди. Диксиленд бошланғич босқичларда асосан менестрель анъаналар ва архаик марш капеллалари мусиқаси (қаранг: марш оркестри) ва айниқса регтайм таъсири остида ривожланди. 1916-йилларга келиб унинг классик негр жазига тўлақонли қайта таяниши юз берди. Диксиленднинг кўплаб ўзига хос аломатлари 1920-йилларда унинг ўрнига келган чикагоча услубда сақланиб қолди.

**Диско**(инглизча “disco”) – у мусиқий услубни, қолаверса, 1970-йилларнинг иккинчи ярмида поп-музиқада кенг тарқалган студиявий саунд тоифасини англатади. Диско бир қатор артистлар (Глория Гейнор, Донна Саммер, VILLAGE PEOPLE ва б.), шунингдек, продюсерлар (Жоржо Мородер, Нил Богарт, Жан Моралли, Фредди Перен, Жан-Марк Серрон) ижоди билан боғлик. Диско-мода “Шанба оқшомидаги безгак” номли (1979) диний голливуд фильмни томонидан қўллаб-куватланган. Дисконинг мусиқий асоси – оддийлаштирилган фанк- ва соул-музиқадир. Диско-музиқанинг ритмик асосига зарбларнинг муайян частотаси (таксинан дақиқасига 120та зарб) хос бўлиб, аранжировкасида вокалнинг бир вақтдаги “чолгулаштирилиши” алоҳида аҳамият касб этади. 1990-йилларнинг ўрталарида диско-музиқа яна рақсбоп мусиқадаги умумий мода сабаб услубий қайта тикланишларни бошдан кечиради.

**Драйв**/Drive (инглизча “харакат”, “таъкиб қилиш”, “пойга”, “шошилиш”) – жаз ижросидаги шиддатли усул бўлиб, унинг асносида суръатнинг ўсувчан тезлашуви эфектига, ҳаракатнинг фаол интилевчанлигига эришилади. Драйв ифода воситалари ва усулларининг бутун мажмuinи назарда тутади, масалан метрик пульсация ҳиссаларининг мунтазам равишда илгарилақ кетиши (қаранг: офф-бит), ҳисса ургуларининг эркин жойлашувидан (1- ва 3-ҳиссага ёки 2- ва 4-ҳиссага) ҳар бир ҳиссанинг ургуланишига, бирмунча йирик ритмик чўзимлардан бир қадар майда товуш, свинг, стомп, риффаларнинг динамик аттакасига ўтиш каби.

**Драм-н-басс/Drum'n' bass** – “брейкбит” концепцияси ифодаларидан бири бўлиб, у 1990-йилларнинг бошида услуг сифатида шаклланган. Унда бас йўли 80 bpm суръатда ва турли барабанлар мажмуи 160 bpm суръатда ўзаро мувофиқлашади. Бор хусусияти шундан иборат. Барабанлар темпераменти сабаб мазкур услуг рақссимон деб, баснинг бирмунча вазмин йўли туфайли уни бўшаштирувчи мусиқа, дея қабул қилиш мумкин. Ушбу услугга тобора гўзал, баъзан эса ҳаёлчан куйлар қўшила бошланди. Хуллас, 1990-йилларнинг ўрталарида Drum'n' bass аста-секин, бироқ ишонч билан интеллигент жанглга трансформацияланади.

**Дрим-поп/Dream-pop** - 1980-йиллар бошида “PINK FLOYD” номли британча электрон психodelика, эмбиент Брайан Ино, Роберт Фриппнинг “овозли пейзажлари” ва немисча “краут-рок” нафосати асосида юзага келган. “Дрим-поп” гўёки “замонлар қаъридан” келаётган қандайдир ёқимли сир, жумбок мухитини яратди. Ушбу йўналиш намояндалари акустик, симфоник, “хор”, шунингдек, мутлақ фантазиявий синтезаторли тембрларни ўз аранжировкаларида кенг қўллаганлар ва мумтоз ҳамда фольк бадиий тили унсурларидан фойдаланганлар. Бундан ташқари, улар поп-музиқани ҳам “бегона” қилмаганлар. Ҳавоий, қуйилувчан гитарали-электрон материя, стереопанorama бўйлаб сочилган перкуссияларга бой ҳажмдор саунд, салкам операдек вибраторли аёллар вокали “дрим-поп” етакчиларининг ташриф картаси бўлиб қолди. 1980-йилларнинг иккинчи ярмида “дрим-поп” асосида “Shoegazing” каби йўналиш униб чиқди, у бирмунча тўйинган гитара-синтезаторли жаранг ва ғамгинроқ руҳият илиа тўйинганлиги билан тавсифланади. Бошқа томондан, “дрим-поп”нинг назокати “нью-эйж”дек релаксацион мусиқага, шунингдек, “хаус”нинг баъзи йўналишларига (“дрим-хаус”, “трип-хоп” ва б.) яқин бўлиб чиқди.

## E

**Евротранс/Eurotrance** – мусиқа оламидаги энг оммавий жанрлардан бири. У бирмунча кенг маънодаги “транс”нинг айнан тижорат кўринишидир.

Бу услубият шуниси билан эътиборлики, унинг композицияси бандли чолғу қисми ва вокал солонинг ўзаро алмашиниб келиш тамойилига қурилган. Шунингдек, евротранс электрон ритмининг сирлилиги, тез-тез ўзгариб турувчи куй аранжировкалари, кўплаб ди-жейлар тармоқларидағи экспериментлар учун катта майдон эканлиги билан машҳурдир.

“DJs&Work”, “Novaspace”, “Groove Coverage”, “Fragma”, Jan Wayne кабилар электрон мусиқанинг бу услубида кўплаб қалбларни ром этиб, бирмунча ёрқин порладилар.

### 3

Рок-н-роллинг Шухрат зали/Rock and hall of fame - 1980-йиллар бошида Кливленд номли Америкадаги шаҳарда яратилган. Шухрат залида ҳар йили мунтазам равишда энг яхши ижрочилар тақдирлаш маросимлари ўтказилади, қолаверса бу – ўзига хос музей. Шухрат зали мемориалига кириш учун 25 йилдан кам бўлмаган супер юлдуз унвонига эга бўлиш керак. Бундай шарафга биринчилардан бўлиб Элвис Пресли, Рей Чарльз ва “THE BEATLES” кабилар мушарраф бўлганлар.

Ғарбий соҳил жази – қаранг: Вест-коуст-жаз.

“Товушли идеал”/Ideal sound – ғарб мусиқа илмида мусиқий товуш сифати ва гўзаллиги хусусидаги, яъни у ёки бу тарихий даврга, услубнинг миллий маданиятига оид бадиий идрок ва тафаккур меёрлари билан белгиланган зарур хусусиятлар ҳақидаги эстетик тасаввурни ифодалаш учун қўлланиладиган атама. “Товушли идеал” – товуш қаттиқлиги, вақт, тембр ва товуш баландлиги каби тавсифларга эга; у бадиий жиҳатдан тўлақонли, яъни мусиқий чолғулар ва овознинг ифодали имкониятларига, ижрочилик санъати анъаналарига эга бўлган товуш садоланиши ва товуш йўналишли тўғри мезонлар билан узвий боғланган. Турли давр ва халқлар мусиқасида у ўзининг индивидуал ўзига хос қирраларини топди. Ўрта асрлар мусиқа маданияти ва классицизмнинг, академик мусиқа ва фольклорнинг “товуш идеаллари” турличадир. Жазнинг “товуш идеали” (“жаз саунди” дея

номланувчи) ўзининг специфик хусусиятларига эга бўлиб, жаз услубиятининг энг муҳим тоифаларидан биридир.

## И

**Импровизация/Improvisation** (лотинча *improvisus* сўзидан олинган бўлиб, кутилмаган, тасодифан, қўққисдан маъноларини англатади) – ижод методи бўлиб, у экспромт тарзида, эркин фантазиялаш жараёнида яратиладиган асарни назарда тутади. Мусиқий импровизацияда композитор (мусиқа яратувчи) ва ижрочи (талқин этувчи) вазифаларининг бўлинишидек тушунча йўқ; улар ўзаро мантиқий бирликни ҳосил қилиб, бир вақтнинг ўзида мусиқачи-импровизаторни амалга татбиқ этадилар. Жазда (академик мусиқа санъатидан фарқли ўлароқ) импровизация асос солувчи аҳамиятга эга, гарчи уни алоҳида вазиятларда қўллаш мажбурий саналмайди. Жаздаги импровизацион техника турлари ва воситалари фавқулодда ранг-баранг, бу эса турфа хил жаз услубларининг хусусиятлари, мусиқачиларнинг индивидуал ижро усули, жаз учун хос бўлган мусиқий шакл ва жанрлар билан изоҳланади. Бунда импровизациянинг вокал ва чолғу, соло ва ансамбль, тонал ва атонал, эркин ва чегарали (берилган чизмалар, моделлар стандартларга асосланувчи, қисман ёки тўлиқ режалаштирилмаган, композиция ва аранжировка унсурлари билан мувофиқлашувчи, ҳатто нота ёзуvida тўлиқ қайд этилган) турлари кенг қўлланилади. Бу қисқа брейк ёки ривожлантирилган мелодик хорус, муайян мавзу, гармоник квадрат ёки ҳатто ривожланган шакли тугал пьесага импровизация, импровизацияга импровизация, модал ёки алеогорик импровизация, линеар-контрапунктик, гетерофон, орнаментал-вариацион ёхуд респонсор усулдаги жамоавий ўйин, мусиқачининг бошқа жаз ижрочиларининг импровизацион услубига тақлиди ва х.к.

**Индии-поп/**(инглизча *Indie pop*) – мусиқа оламидаги йўналиш бўлиб, аниқ чегараларга эга, у кўпроқ индии-рокнинг тури сифатида хизмат қиласи ва келиб чиқиши ҳиндча бўлган қўплаб композицияларни таърифловчи

тушунчани англатади. Индии-попнинг мусиқий формати мусиқанинг кўплаб форматларидан шуниси билан фарқ қиласдики, у аввал бошдан радиоэшииттиришга йўналтирилмаган. Бу кўпроқ “жонли” чолғу ижроси учун мўлжалланган жанрдир. Унда гитара, барабанлар, баъзан эса торли чолғулардан ҳам фойдаланилади.

**Интеллигент**/Intellegent – бундай тавсифномага эга мусиқа турли кечалар, шунингдек, рақс майдонини безашдан кўра кўпроқ, тинглаш ва хотиржам вақт ўтказиш учун мўлжалланган. Унинг “жангла”, “техно” каби интеллигент-вариантлари мавжуд. Соф услублардан фарқли ўларок, уларнинг ақлли версиялари бирмунча оҳангдор, муҳитбоп бўлиб, унда ҳатто ўта чиройли мавзуларни ҳам кузатиш мумкин.

Интро/Intro (introduction) – мусиқий асарнинг асосий қисми учун яратилган кичик чолғу муқаддимаси (камдан-кам ҳолларда нутқли).

**Ист-коуст-жаз** (Шарқий соҳиллар жази)/East Coast Jazz - 1950-йилларнинг биринчи ярмида АҚШнинг шарқий соҳилларида (бош марказ – Нью-Йорк) жорий бўлган замонавий жаз услугуб ва йўналишлари гурухининг умумий номланиши. Ист-коуст-жаз намояндлари – асосан рангли мусиқачилар. Унинг муҳим услугубий шакллари - хард-боп ва соул. Вест-коуст-жаз экспериментларига реакция сифатида юзага келган мазкур услублар учун европалашган концерт шакллари соҳасида блюз анъаналарининг қайта тикланишига ва замонавий асосдаги негр хот-жазига бўлган мойиллик хосдир.

## К

**Кавер-версия**/Cover – аввал машҳур бўлган бирор-бир композициянинг қайта аранжировкаланган ва қайта ишланган версияси бўлиб, унда оригинал мавзу ёки қуй, масалан жаз стандарти ёхуд ҳалқ оҳанглари, услубан қайта тафаккур этилиб, янги аранжировкада мавжуд бўлади.

**Канзасча услуб** (Канзас-Сити-жаз)/Kansas-City-jazz - 1920-йиллар охирида Канзас-сити шаҳрида юзага келган илк негр свингининг услубий тури. У свингча пульсация (баунс)нинг характерли тоифаси, чўзилган фоур-

бит, риффлар ва офф-бит иборалар техникасидан ранг-баранг тарзда фойдаланиши билан фарқланади. Мазкур услубда анъанавий жаз, регтайм ва Ўрта Ғарб мусиқий фольклорининг таъсири кузатилади. Канзасча услуб қайсиdir маънода бирмунча кейинроқ юзага келган замонавий жаз, хусусан боп ва кул каби жазлардан илгарилаб кетган.

**Кантри/Country** (Country music) – (инглизча country – қишлоқча) – фольклор негизидан униб чикқан ва Американинг жануби-шарқий ва ғарбий штатларида қишлоқларда яшовчи оқ танли аҳоли мусиқа маданиятининг анъанавий қўшиқ-чолғу мусиқасининг кўплаб мактаб, услуб ва йўналишлари орқали тақдим этилган. Кантри XX аср бошларида турли европалик халқлар мусиқа фольклорининг архаик шакллари аралашувининг узун жараёни натижасида жорий бўлган. У дастлаб қишлоқ туманларида фермерлар, қишлоқ хўжалиги ишчилари ва ўрмон кесувчиларнинг мусиқаси сифатида, фолькмюзик ёки қисқача фольк номи остида мавжуд бўлган. Кантри биринчи жаҳон урушидан сўнг граммафонёзувлар ва радионинг ривожланиши туфайли кенг тарқалди. Ва 1920-йилларда мазкур услубнинг машҳур ижрочилидан бири, скрипкачи ва хонанда Билли Хилл (1899-1940) номига бағишлиб хилбили (hillbilly) деб атала бошлади. Кантри услуби 1940-йилларга келиб “иккиламчи фольклор”га (профессионал муаллифлар томонидан яратилган) айланди ва тижоратлашди. Ғарбнинг ковбойча қўшиқлари – вестерналар билан бирга шаҳар муҳитида ҳам кантри-энд-вестерн (country and western, C&W) номи билан машҳурликка эршди. Кантри мусиқасининг баъзи бир кўринишларида негрча таъсирни кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда у деярли буткул кўнгилочар тижорат мусиқасига мансуб бўлди; шунингдек, мазкур услуб театрлаштирилган эстрада дастурлари - кантри-шоу шаклида ҳам тез-тез оммалашиб туради.

**Кантри блюз/Country blues** – архаик блюз номларидан бири бўлиб, асосан шаҳар шароитига оид классик блюздан фарқли ўлароқ, унинг қишлоқ мусиқа фольклорига мансублигини таъкидлайди. Классик блюзни шунингдек, биг-сити-блюз деб ҳам атайдилар (шунингдек қаранг: кантри).

**Кат/Cut** – радио ёки видео форматга мослаштирилган композиция версияси. Масалан, radio cut, chicago radio cut, airplay cut ва ҳ.к. Ушбу версиянинг мақсади шундаки, унда композиция шаклининг бирор қисми қисқартирилади (муқаддима, импровизация, кода ва ҳ.к.)

**Квадрат/Square** – бу жаз мусиқасидаги мавзу асосида ётган муайян масштабли (саккиз тактли, ўн икки тактли, ўн олти тактли ва ҳ.к.) тугал функционал-гармоник структурани англатувчи атамадир. Бутун пьеса давомида сезиларли ўзгаришларсиз кўп маротаба тақрорланувчи мавзу ва унга ижро этиладиган импровизация. Жаздаги мусиқий шакл муҳим тоифасининг мавжудлиги мазкур тушунча билан боғлиқдир. У гармоник квадратлар сериясини намоён этиб, улар фонида мелодик импровизация ривожланади. Бу ҳолат шаклланишнинг бир нечта тамойилларидан бир вақтда фойдаланиш имкониятини назарда тутади: бандли (строфик) вариациялаш (гармоник квадратнинг структуравий схемаси ўзгаришсиз қолади, бу пайтда унинг аккордикаси, фактураси ва ритмикаси вариацияланади), куй ва респонсор техниканинг яхлит импровизацион тарзда ривожлантирилиши (яккахонларнинг бир квадрат доирасидаги диалогик мулоқоти ёки мелодик солонинг бир нечта квадратга чўзилувчи савол-жавоб алмашинуви), шунингдек, репризавийлик (пьеса мавзунинг экспозицион ва репризали баёни билан ўраб олиниши).

**Классик блюз/Classic blues** – XIX аср охирида жорий этилган блюз тоифаси бўлиб, у архаик ёхуд қишлоқ блюзи, мазкур жанрнинг янги, урбанизацияланган (urban blues, big city blues) кўринишлари асосида ривожланган. Классик блузнинг гуллаган даври 1925-1935-йилларга тўғри келади, шундан сўнг унинг замонавий шаклларига ўтиш юз беради (қаранг: замонавий блуз). Бу вақтга келиб блузнинг мустақил бадиий воқелик сифатидаги энг муҳим қиррали хусусиятлари тўлиқ аниқланади: бу классик ўн икки тактли блуз шакли, куйнинг ўзига хос тоифаси, ривожланган респонсор техникаси, жанр турларининг тизими (вокал, вокал-чолғу ва чолғу блюзи; комбо ва биг-бенд-блюз; лирик ва драматик; мелодик ва шаут-блюз;

хот ва свиг-блюз). Классик блюз анъанавий жаз услублари ва йўналишларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди, масалан янгиорлеанча услуб, баррел-хаус, буги-вуги ва б.

**Классик жаз**/Classic jazz – архаик жаз асосида ривожланган жаз услубларининг умумий номи. Классик давр тахминан 1890-1929-йиллар билан белгиланади. Свинг эраси бошланиши билан у хотима топади. Классик жазнинг энг гуллаган лаҳзаси 1917-йилга яқин (Янги Орлеан), ва иккинчи марта 1920-йилларнинг ўрталарига (Чикаго) тўғри келади. Классик жазга унинг қуидаги услубий шаклларини тааллуқли дейиш лозим: янги орлеанчча услуб (у негр ва креолча йўналишлар орқали тақдим этилган), янгиорлеанчикагоча услуб (у 1917 йилдан кейин Чикагода, янгиорлеанлик кўплаб етакчи негр жазменларининг кўчиб ўтиши муносабати билан юзага келган), диксиленд (унинг янгиорлеанча ва чикагоча турларида намоён бўлади), фортепиано жазининг бир қатор турлари (баррел-хаус, буги-вуги ва х.к.), шунингдек, АҚШнинг Жануби ва Ўрта Ғарб шаҳарларида юзага келган, шу даврга мансуб жаз йўналишлари шулар жумласидандир. Классик жаз алоҳида архаик услубий шакллар билан бирга баъзан анъанавий жаз сифатида ҳам берилади.

**Классик свинг**/Classic swing – 1930-1944 йиллар баркамол свинг услуби даври бўлиб, у илк свинг услуби ривожининг бирмунча юксак поғонаси ҳисобланади (қаранг: чикагоча услуб) ва 1938-1942 йилларда ўзининг юксак чўққисига эришади. Шундан сўнг у тижоратлашиш ҳамда замонавий жазнинг биринчи планга чиқиши сабаб, тобора ўз ҳукмронлигини йўқота бошлайди. 1950-йилларда классик свингнинг анъанавий ва замонавийлашган шаклларида баъзи бир қайта тикланишлар юз берди.

**Клуб мусиқаси**/Club music – деганда сўнгги вақтларда урф бўлган бир қатор янги йўналишлар тушунилади. Улар орасида “acid jazz”, “drum-and-bass”, “jungle” каби йўналишлар бор. Уларнинг умумий хусусияти – рақсбоплик, монотонлик, секвенсор ва “лупалар” технологиясидан

фойдаланиш ҳамда мусиқанинг яратилишида муҳим бўлиб бораётган дижейнинг ролидир.

**Комбо**/Combo (инглизча combination – комбинация, мувофиқлаштириш) – замонавий жазда ўз тасдиини топган камер жаз ансамблининг характерли тоифасидир. Жамоавий ижро ва секцион бўлинишлар якканавозликдан устун бўлган биг-бенддан фарқли ўлароқ, комбо қоидага кўра ритм-гуруҳ жўрлигида импровизация қилувчи якканавозлар ансамблини намоён этади (баъзан бунда ритмик функция фақатгина бир чолғуга топширилади, баъзан эса умуман соло партияларидан ажратилмайди). Комбо ижро чилари таркибининг миқдори 2тадан 10-11та одамгача бўлиши мумкин, ва у шунга кўра, мазкур тоифадаги ансамблнинг ҳал қилувчи аломати бўлмайди. Улар спецификаси аввало, функцияларнинг мусиқачилар ўртасида тақсимланишига боғлиқ, бу эса комбо-жазни жаз мусиқасининг нисбатан мустақил услубий кўриниши, деб ҳисоблашга асос бўлади.

**Компакт диск**/CD – (compact disk) – бу лазер нури ёрдамида кейинчалик ҳам ҳисобланувчи маълумотнинг дискдаги рақамли стандарт ёзуви. CD стандартининг турли хил модификациялари миқдори доимо ўсиб боради. Ҳозирда расман қабул қилинган стандартларнинг сони 5та: мусиқий CD, компьютер CD-ROMи, интерфаол CD-i, CD-Photo ва Video CD. Бундай ранг-баранглик асносида ўз-ўзидан уларни ўзаро мужассамлантириш, уйғунлаштириш муаммоси юзага келади.

**Конга**/Conga (испан-америкача давра) – 1. Африка зарбли чолғуси. Пастки қисми торайган корпусга эга цилиндрический барабан тури. Чолғунинг узунлиги 70-80 см. Товуш ҳар икки қўлнинг бармоқлари ва кафти орқали ҳосил қилинади. Конга Лотин Америкасида кенг тарқалган бўлиб, замонавий рақсбоп ва қўнгил очар оркестрларда қўлланилади, баъзан жаз ансамблларига ҳам киритилади.

2. Румбага ўхшаш афроамерикача рақс бўлиб, икки ҳиссали ўлчовга эга ва тезкор суръатда, баъзан эса номдош зарбли чолғу жўрлигида ижро этилади. Куба карнавалларининг анъанавий рақси ҳисобланади.

**Концерт жази**/Concert jazz – мазкур тушунча катта концерт залларида оммавий тарзда ижро этиш учун маҳсус мўлжалланган жаз мусиқасига ёки концерт жанрларига (академик мусиқанинг концерт жанрларига ўхшаш) хос сифатларга эга бўлган мусиқага нисбатан қўлланилади. Концерт жази учун ўта жиддийлик ва мазмун теранлиги, ифода воситаларининг тозалиги, пухта ўйланган ва ишлов берилган шакл (бунинг натижасида композиция ва аранжировка ролининг ўсиб бориши), касбий маҳоратнинг юксак даражаси ва ижронинг техник жиҳатдан виртуозлиги, кўнгилочар функциялар ҳамда рақсбоп ритмикадан воз кечиш, ривожланган мусиқий дид ва шунга монанд идрок этиш маданиятига эга, тайёрланган тингловчига мурожаат этиш каби хусусиятлар хосдир. Бу борада негр фольклори (концерт спиричуэлси, концерт блюзи, евроамерикача мусиқанинг архаик шакллари (концерт регтайми)) ва анъанавий жаз (концерт диксиленди) асосида яратилган концерт жанрларига мисоллар маълумдир. 1920-йилларда симфожаз деб номланувчи оркестрлар томонидан ижро этилган қўшиқ, рақс ва жаз куйларининг концерт учун мослаштирилган вариантлари жуда оммалашди. Шу даврда Дюк Эллингтон ва унинг оркестридаги мусиқачилар томонидан ишлаб чиқилган ўзига хос концерт жаз услуби юзага келди. Концертбопликка мойиллик замонавий жазнинг барча услуб ва йўналишларида кузатилади. Бу тушунча кўпроқ унинг филармоник жаз (қаранг: “Филармониядаги жаз”), прогрессив, вест-коуст, кул, фри-жаз, “учинчи оқим”, замонавий симфожаз каби турларига нисбатан қўлланилади.

**Креолча жаз**/Creole jazz (шунингдек, frenchmen jazz) – янгиорлеанча услугга хос бўлган анъанавий намойиш тури бўлиб, негритянча йўналишлар билан параллел равишда ва ўзаро узвий боғлиқликда ривожланди. У Янги Орлеандаги негрлар қони қўшилган француз ва испан қўчманчиларининг авлодлари бўлмиш рангли креоллар орасида юзага келди. Креолча жазнинг негр жази билан диксиленд ўртасидаги ўзига хос оралиқ ҳолати шу билан изоҳланадики, бу унинг стилистикасида ҳам бевосита акс этади. Креол мусиқачилар жазга ўз фольклорлари ва лотинамерикача мусиқанинг

унсурларини киритдилар, жаз чолғучилигини кенгайтириш ва жазнинг ансамбль шаклларини ривожлантиришда, шунингдек, негрларни Европа маданиятига жалб қилишда ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

**Кул-жаз** (“салқин”, “совуқ” жаз) / Cool jazz (инглизча cool - совуқ, салқин) – 1940-йиллар охирида юзага келган замонавий жаз услуби. У айрим негр жазмен-боперлар томонидан боп ютуқлари асосида яратилган бўлса-да, аммо кўп жихатдан бопга қарама-қарши услубдир. Бу аввало, боп услуби амал қилган хот-жаз анъаналаридан узоқлашишда, бопга хос бўлган ҳаддан ортиқ ритмик экспрессивлик ва бўрттирилган негритянча спецификадан воз кечиша намоён бўлди. Кул услубининг келиб чиқиши негр свинги саксофончиси Лестер Янг номи билан ҳам боғланади. У 1930-йиллардаёқ хот-жазнинг товуш идеалига қарама-қарши бўлган “совуқ” товуш садоланиш усулини ишлаб чиқди (у Lester sound деб номланган). Кулнинг ўзига хос қирралари – эмоционал жихатдан вазминлик, интеллектуал асоснинг кучайтирилиши, офф-бит ва драйв ролининг пасайиши, композиция, аранжировка ва гармониянинг ўсиши, тембрнинг нафислиги, ранг-баранг модуляцион техниканинг қўлланилиши, фактуранинг полифониялаштирилиши, политоналлик, атоналлик ва додекафония унсурларидан фойдаланиш, европача академик мусиқага яқинлашишга мойиллик кабилардир. Кул-жазнинг аксарият намояндлари – оқ танли мусиқачилардир. Кул асосан комбо туридаги ансамбллар, баъзан эса катта оркестрлар томонидан ижро этилади. Унинг таъсири бошқа замонавий жаз услублари, айниқса вест-коуст-жаз ва “учинчи оқим” ривожида кўринади.

**Кун-сонг** / Coon song (инглизча coon – ўнгланмас, тамом бўлган) - бу 1920-йиллардан бошлаб АҚШда жорий бўлган квазинегритян руҳидаги оммабоп қўшиқлардир. “Кун” негрларнинг нафратланадиган лақабидир. Кун-сонглар асосан оқ танли муаллифлар томонидан негрларнинг плантация қўшиқларига тақлидан яратилган. Бундай қўшиқлар менестрель театр сабаб (қаранг: минстрел-шоу) кенг тарқалган. Пировардида уларнинг айримлари жаз репертуарига киритилди.

**Кэйкуок/Cakewalk** (инглизча “ошхонага юриш”) – у XIX аср ўрталаридан бошлаб оммалашган, тезкор синкопалангандын афроамерикача рақс-маршдир. Менестрель томошалар (менестрел-шоу) таркибига киритилган. Регтайм услубининг аждоди ҳисобланади. Европада урф бўлган майший рақс сифатида 1900-йилларда кенг тарқалди. Кэй-куок номи айрим фикрларга қараганда негр-қулларнинг оқ танли хўжайнинларни хурсанд қилиш учун ижро этган рақслари билан боғлик. Эҳтимол ошхонага юриш, хўжайнин томонидан маъқулланган раққослар учун мукофот бўлган.

## Л

**Лаунж** (инглизча *Loung music* сўзидан олинган бўлиб, лугавий маъноси “дам олиш жойидаги мусиқа”) – замонавий мусиқада енгил, фон мусиқанинг номланишини билдирувчи тушунча бўлиб, у кўпинча меҳмонхоналар холлида, супермаркетларда, кафеларда янграйди. Бундай мақсадлар учун маҳсус яратилган мусиқалар мавжуд бўлишига қарамай, “лаунж” турли жанр ва йўналишлардаги ижро чиҳнининг кенг даврасини ўзаро боғлайди: бу жаздан электроникагача бўлган масофадир, зеро уларнинг умумий тавсифи - асар композициясининг енгиллиги, хотиржамлигидир. Умуман олганда одамларни оммавий тўплаш учун чаладиган ҳар қандай мусиқачи лаунж ижроиси бўлиши мумкин.

**Лид/ Lead** (*Lead party*) (инглизча *lead* “хабарлар”) – жаз ансамблидаги етакчи мелодик овоз. Классик жазда етакчи партияни одатда корнетчи ёки трубачи ижро этади, улар лидер ёки бэнд-лидер дейилган. Свинг даврида эса оркестр раҳбарини шундай атаганлар.

**Лонг плей /Lp** (*long play*) *album* – маҳсус материалдан тайёрланган узоқ айланувчи винил пластинка (диск-гигант) бўлиб, юзасида спирал бўйлаб товушни механик тарзда ёзувчи ариқча (канавка) жойлашган. У маҳсус аппаратлар ёрдамида садолантирилади. Граммафон пластинка 1888 йилда АҚШда ишлаган немис инженери Э.Берлинер томонидан ихтиро қилинган. 1940-йилдан бошлаб асосан узоқ айланувчи (дақиқасига 33 ва 45 марта

айланувчи) пластинкалар ишлаб чиқарилган. 1960-йилдан эътиборан стереофоник узоқ айланувчи дисклар ҳам чиқарилади. Фарбнинг пластинка саноати ҳаддан зиёд улкан. Қуйидаги овоз ёзиш концернлари бирмунча машхур бўлган. Улар “Atlantic”, “Bronze”, “Capitol”, “Emi”, “Electra”, “Phonogram”, “Polydor”, “Virgin”, “Columbia”, “Ariola”.

**Лэйбл/Label** – бирор бир фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотга қўйиладиган фабрика маркаси (мусиқа соҳасида компакт-дисклар, кассета ва пластинкаларга қўйилади), шунингдек, фирма номи.

## M

**Мажор /Major** – жаҳон миқёсидаги энг йирик Emi, Sony Music, Warner, BMG, Universal Music каби лэйбллардан бирига нисбатан қўлланиладиган атама.

**Маримба/Marimba** – Африка зарбли чолғуси, ксилофоннинг тоифадоши; у шунингдек, Марказий ва Жанубий Америкада негр-қуллар орасида кенг тарқалган. Маримба қовоқ резонатор (калебас)ларга маҳкамланган турли ҳажмдаги (муайян баландликдаги товушларга мос келувчи) ёғоч пластинкалар тўпламидир; Марказий Америкада резонатор сифатида турли чуқурликдаги ёғоч қутилардан фойдаланилади. Товуш каучук учли таёқчалар билан садолантирилади. 1921-йилда АҚШда маримба асосида кейинчалик жаз чолғучилигига киритилган вибрафон чолғуси яратилди.

**Марш билан одимловчи оркестр/Marching band** – негритянча дамли оркестр тоифаси бўлиб, у Янги Орлеанда архаик жаз даврида кенг тарқалди. Наполеон жангчилари давридаёқ француз армиясида мавжуд бўлган ҳарбий марш билан одимловчи оркестрлар намунаси асосида юзага келган. Янги Орлеандаги марш билан одимловчи капеллаларнинг репертуари асосан марш ва негрларга хос синкопаланган кўринишда ижро этилувчи оммавий рақслардан ташкил топган. Бундай оркестрлар карнаваллар, байрамлар, тантанали юришлар ва парадларда иштирок этганлар. Улар янгиорлеанча услуг ва умуман классик жазнинг шаклланишида муҳим роль ўйнадилар.

**Математик рок** – 1980-йилларда АҚШда юзага келган рок-музиқадаги йўналиш. У ўзининг мураккаблиги, ритмининг ноодатийлиги ва ижро динамикаси билан характерлидир. Айнан композиция ритмининг “математик” мураккаблиги унга шундай номланиш берди. Мазкур услубни ижро этувчи гуруҳлар мусиқасини рокдаги кўплаб йўналишларга мансуб дейиш мумкин, фақат одатий ва классик рок бундан мустаснодир. Математик рок ижро чилиарининг қўшиқ матнлари одатда муайян маъно юкламасига эга эмас, шунингдек, хонанданинг овози ҳам қўпинча яна бир мусиқий чолғуга шунчаки айланиб қолади, боз устига матрокнинг аксарият намояндалари чолғу мусиқасини ижро этадилар.

**Металлкор** / Metalcore – металл ва хардкорнинг ўзаро қўшилишига асосланган хардкор услубининг бир кўриниши. Ушбу жанрнинг фақат XXI асрга келиб оммалашгани, унинг шу вақтда пайдо бўлганлигини билдирамайди. Металлкорнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қизиқ. Металл хардкорга 1980-йилларнинг ўрталаридаёқ сингиб борди, ўшанда мазкур тандем хардкор деб номланди. 1990-йилларнинг бошига келиб ушбу мусиқа аввалгисига қараганда анча кескин ва қаттиқ бўлиб қолди. Қўшиқларда фақат тажовузкорлик ва жоҳиллик учун жой пайдо бўлди, ва йилдан-йилга мусиқа оғирлашиб бораверди. Охир-оқибат, ўтган аср охирига келиб классик жаранг йўқола бошлади, бу эса янги минг йиллик бошида мусиқадан фақат металл қолишига олиб келди.

**Минимал техно**/Minimal techno – бу бор-йўғи ўта оддий ритм ва турли хил шовқинли бирмунча специфик, қўпинча синтезлашган товушлардир. Мусиқа нуқтаи назаридан бу услуб айнан ижронинг максимал даражадаги оддийлиги сабаб ўта қизиқарли ва оригиналдир.

**Минстрел-шоу**/Minstrel show (инглизча менестрель намойиши) – XIX асрнинг биринчи ярмида негритянча мусиқий фольклор таъсирида юзага келган америкача мусиқий театрнинг ўзига хос шакли. Даставвал бу оқ танли дайди мусиқачи-менстреллар томонидан ижро этилган қисқа ҳажвий-эксцентрик импровизацияланган кичик сахна-скетчлар бўлган. Бу

музиқачилар негрлар кўринишида гримланиб, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, қилиқлари, сўзлари, қўшиқ ва рақсларига тақлид қилишган. Бундай кичик сахналарни кўпинча театр постановкаларининг қисмлари ўртасидаги интермедиялар сифатида антракт, вақтида томошабинларни кўнглини хушлаш учун намойиш этганлар. Пировардида улар асосида профессионал актёрлар труппаси ва мусиқий ансамбллар (банжо, кастаньеталар, тамбуурин, баъзан уларга бошқа чолғулар ҳам қўшилган) иштирок этадиган кўп пардали тугалланган шоу-намойишларнинг алоҳида тури ривожланди. Минстрел-шоунинг гуллаган даври 1840-1870 йилларга тўғри келади. АҚШ бўлиб ўтган (1865 й.) фуқаролар урушидан сўнг оқ танли менестреллар анъанасини давом эттирувчи негритянлар труппалари пайдо бўлди. XX аср бошига келиб менестрель театр тижоратлашувга дуч келди ва ўз аҳамиятини йўқотди. Шундай бўлса-да, у Америка мусиқаси тарихида муҳим роль ўйнади - регтайм ва илк жазнинг юзага келиши ва ривожланишига, мусиқий театрнинг миллий жанрлари ва томошабоп-эстрада санъати (водевиль, мюзикл, мюзикхолл, шоу, ревю ва б.)ни шакллантиришга сабаб бўлди.

**Модал жаз**/Modal jazz – тонал уюшманинг анъанавий тоифасидан (европача мажор-минор ўзининг функционал-гармоник тизими билан) ва шаклланишидан (такрорланувчи гармоник квадратлар серияси кўринишидаги қофияли шакл) янги, модал (“лад-пардали”) тамойилларга ўтиш билан боғлиқ замонавий жаздаги экспериментал йўналиш. Ушбу тамойилга мувофиқ ҳолда, айтиш мумкинки, мусиқий баённинг бош ташкилотчиси “модуслар”-бутиун пьеса ёки унинг бўлими давомида поғонали таркибнинг доимийлигини сақлаб турувчи муҳим (номеёрий) лад-товушқаторли структуралардир, бироқ бу аснода улар муайян товушқатор доирасида тонларнинг эркин комбинацияланишига ҳам рухсат беради. Модалликнинг бундай тури қўплаб мелодик ва гармоник унсурларни яхлит бир бутиунликка жамлаш ва бир вақтнинг ўзида бутиунни ўзаро мантиқан боғланган қисмлар ва бўлимларга ажратиш имконини беради. Модусларни тузиш учун аталган материаллар ўта ранг-баранг бўлиши мумкин. Булар Европа халқ мусиқасининг диатоник

ладлари, ўрта асрлар черков ладлари, келиб чиқиши европача бўлмаган товушқаторлар, сунъий тарзда конструкцияланган товушқатор структураларидир. Модал жазда Жорж Рассель томонидан 1953 йилда ишлаб чиқилган, ва аввало блюз импровизацияси (яъни “тонал уюшманинг лидий концепцияси” номли) амалиётида қўллаш учун мўлжалланган лидий ладининг 9та хроматик вариантларидан иборат тизим алоҳида эътибор билан фойдаланилади. Жазда модал техника соф линеар кўринишда бўлмайди: унинг заҳирасида берилган аккордли структуранинг мелодик ривожи, ёки аксинча бошланғич мелодик товушқаторни аккордларга “йифиш” каби усуллар мавжуд. Бу мусиқачиларга ансамбль ижросида фактуранинг энг турфа тоифаларини қўллаш имконини беради: бу полифоник, гомофоник, хорал, респонсор (савол-жавоб) ва б. Модал техникага замонавий жаз услугубарининг кўплаб намояндалари мурожаат қилишган. Бу кўпроқ фри-жаз услуги мусиқачиларига тааллуклидир.

### **Модель/Pattern – қаранг: Паттерн**

**Mp3** – оммалашган формат, 16 битли аудио файлларни қаттиқ сиқади, бу керакли товушдан инсон қулоғи унчалик илғамайдиган “ортиқча” маълумотни тозалаб ташлаш ҳисобига амалга оширилади.

**MTV** – Американинг туну-кун ишлайдиган мусиқий кабель телеканали. У 1981 йилнинг август ойида иш бошлаган. Унда видеоклиплардан ташқари мусиқий янгиликлар, шоу-викториналар, интервьюлар ва фильмлар кўрсатилади. MTV доимий томошабинларининг ёши 12дан 34гача. Ҳозирда бу канал бутун дунё бўйлаб ўз бўлимлари тармоқларига эга.

**Мэйнстрим/Mainstream** (инглизча бош, марказий оқим) - 1950-йилларда анъанавий хот-жаз ва замонавий кул ўртасида марказий ўрин эгаллаган услугуб – свингнинг қайта тикланиши муносабати билан жаз лексиконида тасдиқланган шартли тушунча. Кейинчалик у мазкур услугудаги консерватив, қонунлашган шакллар ва уларнинг экспериментал турлари (масалан, янгиорлеан-чикагоча услугуб классик жаз доирасидаги мэйнстрим сифатида, хот-жаз ва свинг унсурли кул, фри-жазнинг блюз йўналиши ва х.к.)дан

фарқли ўлароқ, ҳар қандай мўътадил-прогрессив йўналишдаги услугни белгилаш учун қўлланила бошланди.

## H

**Необоп/Neobop** (инглизча янги боп) – бу ҳам хард-бопнинг ўзи.

**Янгиорлеанча услуг/ New Orleans Style** – жаз тарихининг классик давридаги асос солувчи услуг. У Янги Орлеаннинг негритянча ва креолча жази томонидан тақдим этилган. XIX аср охирида афроамерикача фольклор (урк-сонг, негритянча баллада, спиричуэл, блюз ва б.), ҳалқ ва рангли креолларнинг миший мусиқаси, шунингдек, архаик (илк) жаз асосида шакланган. Янгиорлеанча услуг аввало, примитив чолғу жўрлигига ижро этилувчи вокал фольклор жанрлари, миший рақслар, фортелиано регтайми ва европа ҳарбий оркестрлари асосида ташкил этилган дамли капеллалар мусиқаси ўрнига келган негрлар мусиқий ижрочилигига оид ривожланган чолғу ансамбль шаклларининг юзага келиши билан боғлиқ.

**Нью вэйв/New wave** – янги тўлқин 1978-йилда, “панк ҳаракат” тижоратлашиб, “сўлиб қолган”да юзага келди. “Янги тўлқин” атамаси хорижий поп мусиқа ривожида сезиларли бурилиш ясаган (шартли равища 1978-1985 йй.) кенг умумлашган маданиятшунослик тушунчаси сифатида қўлланилади. “Янги тўлқин” тушунчаси бундай талқинда муайян услубий юкламага эга бўлмай, кўплаб услубий йўналишларни ўз ичига олади. “Янги тўлқин” “панка”нинг “ташқи” агрессиясига нисбатан қайсиdir маънода реакцияга айланиб, поп-маданиятга рефлекс ва романтика нотасини қайтариб берди. “Янги тўлқин” мусиқачилари “панк-рок”нинг ихчам, минимал тилига асосланиб, уни ижро маҳорати бобида такомиллаштирилар, композиция структурасини кенгайтириб, синтезатор ва электрон зарбли чолғулар ҳамда бошқа услублар унсурлари билан сезиларли равища бойитдилар. Бу борада “диско”, шунингдек, психоделия, “арт-рок”, “жаз” ва ҳ.к.лар таъсири ниҳоятда катта роль ўйнади. Мусиқадан “панк”ка хос бўлган ҳаддан ташқари ёрқинлик, нигилизм ва беҳаёлик йўқолди. Ирландиянинг “U2” гуруҳи

“түлқин”нинг ҳақиқий рамзи, янги санъат софдиллиги ва қатъиятини ифодаловчисига айланди. Ушбу гуруҳ мусиқачилари уруш, ноҳақлик, жабрланганлар азобига қарши фаол курашувчилар сифатида шухрат қозондилар.

**Нью мюсикал экспресс**/ New musical express – Буюк Британиядаги энг қадимий ва обрўли мусиқа нашриётларидан бири. Мусиқа ҳақидаги барча янгиликлар ва мусиқий тенденциялар хусусида биринчи бўлиб хабар беради.

**Нью эг**/New age – кўпроқ чолғу мусиқасининг бир тури бўлиб, у “яппи” номли “ёш шаҳарлик профессионаллар” янги синфининг фаоллиги сабаб ривожланган. Тинчлантирувчи, улуғвор, асосан – янги классика ва қадимги медитацияга таянувчи сокин мусиқа. Табиатан тажовузкор эмас, ва моҳиятан импровизацион ҳам эмас. Соф акустик жаранг билан бир қаторда, бирмунча мукаммал электрон технологиялардан фойдаланади.

## O

**Он-бит**/On beat (On the beat) (инглизча “бит услубига”) – қатъий метрик пульсацияга яқинлашувчи жаз бити.

**Офф-бит**/Off beat (инглизча “бит услубидан”) – қатъий метрик пульсациядан воз кечувчи жаз бити. Жазда метроритмик зиддиятларни юзага келтирувчи энг муҳим воситалардан бири.

**Офф-питч**/ Off pitch (инглизча “муайян баландликдан”) – мусиқий тоннинг мутлақ баландлигидан оғишиш. У афроамерикача мусиқа ва жазга хос бўлган тоифани, европача бир маромли темперацияланган товуш баландлиги шкаласига мос тушмайдиган ҳаракатчан ва бекарор оҳангларни билдирувчи атама. Офф-питч тоифасидаги оҳангларнинг специфик шаклига “блюз тонлари” ва дертионлар мансуб.

## П

**Панк**/Punk - 1974-йилда Нью-Йоркда юзага келган, ўзининг гуллаган чўққисига эса 1976-йилда Англияда эришган. Айтишларича бу, расмий рок-

мусиқага қарши бўлган ёш авлоднинг ноумидлигини ифодаловчи норозилик намойишидир. Панклар фалсафаси элементар: умумий беҳаёлик ва жамият қадриятларини инкор этиш. Панк-ҳаракатнинг асосий мусиқий идеологи “SEX PISTOLS” гуруҳи эди.

**Панк-рок/Punk rock** - 1970-йилларнинг ўрталарида АҚШ ва Англияда юзага келган рок жанри бўлиб, унда ижтимоий норозилик ва рокнинг ўша даврдаги ижро услубини хушламаслик мувофиқлашган. Панк-рок композицияси учун ижронинг қисқагина вақти, тезкор суръат, оддий жўрнавозлик, ва қисман – ижронинг агресив усули хосдир. Вақт ўтиши билан панкнинг турли қўринишлари пайдо бўлди, ҳозирда улардан 18тага яқини мавжуд.

**“Сартарошхона гармонияси”** – қаранг: Бабершоп гармонияси.

Паттерн (модель)/Pattern (pattern formation) (инглизча модель) – жаздаги модал техника соҳасига мансуб атама (лад модаллигига нисбатан бирмунча кенгроқ маънода; қаранг: модал жаз). Паттерн барқарор структуравий ҳосила – моделни (ритмик фигура, мелодик давра, ургули туркум, аккордли кетма-кетлик, фактуравий формула ва х.к.ни) намоён этадики, у такрорланиш асносида барқарорлигини йўқотмай, ўзининг ранг-баранг ўзгаришларга учрашига ва вақт аралашуви, қайта ургуланиш, транспозиция ҳамда секвенцияланиш эвазига вариацияланишга йўл қўяди. Бу жаздаги мусиқий ривожланишнинг ўзига хос қурилиш материали, баён этиш ва шакллантириш динамизациясининг муҳим воситаси. Кўпинча бундай моделнинг масштаби (чўзимдорлиги) ички такт ҳиссалари туркумига мос келмайди (масалан, 2/4 такт ўлчовидаги учта саккизталик чўзимлардан иборат гурух). Мазкур моделнинг такорори асосий такт гурухланишига қарама-қарши бўлган ургулар кетма-кетлигини ҳосил қиласди. Бу аснода ички зиддият ва мусиқий ривож динамикасини кучайтирувчи бошланғич метрнинг бўшашиб эфекти юзага келади. Паттерннинг кўп маротабали остинатоли такрорланиш усули жазда динамикани кучайтирувчи восита сифатида стомп ёки стомпинг деб аталади.

Стомпингнинг тез-тез учраб турувчи тоифаси оркестр свинги, яъни риффлар техникаси учун жуда хосдир.

**Кесишувчи ритмика/Cross rhythms** – турли хил метрларнинг эркин мутаносибилигига асосланган импровизацион ритмик полифониянинг африкача тоифаси. Европача полиритмиядан фарқли ўлароқ, кесишган ритмикада мувофиқлашувчи метрнинг зарбли ҳиссалари бир-бирига мос келмайди. Одатда кесишган ритмлар африкача мусиқада жазнинг ифода воситалари арсеналига кирувчи модал ритмик техника (қаранг: паттерн) ва стомпинг билан биргаликда қўлланилади. Африкача полиритмия усулларининг европача монометрик асосга ўтказилиши натижасида юзага келган жаз офф-битининг келиб чиқиши ҳам кесишувчи ритмиканинг келиб чиқишига бориб тақалади.

**Перкашин/Percussion** – мусиқий чолғулар, асосан барабанлар гурухи бўлиб, товуш уларга зарб бериш орқали ҳосил қилинади.

**Поп-музиқа** (инглизча Popular music) – замонавий кўнгилочар мусиқа тури. Умуман, айниқса ғарб мамлакатларида эстрада мусиқасининг барча жанрлари шу атама билан номланади, қоидага бўйича жаз, блюз ва кантри бундан мустасно. Поп-музиқа деганда замонавий мусиқанинг ранг-баранг услублари, йўналишлари ва жанрларини ўз ичига олган тушунча англашилади. Илк бор “поп-музиқа” атамаси 1950-йилларнинг охирида пайдо бўлган, ва дастлаб тижорат рок-музиқасини англатиш учун қўлланилган. Ҳозирда тижорат мусиқий-кўнгилочар саноатнинг барча воқеликлари поп-музиқага тааллуқлидир. Поп-музиқани тарқатувчи мухим воситалар – бу радио, телевидение ва овоз ёзиш фирмалари. Европа ва Американинг бир нечта овоз ёзиш концернлари поп-музиқанинг замонавий бозорига эга бўлиб, улар радио, матбуот, телевидение ва дўйконлар билан узвий алоқалар ўрнатган. Шунингдек, уларнинг фаолияти ижодий топилмаларнинг тижоратлашуви ва стандартлашувини, ва урф бўлган услугубий аломатлар мажмуига дадил тақлид қилувчи ёки уларни

қонунлаштириб олувчи “юлдуз”-артистларнинг машҳурлашишини мунтазам равишда таъминлаб боради.

**Пост панк/ Post-punk** – “янги тўлқин”нинг турларидан бири бўлиб, у 1970-йилларнинг иккинчи ярмида “панк-рок” ўрнини эгаллади. “Янги тўлқин”дан фарқли ўлароқ, “пост-панк” ижтимоий-маданий эмас, балки кўпроқ услубий тушунчадир. Гарчи бу ерда ҳам биз ягона услугга эмас, балки уларнинг бутун бошли конгломератига дуч келамиз. “Пост-панк” 1977-78-йилларда, Британиянинг панк-“истерия”си аста-секин тинчланиб, тижоратлаша бошлаганда пайдо бўлган. Панк ўрнига келган мусиқачилар авлодига мустақил рух ва панкнинг хом жарангига хуш ёқар, аммо улар борлиқ оламга нисбатан ўз муносабатларини янги ифода воситалари, янги технологиялар ва тембрлар орқали билдиришга интилдилар. Қолаверса, тингловчи-томушабин ҳам “панк” унга ағдарган тажовузкорлик, беҳаёлик, нигилизмдек “ифлослик”дан чарчаган эди. Шу боис пост-панк қайсиdir маънода нафақат давомчи, балки ўз ўтмишдошлари ижодига қарши реакция ҳам бўлиб чиқди. У мусиқага романтика, баъзан ҳатто ғам-қайғу, депрессия оҳангларини қайтариб, эътиборини инсонларнинг ички муаммоларига қаратди. “Панк”дан ташқари “пост-панк” тикланишига “диско” рақс жанри, “эмбиент” электрон жанри, шунингдек, “арт-рок”дан то америкача академик минимализмгacha бўлган кўплаб манбалар сезиларли даражада таъсир кўрсатдилар.

Британияда “пост-панк” намояндалари (“The cure”, “Echo & The Bunnymen”, “Bauhaus”, “Joy Division”, “Japan” ва б.) маюс, совуқ, асабий мусиқа чалар эдилар. Америкалик пост-панкерлар мусиқасининг кайфияти 1970-80 йиллар мобайнида бирмунча позитив, жонли, ҳажвий қўринища бўлди. Мусиқий услугуб ўзининг эклектиклиги билан ажralиб турган: у “рок-н-ролл”, “биг-бит”, “60-йилларнинг гараж роки”, “рокабилли”, “кантри”, “диско”нинг алоҳида қирраларини мувофиқлаштирган – буларнинг барчаси рақсбоп бит (“The B-52’s”, “Blondie”, “The Cars”, “Pretenders” ва б. ) асосида эди.

**Прогрессив/Progressive** – мусиқа журналистлари даврасида ўйлаб топилған сўз бўлиб, дастлаб техномусиқа йўналишини билдирганки, унда синтезатор “илмоқ”лари уқувсизлик билан урғулланган. Жонли чолғуларга аниқ тақлид қилиш ва муваффақиятли қисқа кўйларни излаб топиш маъқулланган. Бироқ, мустақил услугуб баридир шаклланмади, шундай экан, “прогрессив” атамаси фақат тавсиф маъносини англатади (масалан, “прогрессив хаус” ва х.к.).

1940-йиллар бошида классик свинг ва боп анъаналари асосида жазда юзага келган услубий йўналиш. Асосан биг-бенд ва симфониялашган тоифадаги катта оркестрлар амалиёти билан боғлиқ. Прогрессив, жаз санъатининг кейинги тадрижиётига сезиларли таъсир кўрсатган концерт жазининг етакчи услубларидан биридир.

**“Промоутер”/Promoter** – бу концерт, фестивалларни ташкил этиш, клублар, композициялар, компакт-дисклар тарғиботи, уларни чиқариш ва бошқа тижорий фаолиятлар билан шуғулланувчи инсон.

**Промоушн/Promotion** – ижрочи ёки мусиқий асарнинг радио, телевидение, матбуот, шунингдек, гастроллар ёрдамида амалга ошириладиган рекламаси.

“Салқин жаз” – қаранг: Кул-жаз.

## P

**Райд-бит/Ride beat** (инглизча ride - эгарда юрмок, beat - зарб, пульс) – “сакрама ритм” (пунктир ритм тури)ни ёдга солувчи жаз битининг тоифаси.

**Илк жаз** – қаранг: Архаик жаз.

**Рег/Rag** (ragtime сўзининг қисқача кўриниши) – қаранг: Регтайм.

**Реггинг/Ragging** (rag сўзидан олинган) – регтайм услубидаги ижронинг синкопаланган усули.

**Регтайм/Ragtime** (инглизчадан олинган сўз бўлиб, унинг лугавий маъноси “парчаланган вақт”, яъни синкопалашган ритм) – XIX асрнинг сўнгги чорагида, фольклор ижроилигида, негритянча чолғу мусиқасининг баъзи архаик турлари, шунингдек, менестрель қўшиқлар (кунсонг) ва рақслар

(кэйкуок) таъсирида юзага келган ўзига хос америкача фортепиано жанри. Регтаймнинг тарқалиши ва ривожланишида етакчи роль оқ танли мусиқачиларга тегишли бўлган (бу айниқса эстрада концерт регтаймига тааллуқлидир). Регтаймга хос қирралар – бу доимо синкопаланиб турувчи куйнинг “бас-аккорд” (қаранг: страйд-услуб) тоифасидаги вазн жиҳатдан аниқ маршсимон жўрнавозлик билан мунтазам равища қарама-қарши қўйилиши; такт гурӯхланишига мос келмайдиган (паттерн) остинатоли такрорланувчи мелодик ва ритмик моделлардан фойдаланиш ва композицион структуранинг алоҳида тоифаси ва б. 1980-йилларнинг охири - 1990-йилларнинг бошида ўзининг фольклор турларидан сезиларли равища фарқланувчи классик регтайм шаклланди. Услуб, структура ва пианиночилик техникасини такомилларшириш йўлидан ривожланиб, у композиторлик ижодиётининг бир турига айланди ва ўзининг бадиҳавийлигини йўқотди. Сўнгра тижоратлашиб, профессионал кўнгилочар-эстрада санъатининг жанрларидан бири бўлди. Негритян мусиқа ижрочилигига у фортепиано жазининг ilk услублари тадрижиётига, шунингдек, янгиорлеанча услуг ва диксилендга сезиларли таъсир кўрсатиб, ўзининг индивидуаллигини саклаб қолди. Механик фортепиано учун мўлжалланган роликларда катта тарихий қийматга эга бўлган ва кейинчалик грампластинкаларга муҳрланган XIX аср охири –XX аср бошларида яшаб ижод этган регтайм пианиночиларининг ижролари сақланиб қолган.

**Рент-парти** – қаранг: Хаус-рент-парти.

**Респонсор тамойил** – қаранг: Савол-жавоб тамойили.

**Ривайвл/Revival** (инглизча қайта туғилиш) – жаз тарихида бу тушунча аввало, 1930-йиллар охирида юзага келган “янгиорлеанча ренессанс” (New Orleans renaissance) ва “диксилендинг қайта туғилиши” (dixiland revival) номли ҳаракатларни англатган. Унинг ташаббускорлари – жазнинг оқ танли шинавандалари, грампластинкалар коллекциячилари, жаз танқидчилари ва мусиқачилар бўлиб, улар классик жазнинг аутентик шаклларини қайта тиклашга интилдиларки, унинг анъаналари тижорий рақсбоп мусиқага

чалғишиң сабаб деярли унтуилиб кетганды. Классик жазнинг ўрганилиши ва оммалаштирилиши диксиленднинг янги замонавий услугубий шаклларининг юзага келишига турткы бўлди. Баъзан “Ривайвл” атамаси свинг қайта тикланган даврда (1950-йилларда) ҳам қўлланилган.

**Ринг-шаут/Ring shout** (инглизча ring – давра, shout – ҳайқириқ, чорлов) – спиритуэл ижроси жўрлигидаги экстатик характерга эга, негрларнинг диний давра рақси.

**Ритм-гурух** (ритм-секция) /Rhythm section – қаранг: Ритмик чолғулар секцияси.

**Ритм-энд-блюз/Rhythm and Blues** (қисқача R&B) - 1930-йиллардаги негритянча мусиқанинг свинг таъсири остида юзага келган блюзли вокал-чолғу услуги бўлиб, ўзида классик блюз, госпел-сонг, гарлем жампи ва негрларнинг рақсбоп-маиший мусиқаси унсурларини жамлаган. Тижоратлашув натижасида у, кўнгилочар мусиқа доирасида таклид обьектига айланди. Ритм-энд-блюз негритянча рок-музиқанинг ilk шакларидан бири саналади. Унинг оқ танли мусиқачилар томонидан яратилган модификацияларига рок-н-ролл ва твиистлар мансубдир.

**Рифф/ Riff** – жазнинг мелодик техникаси усули бўлиб, айниқса свинг учун хосдир. У шунингдек, афроамерикача фольклор, классик ва замонавий жазда ҳам турли шаклларда учрайди. Рифф чолғулар гуруҳи ёки тутти ижросида кўп маротаба такрорланадиган қисқа мелодик иборани намоён этадики, унинг остинатоли ўтишлари ё динмикани кучайтириш воситаси (қаранг: стомп) ёки импровизация қилувчи якканавозга (бэкграунд) эргашаётган жўрликнинг барқарор шакли сифатида қўлланилади. Биг-бенданда бир вақтнинг ўзида бир нечта турфа хил риффлар ижро этилиши мумкин, баъзан риффлар серияси кетма-кетлиқда, ўзаро алмашиниб ёки оркестр чолғуларининг гуруҳлари ўртасида респонсор кўринишида ҳам келади.

**Рокабилли/ Rockabilly** – бу оммавий мусиқанинг этимология нуқтаи назаридан энг баҳсли-мунозарали услубларидандир. “Рокабилли” анчадан бўён АҚШда “кантри”нинг услубдоши сифатида қаралаётганини Европада

кўпчилик билмайди. “Рокабилли” ўзида “хиллбилли” ва “ритм-н-блюз” унсурларини жамлаган. Мазкур услугуб АҚШда кантри унсурлари, “рок-н-ролл” энергияси ва негрлар мусиқаси ритмларини ўзаро қориштирган оқтанли ўсмиirlар орасида пайдо бўлган.

**Рок-мусиқа**/Rock music (инглизча rock – тебратмоқ, силкитмоқ) – келиб чиқиши 1920-30 йиллар негритянча шаҳар фольклорининг қўшиқ-рақс жанрларига, ритм-энд-блюз, канtri-энд-вестерн (қаранг: канtri) ва рок-н-роллга бориб тақалувчи замонавий поп-мусиқа тоифасидир. Рок-мусиқанинг муҳим тавсифи (гоҳида бу унинг мусиқий хусусиятларидек аҳамиятга эга) – бу унинг ижтимоий функциялари, ёйилиш шакллари, техник жиҳатдан таъминланганигидир. Мусиқий жиҳатдан унга хос аломатлар – бу унда специфик ритмика билан мутаносиблиқдаги блюзнинг трансформацияланган унсурларининг мавжудлигидир. Ҳар жиҳатдан ранг-баранглигига қарамай, рок-мусиқанинг учта асосий услубий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин: бу поп-рок (канtrinинг мусиқий анъаналари билан узвий боғланган ва оммавий қўшиқ ҳамда рақс жанрлари орқали намойиш этилган), блюз ва ритм-энд-блюз анъаналарига таянган мэйнстрим-рок (жаздаги мэйнстрим тушунчасига ўхшашиб) ва авангард рок (унинг экспериментал шакллари)дир. Жаз ва рок-мусиқанинг ўзаро таъсири бир қатор янги синтетик мусиқий услублар, хусусан жаз-рок ва фьюжннинг яралишига олиб келди.

**Рок-н-ролл**/Rock'n'roll (rock and roll сўзидан олинган бўлиб, тебранмоқ ва айланмоқ) - 1950-йилларда урф бўлган америкача рақс. Негритянча ритм-энд-блюзнинг тижоратлашган модификацияси. Бу ном илк бор 1934-йилда негр хонанда аёл Басуэлнинг рақсбоп ритмларга асосланган блузлари ёзилган пластинкаларда пайдо бўлган. Кейинчалик (1951 й.) уни американлик диск-жокей Алан Фрид мусиқий радио дастурларда қўллади. Шу тариқа у рок-н-роллни оммалаштириди. Мазкур атаманинг ихтироиси ҳам Алан Фрид деган хато фикрлар мавжуд. Рок-н-ролл асосида бир қатор янги рақс жанрлари юзага келди (твист, хали-галли, мэдисон ва б.), бундан ташқари у замонавий рок-мусиқанинг асосий манбаларидан бири саналади.

**Рок-опера** (инглизча rock opera) – анъанавий опера структуравий тамойилларининг (унсурларнинг сюжетли боғлиқлиги) рок услуби билан ўзаро мутаносиблигидан фойдаланувчи мюзикл, мусиқий-саҳнавий жанр.

**Румба** – келиб чиқиши африкача оҳангларга бориб тақалувчи, жуфт бўлиб ижро этиладиган Куба рақси. Унинг фарқли жиҳати - кенг қадамлар билан қўшилиб кетган силлиқ ҳаракатлар. Румбанинг дунёга машҳур куйи Жозеито Фернандес томонидан ёзилган ва тез орада румба классикасига айланган “Guantanamera”дир.

**Рэйв/Rave** - ди-жей иштирокидаги оммавий дискотека, қолаверса, шу каби дискотекаларда чалинадиган рақсбоп қуйнинг умумий номланиши. Одатий рақс кечаларидан фарқли ўлароқ, бу қандайдир жамоавий медитация бўлиб, қаттиқ ритм ва электрон куйлар таъсири остида рақс тушувчилар яrim гипноз ҳолатига тушадилар.

Рэйвнинг юраги - ди-жей (DJ). Мусиқада шундай номланувчи услублар кўплаб учрайди, улар бир-биридан факат барбанлар чизмаси билан фарқ қиласа-да, аммо иккита аниқ гурухга бўлинади: бу “транс” ва “хаяс”. “Транс” ўзаро ўхшаш синтезаторларни (баъзан эса “жонли” чолғулар, масалан этник чолғуларни) қўллаш орқали ижро этилади ва номида акс этганидек, тингловчига кучли эмоционал таъсир кўрсатади. “Транс” Европада пайдо бўлган бўлса, “хаяс” Нью-Йоркда туғилган. “Техно” мусиқаси эса 1987-йилда Германияда юзага келган бўлиб, уни Вестбам (Westbam) номли ди-жей ихтиро қилган. Ди-жей одатдагидек, бир ёки бир нечта услублар бўйича ихтисослашади, шунингдек, универсал ди-жейлар ҳам бор.

**Рэмикс/Remix** – мусиқий асарнинг қайта микшерланган версияси. Замонавий рақамли аппаратура ёрдамида аранжировкани ўзгартириш, алоҳида чолғулар партияларини олиб ташлаш ва бошқа бирмунча замонавий товушларни қўшиш мумкин.

**Рэп** (инглизча rap, rapping) – хип-хопнинг тўрт унсуридан бири; одатда оғир бит мусиқаси остида ўқиладиган речитатив. “Рэп” сўзи инглизча гар сўзидан олинган бўлиб, таққиллатиш, зарб (рэпнинг ритмик хусусиятига

ишора) маъносини англатса, rap сўзининг ўзи эса – “чайқатиш”, “тўзғитиш” маъноларини билдиради. Аммо рэп сўзи “Rhythmic African Poetry” (Ритмик Африка шеърияти) “Rhythm and Poetry” (Ритм ва Шеърият) ва ҳ.к.ларнинг аббревиатураси деган фикр ҳам мавжуд.

**Рэпкор** – ўзида хип-хоп, панк, хэви-метал каби мусиқий оқимларнинг чолғу ва вокал хусусиятларини жамлаган мусиқий жанр. У 1980-йилларнинг ўрталарида ўзига ўхшаган “фанк-металл” билан бирга пайдо бўлган.

## C

**Сарф/Surf** - 1960-йилларнинг ўрталарида юзага келган соф америкача мусиқий услугуб. Унинг энг ёрқин намояндаси оддий мавзули тотли қўшиқларни ижро этувчи “Beach Boys” грухси эди.

**Саунд/Sound** (инглизча товуш, жаранг) – чолғу ёхуд овоз жарангининг индивидуал сифатини тавсифловчи жазнинг муҳим услубий категорияларидан бири. У товушни садолантириш, товуш хужумининг тоифаси, интонациялаш усули ва тембр талқини орқали аниқланади. Саунд товуш идеалининг жазда намоён бўлишидаги индивидуаллашган шаклидир. Шунингдек, саунд атамаси ансамбль ёхуд оркестр ижросининг товуш услугуга нисбатан ҳам қўлланилади.

**Саундтрэк/ Soundchek** – концерт чиқишлидан аввал товушни созлаш жараёни.

**Свинг/Swing** (тебраниш, силтаниш) – 1. Жаздаги ифода воситаси. Граундбитнинг таянч ҳиссаларидан келувчи ритмнинг доимий оғишмаларига асосланган (илгарилаб кетувчи ёки кечикиб келувчи) метроритмик пульсациянинг характерли тоифаси. Унинг шарофати билан бекарор мувозанатли катта ички энергия, товуш массасининг “тебраниш” эффекти, метрик асоснинг заифлашганлиги тасаввури уйғонади. Свинг вақтида аввало асосий такт ҳиссалари атрофида концентрацияланган метроритмик зиддиятлар юзага келади. Улар ритм импульсивлигини ошириш учун кучли урғулар билан таъкидланади. Свингнинг жаз битнинг бошқа тоифалари,

хусусан нафақат ҳиссали ритм динамизацияси билан, балки бутун ритмика билан боғлиқ офф-битдан фарқли томони ҳам шунда.

2. Свинг 1920-30 йиллар мобайнида жаз мусиқасининг негритянча ва европалашган услугий шаклларининг синтези натижасида жорий бўлган оркестр жазининг услуби. Даставвал у асосан биг-бендлар томонидан намойиш этилган бўлса, 1930-йилларнинг охирига келиб камер ансамбллар (комбо) томонидан ҳам ижро этила бошланди. Свингнинг фарқли аломатларига қуидагилар мансуб: а) ўзига хос свинг пульсацияси (“тебраниш”), б) ижро секцион техникасининг соло импровизацияси билан специфик тарзда мувофиқлашуви, в) аранжировка ва композиция аҳамиятини оширувчи муҳим тембр колорити. Свинг биг-бенди чикагоча услугдаги оркестрларнинг йириклишнуви ва ривожланишининг натижасидир. Тарихий свинг анъанавий ва замонавий жаз ўртасида, ўзининг услубий сифатлари билан эса хот ва свит-жаз ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллади. Классик свинг услуби 1930-йилларнинг биринчи ярмида шаклланган. Тижоратлашув ва янги замонавий услубий концепцияларнинг яралиши сабаб, ўша ўн йилликнинг охирига келиб у рақсбоп-қўнгилочар мусиқанинг бир турига айланди ва иккинчи планга ўтди. Свинг 1950-йилларда қайта тикланади.

**Свинглашиш/Swinging** – Свинг услубида чалиш, свинг билан чалиш.

**Свит /Sweet** (инглизча ширин, ёқимли) – сентиментал ва қуйчан-лирик характердаги тижорий қўнгилочар ва рақсбоп мусиқа, шунингдек, тижоратлашган жазнинг (свит-жаз) унга қардош шакллари ва “жазлашган” оммабоп мусиқанинг бир қатор турларини англатиш учун қўлланилувчи атама. Свит-музиқага ilk симфожаз, рақсбоп свинг мусиқаси (свит-свинг) каби услублар мансуб. Свит-услуб унсурларини жазнинг қўплаб ўйналишлари (жумладан, кул, фанк, соул, боссанова-жаз, жаз-роқда) ва 1930-йилларнинг замонавий поп-музиқасида учратиш мумкин.

**“Эркин жаз”** – қаранг: Фри-жаз.

**Ёғоч дамли чолғулар секцияси/Woods** – жазда кам қўлланилади. Баъзан биг-бенднинг одатий чолғуларига қўшимча тарзда ишлатилади.

Симфониялашган катта жаз оркестрларида учрайди (симфожаз, свит-свинг, прогрессив, “учинчи оқим”). Улар флейта, гобой, инглиз рожоги, кларнет, фагот ва уларнинг бас турларини ўз таркибига киритиши мумкин.

**Мис дамли чолғулар секцияси/Brass** – жаз оркестрларида уларнинг таркиби одатда труба ва тромбонлар билан чекланади; алоҳида вазиятларда уларга валторна, труба ва бошқа жаз учун унчалик хос бўлмаган чолғулар қўшилиши мумкин. Брасс-секция свинг биг-бендининг асоси ҳисобланади. У кул ва фри-жазнинг катта оркестрларида, жаз-рок ансамблларида мустақил аҳамият касб этади.

**Мелодик чолғулар секцияси/Melody section** – жаз оркестридаги мелодик овоз ижроси топширилган чолғулар групхи (улар бир тоифали ёки тембр жиҳатдан аралаш бўлиши мумкин).

**Ритмик чолғулар секцияси (ритм-гурух, ритм-секция)/Rhythm section** – жаз ансамбллари ва оркестрларининг кўплаб турларида мавжуд (комбодан биг-бенд ва симфожаз оркестригача). Коидага кўра асосий ритм-секция зарбли ўрнатма бўлиб, унга бошқа (масалан, экзотик) зарбли чолғулар қўшилиши мумкин. Бас овозининг функцияси кўпроқ контрабасга ёки йўғон (овозли) дамли чолғуларга топширилади, замонавий жаз ва жаз-рокда бу вазифани электро-бас ёки мослаштирилган бас-гитара бажаради. Одатда, ритм-гуруҳлар таркибига бир вақтнинг ўзида гармоник жўрнавоз вазифасини бажаришга қодир бўлган чолғулар (фортелиано, электроорган, гитара, банжо ва б.) ҳам киритилади.

**Секция саксофонов/Reads** – бу свинг биг-бенди учун айниқса хос бўлиб, унда саксофонлар деярли тўлиқ таркиб билан (сопранодан баритон ва басгача) қўлланилади. Вест-коус-жаз ансамблларида саксофонлар секциясининг ритм-гурух (бу тахминан комбо ва биг-бенд ўртасидаги оралиқ) билан мувофиқлаштирилганлиги кузатилади. Катта оркестрларда ҳам саксофон ва кларнетлар комбинацияси одатий саналади.

**Тилчали чолғулар секцияси/Reads** – қаранг: Саксофонлар секцияси.

**Секция/Section** – жаз ансамбли ёхуд оркестридаги чолғу гурухи бўлиб, у муайян ифода функциясини бажаради (мелодик, ритмик, бэкграунд ва ҳ.к.).

**Қишлоқ блюзи/Country blues** – қаранг: Кантри-блюз; Архаик-блюз.

**Симфожаз/Symphojazz** – унинг илк шакли 1920-йиллар ўрталаридан бошлаб тарқалган. Симфониялаштирилган катта оркестрлар томонидан ижро этилган ва жазнинг сезиларли таъсири кузатиладиган оммабоп-кўнгилочар ва рақсбоп мусиқанинг концерт услубини намоён этган. Баъзан бундай мусиқага нисбатан свит атамасини ҳам қўлладилар. Чикаго жази билан бир қаторда, симфожаз ҳам маълум даражада свинг биг-бендининг юзага келишига замин яратган. Унинг ғоялари прогрессив, ва айниқса “учинчи оқим” услубларида давом эттирилди. “Замонавий симфожаз” тушунчаси жаз синтези ва академик мусиқа билан боғлиқ ижодий экспериментларнинг кенг соҳасини қамраб олади.

**Сингл/ Single** – sp (short play) – янги альбомдан олинган бир нечта қўшиқлар жамланган пластинка ёки компакт-диск (бошқача номланиши “миньон”, “қирқ бешталик”) – дастлаб бу, ҳар икки томонига битта қўшиқ ёзилган кичкина пластинка. Бундай пластинканинг айланиш тезлиги дақиқасига 45та айланиш. Ҳозирда компакт-дискларда ҳам сингллар чиқарилмоқда. Охирги пайтда чегаралаш пайдо бўлди: мини-сингл (1-2та қўшиқ) ва макси-сингл (3тадан ортиқ қўшиқ). Қоидага кўра, сингл альбомнинг ўзидан бир неча ой аввал чиқарилади ва композициянинг бирмунча қизиқарли ва истиқболли рекламаси ҳисобланади.

**Синти-поп/Synty-pop** – у илк “янги тўлқин” тармоғидаги (пост-панк билан бир қаторда, унинг синтез-поп билан қўплаб кесишган жойлари бор) аҳамиятли услублардан бирига айланди. 1970-80-йиллар мобайнида “панк”нинг узоқ давом этмаган, бироқ, жуда ёрқин даври ниҳоясига етди. Айрим британиялик мусиқачилар учун “панк” ғоялари шу қадар ёқимли эдики, улар бу услуб билан хайрлашмоқчи эмасдилар. Гэри Ньюман (Gary Numan) ва “Human League” каби новаторлар “панк-рок”нинг чексиз энергиясини дискоритмлар ҳамда “Kraftwerk”, “Can” ва Брайан Ино (Brian

Eno) сингари компьютер даҳолари томонидан текширилган электроника имкониятлари билан өфшишириб, синтезаторлар ва драммашиналарга ўтдилар. Тунд, маюс-меланхолик энергетика ва рақссионлик ўртасидаги мукаммал балансни “Depeche Mode”чилар топдилар. Сүнгра “Joy Division” ва “New Order”чилар синтез-попга бурилдилар. Кўпинча “Bronska Beat”, “Pet Shop Boys”, Ховард Жонс (Howard Jones) ва бошқа 1980-йилларнинг ўрталарида яқин саҳнада пайдо бўлган санъаткорларни синтез-попга тегишли дейдилар. Дастреб мутлақо тижоратга алоқадор бўлмаган, қаттиқ, совуқроқ синтезатор товуши ва “хуки”нинг минималистик ҳаракатларини назарда тутган синтез-попни тезлик билан бирмунча кўнгилочар, романтик яssi кўринишга олиб келдилар ва бир қадар силлиқ саунд (андозали куйлар ва жўрнавозлик тоифалари) ҳамда мажор созини баҳш этдилар. “Пост-панк” ва “синтез-поп” асосида 1981-82-йилларда “янги романтизм”, кейинроқ эса “электро-поп” ва “готика” сингари ҳаракатлар старт олди.

**Скретч/Scritch** – пластинканинг ўқи атрофида олдинга ва орқага тезда айланиши. Натижада шу усулга ном берган ўзига хос товуш пайдо бўлади. Шундай қилиб, “паррак”да турли хил ритмик андозаларни чалиш мумкин. Скретчнинг ҳақиқий виртуозлари ҳам бор. Ҳатто шу биргина усулга бағишлиланган бутун бошли чемпионатлар ҳам ўтказилади.

**Скэт/Scat** – жаз мусиқачилари томонидан афроамерикача фольклордан олинган, маъно жиҳатдан бир-бирига боғланмаган бўғин ёки сўз бирикмалари артикуляциясига асосланган бўғинли (матнсиз) хониш техникаси. Мазкур усул жазда виртуоз импровизация тоифасига айлантирилди, унда овоз чолғуга тенглаштирилди. Баъзан бундай вокал усул “чолғу хониши” деб ҳам аталади. Бу айниқса боп услубига хосдир.

**Слайд-уистл/Slide whistle** (инглизча slide – сирғалиш, whistle – ҳуштак) специфик мусиқий чолғу. Поршень билан таъминланган ҳуштак бўлиб, у (поршень) ҳаракатланганда тон баландлиги ўзгаради.

**Слер-энд-смир**/Slur and smear (инглизча slur – қуиилиб, smear – суртмок) – жаз учун хос бўлган товуш “суркалиш”и эффектини берувчи қисқа юқориловчи глиссандо тоифаси.

**Замонавий блюз**/Modern blues – “Свинг эраси”нинг блюзи. Шунингдек қаранг: ритм-энд-блюз.

**Замонавий жаз**/Modern jazz – классик услуб даври ва “Свинг эраси” тугагандан сўнг юзага келган услубларнинг умумий номланиши (1930-йиллар охиридан ҳозирги кунга қадар). Замонавий жазнинг биринчи услуби боп саналади.

**Соул/Soul** (инглизчадан “қалб”) - соул-мусиқа деб, баъзан блюз анъаналари билан боғлиқ бўлган бутун негритян мусиқасини атайдилар. Шунингдек, бу тушунча остида иккинчи жаҳон урушидан сўнг ритм-энд-блюз ва госпел-сонг анъаналари негизида юзага келган негритян вокал мусиқа услуби ҳам назарда тутилади. Соул-жаз фанк ижро услуби асосида ривожланган хард-боп турини намоён этади. Блюз анъаналари ва афроамерикача фольклорга таяниш унинг учун ҳам хосдир.

**Спид-гараж**/Speed-garage - 1986-йилда пайдо бўлган рақсбоп клуб мусиқий услуби. У 1997-йилда мусиқа оламида фаол ўсишга эришди. Дастлаб АҚШ, сўнгра Англия, тез орада эса бутун дунё “speed-garage” ритмлари остида ҳаракатлана бошлади. Бу специфик экспериментал “хаус”нинг бошланиши эдикӣ, “speed-garage” ўзининг экспериментал кўринишидан тезлик билан қудратли рақс ҳаракатига айланди ва ҳаққоний тарзда шу урф бўлган ном билан атала бошланди. Унинг таърифланувчи кирраси – мусиқий манзаранинг олдинги планини деярли забт этган ва ритмга энергия берувчи ва рақс майдонида муҳит яратувчи бас-чизиги бўлиб. Айнан шу қирраси сабаб “speed-garage” шиддат билан бутун жаҳон бўйлаб оммалашиб бормоқда. Дарвоқе, айримлар шу сабабли ҳам “speed-garage”ни “хаус” ва “жангл”нинг рақсбоп аралашмаси дейишса керак. “Speed-garage” мусиқасининг яна бир қирраси – бу бит мавжуд бўлмаган кўпсонли ва давомли участкалар бўлиб, улар рақс майдонидаги муҳитнинг қизишига ва

рақсга тушаётганларни жонлантиришга унда, баъзан композициянинг иккинчи қисмига прелюдия сифатида хизмат қиласди. Бевосита мисолларга келсак, улар жуда кўп. Мисол тариқасида энг ёрқин намуналарни келтирамиз: Goldie feat. KRS one “Da Digital” (Armand’s Speed Garage Mix), Double 69, “Ripgroove”, Ultra Nate “Free” (R.I.P. Up North Mix), Mousse T, Armand van Helden, Todd Terry, Double 99, Ultra Nate, 187 Lockdown, Serious Danger.

“Speed-garage” – эски ва янги замонавий рақс маданиятининг аъло даражадаги рақсбоп клуб гибриди саналади.

**Спид-метал**/Speed-metal - 1980-йилларнинг биринчи ярми - ўрталарида пайдо бўлган “металл” турларидан бири. У “классик” хэви-металга нисбатан тезкор суръати, катта тажовужкорлиги, жанговорлиги, жарангининг шиддаткорлиги, гитаранинг виртуоз ижроси ва жўрнавоздаги тезлик “манбай”га (номланиш ҳам шундан: инглизча speed - тезлик), бирмунча тез ритмик сетка (икки бочка) ва бир қадар экспрессив вокал услубига (ўта юқори тенор ёки “ўқиравчи” (growling) вокал) интилиши билан ажralиб туради.

“Спид-метал” – қудратли, оммавий йўналишларга қўшилиб кетмади, у кўпроқ “трэш-метал”га ўтиш босқичи бўлиб қолди: охиргилар ундан ижронинг юқорги тезлиги, техникаси ва шиддати каби сифатларини ўзлаштириб, ўз навбатида уларни янада каттароқ агрессия томон буриб “трэш”га мослаштиридилар. Алоҳида асаллар кўринишида бўлса-да, ҳанузгача “спид”нинг таъсири кузатилади. Соф “спид” услуби намуналарига қуйидагиларни киритиш мумкин: булар “Metallica” номли америкалик гуруҳнинг дебюти, “Exciter” номли канадалик гуруҳнинг, “Helloween”, “Rage”, “Blind Guardian” каби олмониялик гуруҳларнинг дастлабки альбомларидир. Баъзан Ингви Малмстин ва Жо Сатриани сингари гитара санъати усталарининг ижодини ҳам “спид-метал”га мансуб дейишади. Бу эса у қадар ишончли фикр эмас, гарчи бу ижрочиларга фавқулодда виртуозлилик, техника ва илҳом хос бўлса-да.

**Спиричуэл/Spiritual** (инглизча “диний” ) – шимолий американлик негрларнинг хор хониши учун яратилган архаик диний жанри. Тахмин қилишларича у, негрларнинг колониал даврдаёқ респонсор услубда ижро этилган фольклор қўшиқ-мадхияларидан келиб чиқкан. XIX асрда эса оқтанли муҳожирларнинг христианча псалмодиялари таъсири остида кўповозликнинг ўзига хос тугалланган шаклига келтирилган. Спиричуэл ва блюзнинг тахминан XIX аср ўрталаридан бошлаб фольклоршунослар томонидан ўрганилиши, негрлар мусиқасига нисбатан жамоат қизиқишини уйғотди ва спиричуэл жанрини ижро этувчи кўплаб профессионал хор ҳамда вокал ансамблларининг юзага келишига туртки бўлди. Спиричуэлнинг концерт тури ҳам шунинг асосида - яъни блюз ва чолғу жазининг концерт шакли пайдо бўлгунига қадар жорий этилган. Негритянча фольклор спиричуэлида америкача мусиқанинг кўплаб характерли ифода воситалари кузатилади: булар европача гармоник асос ҳамда христианча мадхиялардан олинган куйлар билан мувофиқлашувчи импровизация, респонсор техникаси, офф-бит, ўзгарувчан интонация (“блюз тонлари”, шаут-эффектлар, офф-питч, дерти-тонлар) ва б. Худди блюз сингари спиричуэл ҳам жазнинг асосий манбаларидан бири саналади.

**Стомп /Stomp** (инглизча босмоқ, тепкиламоқ) – 1. Шимолий американлик негрларнинг тезкор суръатда ижро этилувчи, ўзига хос остинатоли ритмик фигуralарга эга архаик фольклор рақси. 2. Остинатоли, такрорланувчи (мелодик, гармоник, урғули-ритмик, фактуравий) моделларнинг эпизодик ўтишларига асосланган, жазда кенг қўлланиувчи усул бўлиб, бу моделлар асосий куй ибораларига мос тушмаганлиги сабабли мусиқий баённи кучайтириб, уни ички зиддиятлар билан бойитган ҳолда, вақтинча унинг табиий мантиқини бузиб туради. Шу мақсадларда қўлланилган модель “стомп-паттерн”, уни қўллаш усули эса – стомпинг номини олган. Свинг услубига хос бўлган мелодик стомп тури – риффдир.

**Стоп-тайм/ Stop time** (инглизча тўхташ, танаффус) – бир маромли метрик пульсация (граунд-бит) ҳамда ансамбль жарангининг бирданига тўхтаб қолиши ва маълум вақтдан сўнг янгиланиб келиши. Ҳосил бўлган пауза (тўхтам)лар вақтида якканавоз, қоидага кўра қисқа импровизацион лавҳалар (брейк)ни ижро этади. Жаз респонсор техникасининг характерли усули.

**Страйд-услуб/Stride style** (Stride piano style) (инглизча stride – катта қадам) – пианиночининг чап қўл партияси билан боғлиқ куйнинг фортепиано жўрлигидаги техникаси бўлиб, унда доимо бас товушлари (тўрт ҳиссали ўлчовнинг биринчи ва учинчи ҳиссаларида) ва аккордлар (иккинчи ва тўртинчи ҳиссаларда) галма-гал ўзаро алмашиниб келади. Бу вақтда мусиқачининг чап қўли бир-икки оқтавани ташлаб (“қадам ташлайди”) ҳаракатланади. Страйд-усул регтайм пианиночилари томонидан ишлаб чиқилиб, сўнгра фортепиано жазининг турли хил услубларида ривожлантирилган.

**Стрит-край /Street cty** (инглизча “кўча ҳайқириғи”) – архаик фольклор жанр. Кўчадаги буюм ташувчиларнинг якка ижродаги меҳнат қўшиқ тури. Афроамерика халқ мусиқасида бундай қўшиқларнинг кўплаб турлари мавжуд – қисқа декламацион ҳайқириқлар ва кичик мелодик хонишлардан, то тугал ва ривожланган қўйга эга, бир нечта бандлардан иборат қўшиқ шаклигача бўлган кўринишларда.

**Стэйд-бэнд/Stage band** (инглизча “саҳна оркестри”) – концерт чиқишилари учун ташкил этилган талабалар оркестрининг рақамли

кодга айланиши.

## Т

**Рақс мусиқаси/Dance music** – бу аввало электрон мусиқа. Зеро ҳозирда камдан-кам асар компьютер ёки синтезатор ёрдамисиз яратилади. Агар сиз у ёки бу рақс композициясининг услубини яхшироқ билиб олишни истасангиз, бунинг энг афзал йўли – уни муаллифларидан сўраш ёки пластинка ёхуд

компакт-дисқдаги ёзувларга қараб билишdir. Гап шундаки, күплаб тушунчалар шу қадар мавхумки, аниқ структурага эга эмас.

**Техно** (инглизча Techno) - 1980-йилларнинг ўрталарида Детройт шахри ва унинг атрофида юзага келган ва кейинчалик европалик продюсерлар томонидан ўзлаштириб олинган электрон мусиқа услуби. У товушининг сунъийлиги, механик ритмларга урғуси, мусиқий асар структуравий унсурларининг кўп маротабали такори билан тавсифланади.

**Техно хардкор**/Techno hardcore – “техно”нинг оғир, абстракт ва бирмунча агрессив версияси. Унга жуда тезкор ва тўғри бит, индустрιал товушлар, бақириқ, ингроқлар, увилловчи ва ғижирловчи синтезаторлар мавзулари хосдир. “Хардкор” трекларида “крэш”лардан фойдаланишни, шунингдек, “дисторшн” тоифасидаги эффектларни жуда хуш кўрадилар. Мазкур услугнинг фарқли қирралари – тезкор суръат (170дан 400ВРМгача) ва дисторшн орқали юборилувчи қаттиқ бас-бочкадир. Эътироф этиш керакки, айнан “хардкор”да илк бор “жангл” треклари учун хос бўлган синувчан ритмикадан фойдалана бошладилар. Унда тўғри бит билан бир қаторда, етарлича синкопаланган зарбларни тинглаш мумкин.

**Тин-Пэн-Элли**/Tin Pan Alley (инглиз-америкача “оқартирилган кастрюллар кўчаси”) – АҚШдаги кўнгилочар мусиқий маҳсулот чиқарувчи тижорат фирмаларининг камситувчи лақаби.

**Том-том**/Tom tom – келиб чиқиши Хитойдан бўлган урма чолғу асбоби. Жаз ансамбларида тез-тез қўлланилувчи кичик барабаннинг бир тури. Бир ёки иккита мембрана, шунингдек, жаранг баландлигини ўзgartириш мўлжалланган маҳсус винтларга эга. Турли ҳажмдаги бир нечта том-томлар маҳсус мослама орқали зарбли ўрнатмадаги катта барабанга ўрнатилиши мумкин.

**Анъянавий жаз**/Traditional jazz (қисқача trad.) – қаранг: Классик жаз.

**“Учинчи оқим”**/Third stream – мазкур атама 1959-йилдан замонавий мусиқадаги жаз ва академик мусиқа санъатининг (“биринчи” ва “иккинчи” оқимлар назарада тутилмоқда) ўзаро синтези соҳасидаги экспериментлари

билан боғлиқ услугий йўналишга нисбатан қўлланила бошланган. Бу экспериментларни учта гурухга бўлиш мумкин: 1) замонавий академик мусиқанинг ғоя ва тамойилларини жаз мусиқачилари томонидан ўзлаштирилишига уринишлар; 2) жаз мусиқачиларининг ижроси учун академик композиторлар томонидан маҳсус асарлар яратилиши; 3) жазмен ва академик мусиқачиларнинг ҳамкорликдаги ижоди. “Учинчи оқим” тушунчасини тор маънода 1950-йилларга мансуб дейиш лозим, кенг маънода – уни илк симфожаз, прогрессив, вест-коуст, кул, жаз-рок, авангارد рок ва фьюожн каби бир қатор жаз ва “жазга яқин” услубларга тарқатиш мумкин.

**Трип-хоп/** (trip-hop) – замонавий электрон мусиқанинг энг ёрқин оқимларидан бири бўлиб, у Британияда, 1990-йилларнинг бошида пайдо бўлди ва 1994-йилга келиб ниҳоятда оммалашди. У хип-хоп, психodelия, кул-жаз, эйсид-хаус ва даб унсурларидан таркиб топган. Трип-хопнинг фарқли томонларидан бири – унинг меланхолик, ва ҳатто қайгули образли тузилишидир.

Мазкур услубнинг ватани Англия ҳисобланади, шу боис ҳам бу йўналиш мусиқачиларининг аксарияти ўша ерликдир. Унга “трип-хоп” номи 1994-йилда берилган, гарчи шунга ўхшаш мусиқани илгари ҳам чалган бўлсаларда. Услуб асосида вазмин (110бртдан ортиқ эмас) синувчан рэп-ҳаракат ётади. Бу кўпроқ чолғу мусиқаси бўлиб, унда жаз унсурлари мужассам. Бунда жонли чолғулар электрон чолғулар билан муваффақиятли тарзда мувофиқлашади.

**Трэш-метал/Thrash-metal** - 1980-йилларнинг биринчи ярмида юзага келган “металл” турларидан бири. Унинг шаклланишига ҳисса қўшганларнинг биринчиси америкалик мусиқачилар (уларнинг кўпчилиги Калифорния аҳолиси)дир, уларга британча “хэви-метал” жуда маъқул келган. “Британча хэви-металнинг янги тўлқини” ҳақидаги ҳайратлар матбуот орқали бутун Америкага тарқалди, мусиқанинг ўзи эса пластинкаларда Янги оламга эришди. Биринчи “трэш-эшелон” гурухи таркибида “Metallica”, “Exodus”, “Anthrax”, “Slayer”, “Overkill”, “Testament”, “Annihilator”, “Sepultura”,

“Kreator” ва б. айтиб ўтиш лозим. “Трэш” учун бас ва гитаранинг қаттиқ, лўнда риффлари, “инфэрнал” уч тонли давралар (“Black Sabbath”дан олинган) хосдир. “Трэш”да суръат худди “спид-метал”даги каби мўътадил-тездан жуда тезгача бўлган масофада тебранади. “Трэш”га хос аломат – бу шиддаткор бас-гитара тремолоси ва галма-гал келувчи икки бочкали ритмик унисондир (услубнинг номи ҳам шундан олинган: инглизча урмоқ, таққиллатмок). Вокал йўли кўпинча чолғу фактураси билан диссонанслашади, умуман вокал услубини гарчи у ўта жадаллашган бўлсада, антимусиқий дейиш мумкин эмас. “Трэш-метал”нинг “ортодоксал” байналминал ва “альтернатив” оғир мусиқанинг кейинги ривожланишидаги ролини қайта баҳолаш мушкул. “Трэш”нинг турлари – “техно-трэш” ва “трэшкор”дир.

**Ту-бит/Two beat** – (инглизча “икки зарб”, урғу) – жаз битининг тўрт хиссали вазннинг биринчи ва учинчи хиссаларидаги ургули тоифаси. Кўпроқ диксиленд услубига хос.

**Тур/Tour** – бир ёки бир гурӯх ижрочиларнинг турли шаҳарлар ёхуд мамлакатларда, кўпроқ промоушн мақсадида ўтказадиган концертлари серияси.

## У

**Уорк-сонг/Work song** (инглизча “мехнат қўшиғи”) – Афроамерика фольклорининг энг дастлабки жанрларидан бири, меҳнат қўшиғининг тоифаси бўлиб, у бошқа негр фольклор жанрларидан кўра кўпроқ африкача манбалар билан боғлиқ. Уорк-сонгнинг фарқли жиҳати – унга тааллуқли бўлган ижтимоий функциясидир: бу жўрлик ва меҳнат жараёнинг ритмик уюшмаси. Унинг бу хусусияти бевосита қўшиқлар ритмida ўз аксини топган. Уорк-сонгнинг кўплаб турлари мавжуд: якка ижро ва ансамблъ ижросидаги, чолғу жўрлигида ва чолғу жўрлигисиз, шунингдек, меҳнат фаолиятининг турли шакллари билан боғлиқ, мусиқий жиҳатдан жўн ва анча такомиллашган кўринишлари. Уларда негритян мусиқасининг энг характерли қирралари ўз ифодасини топган: респонсор (савол-жавоб) айтишув, якка ва

гурухли ижро, шаут-услуб, дерти-тонлар, хот-интонация, блюз лади, офф-бит ва б. Бу ифода воситалари кейинчалик уорк-сонг катта таъсир кўрсатган (блюз, негритянча баллада ва спиричуэл билан бир қаторда) жаз учун хос унсурларга айланди.

**Уошбоард**/Washboard (инглизча “кир юувчи тахта”) – шимолий американлик негрларнинг фольклор мусиқий чолғуси бўлиб, оддий кир юувчи тахта ёки қовурғасимон юзали предметни намоён этади. У зарбли-ритмик жўрнавозлик функциясини бажаради. Анъанавий жаз ансамбли таркибиغا ҳам киритилади.

## Φ

**Фанк**/Funk – қора танли ижрочилар даврасида “соул” мусиқасининг давоми сифатида, фақат анча қаттиқ ритмик асос билан юзага келган йўналиш. У 1960-йилларнинг охирида американлик негрларнинг ўз ҳуқуклари учун курашишларида сезиларли омилга айланди. Мусиқанинг асосида “фьюжн”, “мотаун”, “хип-хоп”, шунингдек замонавий “клуб мусиқаси”нинг айрим шакллари ётади.

**Фанки**/Funky – (инглизча - ноаниқ, мужмал) – замонавий жазнинг максимал даражадаги шиддатли блюз интонация билан, бир маромли-темперацияланган создан сезиларли равишдаги оғишимага мойиллик билан, товуш садоланишининг экспрессив хот-усули билан, яхлит офф-бит, негрларнинг архаик диний мусиқасига қардошиликни билдирувчи экстаз билан ажralиб турувчи ижро услуби. Фанки-услуб хард-боп мусиқачилари томонидан 1950-йилларнинг охири - 60-йиллар бошида ишлаб чиқилган.

**Филд-край**/Field cgy (инглизча “дала ҳайқириғи”) – архаик қишлоқ негритян фольклорининг жанри. Плантацияларда негр-қуллар томонидан ижро этилган меҳнат қўшиқ-айтишув тури. Худди филд-холлернинг ўзи. Шунингдек қаранг: холлер.

**Филд-холлер**/Field Holler – қаранг: Филд-край.

**Филл**/Fill (инглизча тўлдирмоқ, қопламоқ) – блюздаги чолғу жавоб-ижроси. Шунингдек, қаранг: савол-жавоб тамойили.

**Фоур-бит**/Four beat – (инглизча “тўрт зарб, урғу”) – тўрт ҳиссали вазннинг ҳар бир ҳиссасига урғу берувчи жаз битининг тоифаси. Негритян жази ва свинги учун хос услугуб.

**Фри-жаз**/Free jazz (инглизча “эркин жаз”) – гармония, шакл, ритмика, мелодика ва импровизация техникаси соҳасидаги радикал экспериментлар билан боғлиқ 1960-йилларнинг замонавий жаз услуби. Фри-жазнинг характерли қирралари: эркин индивидуал ёки гурух импровизацияси ҳукмронлиги; полиметрия ва полиритмия, политоналлик ва атоналлик, сериявий ва додекофон техника, эркин шакллар, модал техника (қаранг: модал жаз) ва б.нинг қўлланилиши.

**Фьюжн**/Fusion (инглизча қотишма, бирикиш) - 1970-йилларда жаз-рок, европача академик мусиқа ва ноевропача фольклор унсурларининг синтези асосида юзага келган замонавий услубий йўналиши.

## X

**Хай-фай**/Hi-fi (high fidelity) – товушни садолантиришда юқори аниқлик ва сифатга эга аппаратура синфи.

**Хай-хэт**/High hat (инглизчадан луғавий маъноси “баланд шляпа”) – жазда қўлланиладиган такомиллашган педалли тарелкалар тури - чарльстонни намоён этувчи зарбли чолғу. Бу чолғу ўз номини ҳажмининг баландлиги сабаб олган, унинг баландлиги – бир метрга яқин.

**Хард-рок**/Hard rock – оғир рок. 1960-йиллар ўрталарида кўплаб гуруҳлар асосига “блюз”ни олиб, бу мусиқий услубни оғирлаштирадилар ва батамом “хард-рок” ғояларига яқинлашадилар. “Хард-рок” мустақил мусиқий услуг сифатида 1966-йиллар охирига келиб тўлиқ жорий бўлди. Бу вақтда Англия ва АҚШда бир вақтнинг ўзида юксак тоифадаги ансамбларнинг улкан микдори пайдо бўлди, улар орасида “Led Zeppelin”, “Deep Purple”, “Black Sabbath”, “Uriah Heep” ва б. бор. Уларнинг ҳар бири бу мусиқага ўзининг специфик жарангини киритди. “Хард-рок” бир неча йиллар давомида ривожланди ва ўз имкониятларини кенгайтирди, бироқ 1970-

йилларнинг ўрталариға келиб бу мусиқага нисбатан қизиқиш йўқола бошлади. Шундай бўлса-да, кўплаб замонавий ижрочилар мазкур услубнинг маданий меросига тез-тез мурожаат этадилар.

**Хард-боп/Hard bop** (инглизча “қаттиқ боп”) - 1950-йиллар бошида боп асосида юзага келган ист-коуст-жазнинг услугбий тури. У ўзининг экспрессивлиги, ритмининг қаттиқлиги, блюз анъаналариға таяниши билан ажralиб туради. Хард-боп замонавий жаз услублари гуруҳига мансуб.

**Хаус-музик/Hous music** – бу “үй мусиқаси” деган маънони англатувчи услуг, чунки уни уй шароитида ва дискотекаларда яратиш мумкин. У 1980-йилларнинг ўрталарида Чикаго ва Нью-Йоркда яратилган. Баъзан мутлақо ҳар хил ижрочиларни бирлаштирган ди-жейлар бир нечта проигрыватель, секвенсор ва синтезаторлардан фойдаланган ҳолда, микширлаш ва трекларни таҳлаш ёрдамида ўз мусиқаларини чалар эдилар. Классик “хаус” структураси жуда оддий: стандарт ўлчов 4/4 ва унчалик тез бўлмаган суръат (120BPM тартибида). Одатда икки ва тўрт чоракталикларга “сольник” ёки “клэп” мос тушади, ҳар бир ўн олтиалик ҳиссада хэт янграйди (бас-бочка ўртасидаги оралиқда). Қоидага кўра, “хаусча” треклар ёрқин ва чиройли пассажлар, мажор аккордлари ва оддий, аммо ёдда қоларли куйлар билан бойитилган. Ушбу услуг негизлари “диско” ва “соул” каби мусиқаларга бориб тақалади.

**Хаус-рент-парти/House rent party** – мусиқачилар иштирокидаги анъанавий ўтиришлар, бундай кечаларнинг нархи унчалик қиммат бўлмаган. Улар XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошида негрлар орасида жуда оммалашган эди. Хаус-рент-парти фортепиано жазининг ривожи учун муҳим бўлган жем-сешнинг дастлабки шаклидир.

**Хип-хоп** (инглизча Hip-hop) - 1970-йиллар охирида АҚШда афроамерикаликлар орасида пайдо бўлган ёшларнинг суб маданияти. Унинг учун ўз мусиқаси (у шунингдек, “хип-хоп” деб ҳам аталади), ўз лаҳжаси, ўз хип-хопи, рақсбоп услублари (брейк-данс ва б.), график санъати (граффити) ва ўз кинематографи хосдир. 1990-йиллар бошига келиб дунёning кўплаб мамлакатларида хип-хоп ёшлар маданиятининг бир қисмига айланди.

**Хит/Hit** – ниҳоятда оммалашган қўшиқ, шунингдек, муайян даврда яратилган шундай қўшиқнинг ёзуби (альбоми).

**Холлер /Holler** (инглизча Holloa сўзидан - акс-садо тури) – меҳнат қўшиқ-айтишувининг афроамерикача архаик жанри. Дала ишлари пайтида ижро этилувчи холлерлар филд-холлер ёки филд-край деб аталади.

**“Совуқ жаз”** – қаранг: кул-жаз.

**Хонки-тонк-услуби/Honky tonk(y) (piano) style** (инглиз-америкача Honky tonk – кичик кабакнинг номи) – XIX асрнинг иккинчи ярмида худди баррел-хаус-услуби сингари Янги Орлеан ва АҚШнинг бошқа шаҳарларида юзага келган негритян фортепиано жазининг дастлабки услубларидан бири.

**Хорус/Horus** – жаз учун хос бўлган импровизацион-қофияли шакл бўлими. Хоруснинг масштаби ва тузилиши бошланғич мавзуга қараб аниқланади, у (мавзу) намойишдан сўнг ўз ўрнини импровизацияга бўшатиб беради, сўнгра эса реприза бўлимида қайта янгиланиб келади. Бошланғич структура сақланадиган мавзу, импровизациянинг алоҳида звенолари ва реприза хорус тушунчасига мос келади. Хоруслар сериясидан жаз пъесасининг умумий шакли келиб чиқади. Хорус тушунчаси гармоник квадрат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ.

**Хот/Hot** (инглизча қайноқ, темпераментли) – одатда юқори экспрессия, эмоционал қўтаринкилиқ, ритмик ва интонацион-мелодик ифоданинг композицион ва гармоник мантиқдан устунлиги, максимал даражадаги импровизацион эркинлик билан ажралиб турувчи африкача негиз ҳамда афроамерикача фольклор билан узвий боғланган архаик ва классик негритян жазига нисбатан қўлланиладиган атама. Мазкур тушунча шунингдек, афроамерикача мусиқа ва негрлар жази (ритмика, мелодика, интонациялаш, тембр, гармония, шакл соҳасида) ифода воситаларининг специфик мажмуини билдириш учун ҳам қўлланилади. Жазда кенг қўлланиладиган хот-тон, хот-интонация, хот-соло, хот-импровизация, хот-чолғулар, хот-услуб ва х.к. каби атамалар ҳам шундан келиб чиқкан. Бу борада хот-жазга жаз мусиқасининг европалашган услубий шакллари, шунингдек, сохта-негритянча характердаги

тижорий оммабоп-күнгилочар мусиқанинг айрим тоифалари қарама-қарши күйилади.

**Хэви-метал/Heavy metal** – “хард-рок”нинг мантиқий давоми. Эски авторитетлар ўрнига куч-куватга тўлиб-тошган, амбицияли ёшлар келди. Ушбу услуб мусиқачилари янада оғирроқ ва тезроқ чалар эдилар. Вақт ўтиши билан “металл”да бирмунча аҳамиятли бўлган ўз оқимлари юзага келди: булар “Trash” ва “Speed metal”. Бу услубда ривожланишнинг оригинал йўлларини топиш қийин, ва шу сабаб кўплаб гуруҳлар бир-бирига ўхшаб қолган эдилар. Аммо шундай бўлса-да, ҳақиқий юлдузлар ҳам бор эди, масалан, “Metallica”, “Bon Jovi”, “Def Leppard”, “Scorpions”, “Ac/Dc”, “Aerosmith”, “Iron Maiden” ва б.

**Хэппи хардкор/Happy hardcore** – поп ва “хардкор” мавзусига аталган бирмунча рақсбоп вариация. Унда ҳам болалар овози, ширали куйлар, ўша тезкор бит (бироқ у турли хил тижорий рентабел товушлар ва урфдаги синтезаторлар томонидан юмшатилган) мавжуд. Ушбу йўналишнинг ёрқин намояндаси “Scooter” гурухидир.

## Ч

**Чарт/Chart** – бирмунча оммалашган пластинкалар, сингллар ёки ижрочилар рўйхати. Бу мусиқа маҳсулотининг сотилиши ҳақидаги маълумотлар, унинг радио ва телевидение орқали янграши, шунингдек, салоҳиятли тингловчилар ўртасида ўтказилган бевосита сўровномалар орқали аниқланади.

**Ча-ча-ча** – румба ва ча-ча-ча рақсларининг аниқ фарқи аввал бошидан мавжуд эмас эди, шу боис биринчи ҳисса атрофида (тактолидан биринчи ҳиссага олиб келувчи бир нечта зарблар) ўзига хос тарзда ривожланувчи бутун мусиқа румба тоифасига мансуб, деб ҳисобланган. Вақт ўтиши билан рақслар аниқ бўлинешга эга бўлган. Румба мусиқаси бирмунча вазмин суръатда бўлиб, қоидага кўра минор ладида яратила бошлаган, ва куйнинг биринчи ҳисса атрофида ривожланишига эга бўлган (зарбли: нимчорак, нимчорак, нимчорак, чорак – биринчи ҳисса). Ча-ча-ча мусиқаси эса

тезкорроқ бўлиб, ҳам мажор, ҳам минор ладларида яратила бошлади, ва биринчи ҳиссанинг аниқ ифодаланувчи таъкидланган ижросига эга бўлди (нимчорак, нимчорак, чорак – биринчи ҳисса, яъни бу – “ча-ча-ча” ёки “ча-ча-бир” дегани).

**Чикагоча услуб**/Chicago style – классик янгиорлеанча жаз ва свинг ўртасидаги оралиқ, ўтиш ҳолатини эгаллайди. У 1920-йилларда Чикагода, даставвал оқ танли мусиқачилар ижроси амалиётида, янгиорлеанча услугув ва диксиленд анъаналари асосида жорий этилган. Асосий хусусиятлари: ижронинг европалашган кўриниши, жамоавий импровизациянинг аранжировкаланган лавҳалар қуршовидаги сололар серияси билан алмаштирилиши, етакчи куй овозининг индивидуаллаштирилганлиги, негритянча жаз учун анъанавий бўлган респонсор техникаси (савол - жавоб)дан тез-тез воз кечиш, куй фигурацион вариацияланишининг яхлит импровизациядан устун келиши, остинатоли такрорланувчи гармоник модель (квадрат)га таяниш, тўрт ҳиссали вазннинг иккинчи ва тўртинчи ҳиссаларига урғу берилиши ва ансамбль таркибининг кенгайшидир. Чикагоча услугуб бигенднинг юзага келиши ва ривожланишига туртки бўлиб, свинг услугуби ва замонавий жазнинг шаклланишига замин яратди. Чикагоча услугуни янгиорлеанча-чикагоча услугуб (Чикагода янгиорлеанлик мусиқачилар ва уларнинг издошлари томонидан ижро этиладиган классик жаз) билан адаштириб юбормаслик керак.

### Ш

**Шансон** – бу қачонлардир кўча хонандалари куйлаб юрган сюжетли қўшиқлардир; бу бир актёр театри бўлган – кичик театр. Ҳар бир қўшиқда ўзининг лириқ, драматик ёки ҳажвий фабулали мини сюжети бўлиши керак. Шунингдек, “рус шансони” деб аталувчи қўшиқларда ҳам сценарий мавжуд: унда воқеалар зонада ёки “роҳат-фароғат”да кечади, аммо бу энди умуман бошқа жанр – ўғрилар қўшиғи ёки шаҳар романси.

**Шаут/Shout** (инглизча “қичқирмок”) – архаик негритян халқ мусиқасига хос ва африкача илдизлар, аввало диний маросимлар билан узвий боғлиқ

бўлган хонишининг специфик “қичқиравчи” услуби. У афроамерикача фольклорнинг деярли барча турларида учрайди (шаут-урксонг, шаут-баллада, шаут-блюз, шаут-спиричуэл, ринг-шаут ва б.). Шаутинг (шаут-услубдаги ижро) жазнинг ҳам вокал, ҳам чолғу мусиқасида бирдек кенг қўлланила бошлади.

**Шаффл/Shaffle** (инглизча “судралувчи қадамлар”) – 1. Архаик негритян халқ рақсларидағи ҳаракатнинг ўзига хос тоифаси бўлиб, унда раққоснинг оёқлари ердан узилмайди. 2. Шаффл услубидаги жаз ритмининг тоифаси (shaffle beat).

**Шоубот>Show** (инглизча “show” томоша, “boat” қайиқ, кема) – XIX - XX асрлар мобайнида АҚШда оммабоп бўлган “сузиб юрувчи театр” кўриниши; йўловчилар кўнглинни хушлаш учун дарёларда сайд қилувчи пароходларда уюштириладиган томошалар, кўнгилочар дастурлар ва концертлар. Кўпинча бундай томошаларда негрларнинг жаз оркестрлари (riverboat jazz) иштирок этганлар.

## Э

**Эвергрин/Evergreen** (инглизча “абадий ям-яшил, қаримайдиган”) – моданинг инжиқликлариға қарамай кўп йиллар давомида ўз машҳурлигини йўқотмаган куйлар. Жаз мусиқасида кўплаб эвергринлар (мюзикл, оперетта, қўшиқ ва ҳ.к.лардан олинган куйлар)дан импровизациялар учун мавзу сифатида фойдаланилади.

**Эйсид жаз/Acid jazz** - 1990-йиллар бошида кенг тарқалган рақс мусиқаси услуби. Унинг илдизлари “фанк”, “соул” ва 1970-йилларнинг рақс анъаналарига бориб тақалади, дейиш мумкин, унинг психоделия қисми бўйича аниқ аждоди эса – Acid Rockдир. Соф мусиқий тавсифлар нуқтаи назаридан “эйсид жаз” – ювилиб кетган тушунча. Эйсид жазнинг ўзига хос қирралари – аниқ риффли тафаккур, рационал-рақсбоп қисмларнинг импровизациялар билан мувофиқлашуви, тўйинган ва айни пайтда юмшоқ жаранг; 88дан 116бртгача бўлган суръатдаги аниқ квадратли структуралар, катта микдордаги жонли чолғуларнинг электрон саундэфектлар билан

кўшилиши – мана шулар уни жаз, фанк ва дэнс-музиқадан ажратиб туради. Эйсид жаз рок мусиқанинг ilk босқичи ҳисобланади. Инглиззабон давлатларда “рок-н-ролл” атамаси кўпинча рок мусиқанинг умумий номи сифатида кўлланилади, шунингдек, бунда гранж, рокабилли ва ҳ.к.лар ҳам назарда тутилади.

**Эйсид хаус/Acid house** – Чикаго муҳитида яралган “хаус”нинг иккинчи авлоди. Ушбу йўналиш бошқалардан синтезатор товушларининг мўл-кўллиги, шунингдек, теран психоделик саунди билан ажралиб туради. Унда вокалнинг бутунлай йўқлиги ўта муҳим омиллардандир.

**Электрон мусиқа/Electronic music** – биринчи навбатда товуш синтези имкониятларини ўрганиш ва қўллашга, авваллари тингланмаган, мутлақо янги сунъий тембрларни яратишга мўлжалланган мусиқа мактаби. Тарихан электрон мусиқанинг юзага келишига замин XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган композиторлар асарларида товушнинг сонор талқинини ривожлантириш билан яратилган. Электрон мусиқа Германияда юзага келган, ва у 1951-йилда, Дармштадт шаҳрида замонавий мусиқанинг ёзги курсларида В.Майер-Эпплер томонидан “электротовушлар” монтажининг намунаси намойиш этилгач, ilk бор ўзини маълум қилган. Электрон мактабнинг энг йирик намояндалари – немис мусиқачилари Херберт Аймерт, Карлхайнц Штокхаузен, Ханс Вернер Хенце, француздар Анри Пуссёр, Пьер Булез, итальянлар Бруно Мадерна, Лучано Берио, япон Тосиро Маюдзури ва б. Электрон мактаби намояндалари товушнинг аждод асосига - яъни обертонлар қаторига таяниб мусиқа яратадилар. Электрон мактабининг ютуқлари поп-, рок- ва замонавий рақс мусиқаларига катта таъсир кўрсатди.

**Электрон жаз/Electronic jazz** – товушнинг электрон синтезини қўллаш билан боғлиқ замонавий жаздаги экспериментал йўналиш.

**Эмбиент/Ambient** – 1970-йилларда пайдо бўлган мусиқа услуби. Бу атамани ҳам худди концепция каби Брайан Ино киритган. Мазкур услугуб учун ҳар қандай таркибий қисмларнинг ноаниқлиги хосдир: булар ноаниқ куй, ноаниқ харакат, баъзан ритмнинг мутлақо мавжуд эмаслиги. Умуман

олганда бу, классик түшүнчадаги мусиқа эмас, балки дилеялар орқали күпайтирилгандар ва реверберациялар билан таъкидланган шовқинлар түплемидир.

**Эмми/Emi** – энг йирик инглиз овоз ёзиш концернларидан бири. Унда “The Beatles”, “Pink Floyd”, “Duran Duran”, “Tina Turner” ва бошқа күплөб санъаткорлар ҳамда гурухлар ўз қүшиқларини ёздирғанлар.

**ЭМО/“emotional”** ёки “emotion” (инглизчадан “эмоционал”, “эмоция”) – бир неча йиллар аввал саҳнада ғалати мусиқачилар пайдо бўлди, дастлаб уларни айримлар готалар ва, ҳатто иблисчилар билан адаштиридилар. Албатта, соchlар қора, кийимлар ҳам асосан қора рангда, кўзларга қалин қилиб қора қалам билан чизилган. Агар бўйинбоғ тақилса, у албатта пушти рангда, соchlарда мелирование бўлса – у ҳам пушти ёки оппоқ рангда, қўшиқ эса – албатта энг баланд ноталарда эди. Бир сўз билан айтганда, бу болалар мавжуд йўналишларга кирмас эдилар. Уларнинг ўзлари ҳам бунга унчалик интилмаганлар. Улар ўз мусиқий йўналишларини яратиб, уни “эмо” деб атадилар.

**Энтертейнер/Entertainer** (инглизча “эстрада артисти”) – XIX асрнинг охири – XX аср бошларида кўпинча эстрада жаз пианиочиларини, асосан – регтайм ижро чиларини шундай атаганлар.

## **ҚЎЛЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абидова Л. История джаза и современных музыкальных стилей: (краткие очерки) Уч. пособие. Ташкент.- изд. «Уқитувчи»- 2007.
2. Вопросы музыкального исполнительства и педагогики IV Сб. статей. Ташкент, 2003.
3. Гилев С. Беседы о джазе .- Ташкент.- изд. «NFL», 2005.
4. Дейфид Р., Крэмптон Л. Rock & Pop энциклопедия. Рок-и поп-музыка год за годом/ изд.: Дорлинг Киндерсли, Москва.- изд. «РОСМЭН», 2004.
5. Клитин С.С. Эстрада: Проблемы, теории, истории и мето-дики: Уч. пособие.- Л.: изд. «Искусство», 1987.
6. Козлов А.В. Рок: истоки и развитие / Москва.- изд. «Ме-га Сервис».- 1998
7. Королев О.К. Краткий энциклопедический словарь джаза, рок- и поп-музыки: термины и понятия/ изд. «Музыка».- Москва, 2006, 167с.
8. Меньшиков, В. Г. Энциклопедия рок-музыки.- Ташкент.- изд. «Узбекистан».-: 1992.
9. Меньшиков, В. Г. Энциклопедия прогрессивного рока.- Ташкент.- изд. «Шарк».-: 1996.
10. Троицкий А. Поп-лексикон.- Москва.- изд. «Созвучие», 1990.
11. Трофимов А., Марочкин В., Бушуева С. и др. Русский рок. Малая энциклопедия.- Москва.- изд. «ЛЕАН»-«АНТАО», 2001.
12. Овчинников Е. История Джаза. Выпуск I.- Москва.- изд. «Музыка», 1994.
13. Паскаль Дж. Иллюстрированная история рок-музыки (Jer-emy Pascall "The illustrated history of rock music"London etc. Hamlyn corp. 1978).
14. Сохор А. Социология и музыкальная культура.- Москва, 1973.
15. Сыров В.Н. Стилевые метаморфозы рока, или путь к "третьей" музыке/ Изд. Нижегор. ун-та.- Н. Новгород, 1997.
16. Ўзбекистон санъати: Тарих ва замонавийлик. Ёш олимлар-нинг илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент «Янги аср авлоди», 2003.
17. Цукер А.М. И рок, и симфония.- Москва. изд. «Компози-тор», 1993.

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Кириш   | 3  |
| <b>I-ҚИСМ. ЖАЗ МУСИҚАСИ</b>                             |    |
| 1-мавзу: Жаз мусиқасининг яралиши.                      | 6  |
| 2-мавзу: Классик жазнинг шаклланиши: Нью Орлеан услуби. | 8  |
| 3-мавзу: Чикагоча жаз.                                  | 12 |
| 4-мавзу: Свинг ва Канзас-сити услуби.                   | 13 |
| 5-мавзу: Би-боп.  | 15 |
| 6-мавзу: Кул.   | 17 |
| 7-мавзу: Прогрессив-жаз.                                | 20 |
| 8-мавзу: Хард-боп (модал жаз).                          | 21 |
| 9-мавзу: Соул-жаз.                                      | 22 |
| 10-мавзу: Фри-жаз ва Фьюжн.                             | 23 |
| 11-мавзу: Лотинамерикача жаз.                           | 25 |
| 12-мавзу: Замонавий дунёдаги жаз.                       | 26 |
| <b>II – қисм. РОК – МУСИҚА.</b>                         |    |
| 1-мавзу: Рок-музиқсининг шаклланиш тарихи               | 30 |
| 2-мавзу: Рок-н-ролл.                                    | 32 |
| 3-мавзу: Арт-рок.                                       | 35 |
| 4-мавзу: Прогрессив рок.                                | 36 |
| 5-мавзу: Хард-рок.                                      | 38 |
| 6-мавзу: Металл-рок.                                    | 40 |
| 7-мавзу: Рок-опера.                                     | 42 |
| 8-мавзу: Мюзикл.  | 43 |
| <b>III-қисм. ПОП МУСИҚА</b>                             |    |
| 1-мавзу: Поп мусиқа ҳақида тушунча.                     | 46 |
| 2-мавзу: Шансон.  | 48 |
| 3-мавзу: Ритм-н-блюз.                                   | 50 |
| 4-мавзу: Соул.  | 52 |
| 5-мавзу: Янгиланган соул ва нео-соул.                   | 54 |

|   |    |
|---|----|
| 6-мавзу: Фанк ва Куит сторм.  | 55 |
| 7-мавзу: Замонавий ритм-н-блюз (R&B).                                 | 57 |
| 8-мавзу: Диско.   | 60 |
| 9-мавзу: Техно.   | 63 |
| 10-мавзу: Реггей ва Даб.  | 64 |
| 11-мавзу: Хип-хоп ва Рэп.   | 67 |
| IV-ҚИСМ. Миллий ва минтақавий хусусиятлардан фойдаланувчи поп-музиқа. |    |
| 1-мавзу: Араб поп-музиқаси.   | 70 |
| 2-мавзу: Хиндча, туркча, эронча поп-музиқа.                           | 74 |
| 3-мавзу: Россия поп-музиқаси.   | 76 |
| 4-мавзу: Ўзбекистон поп-музиқаси.                                     | 80 |
| ХОТИМА.   | 88 |
| ЖАЗ, РОК ВА ПОП МУСИҚА УСЛУБЛАРИ ҲАМДА ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ЛУҒАТИ.        | 91 |